ISSN 2091-5659

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТЎПЛАМИ

СОБРАНИЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

№ 37

2026 йил 14 - 19 сентябрь

Расмий нашр

Официальное издание

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари жойлаштирилади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

ИККИНЧИ БЎЛИМ

927. ««Хоразм вилоятида қаттиқ маиший чиқиндиларни ёқиш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 14 сентябрдаги ПҚ-328-сон қарори

928. ««Қорақалпоғистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндиларни ёқиш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 17 сентябрдаги ПҚ-330-сон қарори

929. ««Бухоро ва Навоий вилоятларида қаттиқ маиший чиқиндиларни ёқиш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 17 сентябрдаги ПҚ-331-сон қарори

930. ««Сурхондарё вилоятида қаттиқ маиший чиқиндиларни ёқиш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 17 сентябрдаги ПҚ-332-сон қарори

931. ««Жиззах ва Сирдарё вилоятларида қаттиқ маиший чиқиндиларни ёқиш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 17 сентябрдаги ПҚ-333-сон қарори

УЧИНЧИ БЎЛИМ

932. «Сувни тежайдиган суғориш технологияларидан ва сувдан фойдаланишда давлат назорати самарадорлигини янада ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 16 сентябрдаги 488-сон қарори

933. «Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот муассасаларининг фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 17 сентябрдаги 491-сон қарори

934. «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимидаги муассасаларда бюджетдан ташқари маблағларни шакллантириш манбаларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 17 сентябрдаги 493-сон қарори

935. «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 17 сентябрдаги 498-сон қарори

936. «Олий таълим ташкилотлари талабалари ўртасида фан олимпиадаларини ташкил этиш ва иқтидорли талабаларни қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 17 сентябрдаги 499-сон қарори

937. «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида магистратура босқичида кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 17 сентябрдаги 500-сон қарори

938. «Педагогларнинг давлат олий таълим ташкилотларига ўқишга кирган ва таҳсил олаётган фарзандларининг тўлов-контракт суммасига чегирма бериш ва эҳтиёжманд оила фарзандларини замонавий касбларга ўқитиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 17 сентябрдаги 501-сон қарори

939. «Тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини бериш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 17 сентябрдаги 502-сон қарори

940. «Ўзбекистон халқаро исломшунослик академиясининг «Диний маърифий соҳа менежменти» магистратура мутахассислигига қабул қилиш тартибини белгилаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 18 сентябрдаги 503-сон қарори

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

941. ““Ruxsatnomalar, tarqatish vedomostlari va limit kitobchalari bo‘yicha avtotransport vositalariga yonilg‘i quyish uchun neft mahsulotlari, suyultirilgan va siqilgan tabiiy gazni berish qoidalarini tasdiqlash haqida”gi qarorga o‘zgartirishlar kiritish haqida” O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Elektr energiyasi, neft mahsulotlari va gazdan foydalanishni nazorat qilish inspeksiyasi, O‘zbekiston Respublikasi Qishloq xo‘jaligi vazirligi, O‘zbekiston Respublikasi Suv xo‘jaligi vazirligi, O‘zbekiston Respublikasi Transport vazirligining qarori *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 14-sentyabr ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2072-3-son)*

942. “O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi bo‘linmalariga kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga nomzodlarni saralash tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida” O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi qo‘mondonining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 14-sentyabr ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3210-6-son)*

943. “Портловчи материалларни ишлаб чиқариш, сотиб олиш, сақлаш, ташиш, улардан фойдаланиш ва уларни ҳисобга олиш тўғрисидаги йўриқноманинг 1-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг буйруғи *(Адлия вазирлиги томонидан 2026 йил 14 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3814-1-сон)*

944. “O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari safiga muddatli harbiy xizmatga chaqirilayotgan va kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga qabul qilinayotgan fuqarolarni giyohvandlik vositalari bo‘yicha majburiy tibbiy laboratoriya tekshiruvidan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida” O‘zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi, O‘zbekiston Respublikasi Davlat xavfsizlik xizmati, O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi, O‘zbekiston Respublikasi Favqulodda vaziyatlar vazirligi, O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi, O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligining qarori *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 14-sentyabr ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3939-son)*

945. “Farmatsevtika faoliyatida qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida” O‘zbekiston Respublikasi sog‘liqni saqlash vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 16-sentyabr ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3940-son)*

946. “Ички ишлар органларида хизматга номзодларни танлаб олиш тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг буйруғи *(Адлия вазирлиги томонидан 2026 йил 17 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3481-4-сон)*

947. “Qimmatli qog‘ozlar emitentlarining reytingini yuritish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida” O‘zbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi direktorining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 17-sentyabr ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3941-son)*

948. “Vazirlik va idoralar tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 17-sentyabr ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3942-son)*

949. “O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 17-sentyabr ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3943-son)*



ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАРИ

QMMB: 07/26/328/0935-son
15.09.2026-y.

37 (1265)-son
927-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2026 yil « 14 » сентябрь №ПҚ–328

“Хоразм вилоятида қаттиқ маиший чиқиндиларни ёқиш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Хоразм вилоятида экологик вазиятни яхшилаш, чиқиндиларни қайта ишлаш соҳасига замонавий ечимлар ва технологияларни жорий этиш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш ҳамда соҳага тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш мақсадида **қарор қиламан**:

I. Қаттиқ маиший чиқиндилардан электр энергияси ишлаб чиқаришни ташкил этиш

1. Тўғридан-тўғри музокаралар натижасида:

(а) “Green Hammer Co., Ltd” компанияси (Корея Республикаси) (кейинги ўринларда – Инвестор) томонидан “Хоразм вилоятида қаттиқ маиший чиқиндиларни ёқиш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш” инвестиция лойиҳаси (кейинги ўринларда – Лойиҳа) доирасида хорижий корхона (кейинги ўринларда – Лойиҳа компанияси) таъсис этилиши;

(б) Инвестор ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ўртасида 2026 йил 14 сентябрда инвестиция шартномаси имзолангани;

(в) “Ўзэнергосотиш” АЖ ва Инвестор ўртасида 2026 йил 11 сентябрда Лойиҳа доирасида ишлаб чиқарилган электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битим имзолангани;

(г) Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳузуридаги Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) ва Инвестор ўртасида 2026 йил 11 сентябрда қаттиқ маиший чиқиндиларни Лойиҳа компаниясига етказиб бериш тўғрисидаги битим имзолангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Лойиҳани амалга ошириш доирасида Инвестор ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ўртасида тузилган инвестиция шартномаси тасдиқлансин.

II. Мажбурият ва имтиёзлар

3. Белгилансинки, электр энергиясини сотиб олиш ва қаттиқ маиший чиқиндиларни етказиб бериш тўғрисидаги битимларга мувофиқ:

(а) Лойиҳа компанияси ишлаб чиқарилган электр энергиясини 30 йил давомида “Ўзэнергосотиш” АЖга кафолатланган тарзда сотади;

(б) Лойиҳа компанияси Лойиҳа доирасида электр станциясини ягона электр энергияси тармоғига улаш учун зарур бўлган ҳаво электр узатиш тармоқлари ва тегишли электр инфратузилмаси қурилмаларини “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ томонидан бериладиган техник шартлар асосида қуради ва ишга туширилгандан сўнг уларни “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖга топширади;

(в) Лойиҳа компанияси электр станциясини ишга туширишдан олдин “Миллий диспетчерлик маркази” ДУК ва “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ билан биргаликда унинг электр энергетика тизимига таъсирини баҳолаш бўйича техник хулоса тайёрлайди ҳамда мазкур хулоса асосида тармоққа уланишнинг якуний шартлари келишилади;

(г) “Ўзэнергосотиш” АЖ 30 йил давомида электр энергиясини кафолатланган тарзда миллий валютада харид қилади;

(д) Агентлик Лойиҳа компаниясига 30 йил давомида қаттиқ маиший чиқиндиларни кафолатланган ҳажмда етказиб беради;

(ж) Лойиҳа компанияси қурилиш давридаги ўз мажбуриятлари лозим даражада бажарилишининг таъминоти сифатида **7 миллион АҚШ доллари** миқдорида биринчи даражали банк кафолатини тақдим этади;

(з) Инвестор ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларидан Лойиҳа доирасида ўзи томонидан таъсис этиладиган Лойиҳа компанияси фойдасига воз кечади.

4. Белгилаб қўйилсинки:

(а) Лойиҳа компанияси ва "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖ томонидан ер участкалари учун тўланадиган **ижара тўлови миқдори ер солиғи миқдорига тенглаштирилади**;

(б) Лойиҳа **чиқиндиларни утилизация қилиш ва қайта ишлашга ихтисослашган саноат зоналари** (кейинги ўринларда – экосаноат зонаси) ва уларга туташ бўлган ҳудудларда амалга оширилади.

5. Агентлик:

(а) ҳаво электр узатиш тармоқлари учун ажратилган ер участкаларини Лойиҳа компаниясига ва "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖга ижарага беради;

(б) экосаноат зоналаридаги ер участкаларини улардан Лойиҳа доирасида фойдаланиш учун Лойиҳа муддатига тенг бўлган муддатга Лойиҳа компаниясига ижарага беради.

6. Белгилансинки, Инвестор ва Лойиҳа компанияси 2026–2028 йилларда Хоразм вилоятида **100 миллион АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри инвестицияларни** жалб этган ҳолда кунига 0,8 минг тонна чиқиндиларни термик усулда қайта ишлаш орқали 71 миллион кВт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга ускуналар ишга туширилишини таъминлайди.

III. Лойиҳани амалга оширишни жадаллаштириш чора-тадбирлари

7. Белгилаб қўйилсинки, экосаноат зоналарига туташ ҳудудлар ҳамда Лойиҳа доирасида ҳаво электр узатиш тармоқлари ва электр инфратузилмаси қурилмаларини қуриш учун зарур бўлган ер участкалари доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан Агентликка ўтказилади.

8. Агентлик ва "Ўзэнергосотиш" АЖга:

(а) Лойиҳа компанияси билан биргаликда Лойиҳани амалга ошириш учун халқаро мустақил инжиниринг компанияси ва бошқа маслаҳатчиларни "таклиф сўрови" харид қилиш тартиб-таомили орқали жалб қилишга;

(б) Лойиҳа доирасида уч ой давомида ишлаб чиқариладиган электр энергиясини сотиб олиш, чиқиндиларни етказиб бериш мажбурияти бажарилишининг таъминоти сифатида Лойиҳа компанияси фойдасига республика банкларида тасдиқланган ва тикланадиган аккредитивлар очишга рухсат берилади.

9. Белгилансинки, Лойиҳа компаниясига барча солиқлар ва йиғимлар тўланган ҳолда Лойиҳани молиялаштириш доирасида:

(а) кредит олиш, чет эл валютасида маблағлар олиш ва улардан фойдаланиш (шу жумладан, чет эл валютасида кредит тушумлари) учун чет элдаги хорижий банкларда банк ҳисобварақлари очиш;

(б) Ўзбекистон Республикасидан ташқарида бўлган чет эл пудрат ташкилотлари, етказиб берувчилар ёки чет эл кредиторларига тўловларни Ўзбекистон Республикасидаги банк ҳисобварақлари орқали ўтказмасдан, тўғридан-тўғри амалга ошириш ҳуқуқлари берилади.

10. Белгилансинки, Лойиҳа доирасида:

(а) инфратузилма объектларини қуриш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 декабрдаги "Ҳудудларда муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–4929-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади;

(б) инфратузилма объектларини қуриш-таъмирлаш ишлари бўйича буюртмачи вазифаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги “Махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5101-сон қарорида белгиланган ташкилотлар томонидан амалга оширилади;

(в) Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Агентлик, “Ўзэнергосотиш” АЖ ва “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖга Инвестор томонидан Лойиҳани амалга ошириш доирасида имзоланган битимлар бўйича мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, Лойиҳа компанияси ва Инвестор ҳуқуқини Лойиҳани молиялаштиришда иштирок этадиган бошқа кредиторларга тўғридан-тўғри ўтказиш ҳақида битимлар тузиш ҳуқуқи берилади;

(г) зарур ер участкалари ҳамда унга туташ ҳудудларда ҳаво электр узатиш тармоқлари ва электр инфратузилмаси қурилмаларини қуришда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланганлик (тоифаси ўзгартирилганлиги) учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги ўрни (компенсация тўловлари) қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қоплаб берилади.

11. Инвесторнинг буюртманомасига биноан Лойиҳани амалга ошириш доирасида:

(а) Ташқи ишлар вазирлиги – жалб қилинадиган хорижий мутахассислар ҳамда уларнинг оила аъзолари учун кириш визалари, зарур ҳолларда, Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида белгиланган тартибда расмийлаштирилишини;

(б) Ички ишлар вазирлиги – жалб қилинадиган хорижий мутахассислар ҳамда уларнинг оила аъзоларига кўп марталик виза берилиши ва унинг муддати узайтирилишини, шунингдек, турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилиши ва унинг муддати узайтирилишини;

(в) Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги – хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи тасдиқномалар берилишини (муддати узайтирилишини) белгиланган тартибда таъминласин.

12. Хоразм вилояти ҳокимлиги **бир ой муддатда** Урганч тумани "Янги Ўртабоғ" МФЙ ҳудудидан **15 гектар ер майдони** экосаноат зонаси ташкил этиш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан Агентликка ажратилишини таъминласин.

13. Агентлик Энергетика вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда, заруратга кўра, Лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган ер участкаларининг ер фонди тоифасини ўзгартириш юзасидан Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича Ҳукумат комиссиясига таклифлар киритиб борсин.

14. Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясига, зарур ҳолларда, Лойиҳанинг мақсадли кўрсаткичларига ва техник-иқтисодий параметрларига Инвестор билан келишган ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

IV. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

15. Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси лойиҳа ҳужжатлари белгиланган тартибда экологик экспертизадан ўтказилишини ва Лойиҳани амалга оширишда табиатни муҳофаза қилишга оид қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини таъминласин.

16. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳамда Энергетика вазирлиги Лойиҳа амалга оширилиши, шунингдек, томонлар ўртасидаги битимлар доирасидаги мажбуриятлар бажарилиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

17. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳар

QMMB: 07/26/330/0942-son
17.09.2026-y.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2026 yil « 17 » сентябрь №ПҚ–330

“Қорақалпоғистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндиларни ёқиш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Қорақалпоғистон Республикасида экологик вазиятни яхшилаш, чиқиндиларни қайта ишлаш соҳасига замонавий ечимлар ва технологияларни жорий этиш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш ҳамда соҳага тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш мақсадида **қарор қиламан**:

I. Қаттиқ маиший чиқиндилардан электр энергияси ишлаб чиқаришни ташкил этиш

1. Тўғридан-тўғри музокаралар натижасида:

(а) “China Sciences Environmental Protection Technology (Hong Kong) International Co., Ltd (CSET (HK))” компанияси (Хитой Халқ Республикаси) (кейинги ўринларда – Инвестор) томонидан “Қорақалпоғистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндиларни ёқиш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш” инвестиция лойиҳаси (кейинги ўринларда – Лойиҳа) доирасида хорижий корхона (кейинги ўринларда – Лойиҳа компанияси) таъсис этилиши;

(б) Инвестор ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ўртасида 2026 йил 14 сентябрда инвестиция шартномаси имзолангани;

(в) “Ўзэнергосотиш” АЖ ва Инвестор ўртасида 2026 йил 11 сентябрда Лойиҳа доирасида ишлаб чиқарилган электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битим имзолангани;

(г) Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳузуридаги Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) ва Инвестор ўртасида 2026 йил 11 сентябрда қаттиқ маиший чиқиндиларни Лойиҳа компаниясига етказиб бериш тўғрисидаги битим имзолангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Лойиҳани амалга ошириш доирасида Инвестор ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ўртасида тузилган инвестиция шартномаси тасдиқлансин.

II. Мажбурият ва имтиёзлар

3. Белгилансинки, электр энергиясини сотиб олиш ва қаттиқ маиший чиқиндиларни етказиб бериш тўғрисидаги битимларга мувофиқ:

(а) Лойиҳа компанияси ишлаб чиқарилган электр энергиясини 30 йил давомида “Ўзэнергосотиш” АЖга кафолатланган тарзда сотади;

(б) Лойиҳа компанияси Лойиҳа доирасида электр станциясини ягона электр энергияси тармоғига улаш учун зарур бўлган ҳаво электр узатиш тармоқлари ва тегишли электр инфратузилмаси қурилмаларини “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ томонидан бериладиган техник шартлар асосида қуради ва ишга туширилгандан сўнг уларни “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖга топширади;

(в) Лойиҳа компанияси электр станциясини ишга туширишдан олдин “Миллий диспетчерлик маркази” ДУК ва “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ билан биргаликда унинг электр энергетика тизимига таъсирини баҳолаш бўйича техник хулоса тайёрлайди ҳамда мазкур хулоса асосида тармоққа уланишнинг якуний шартлари келишилади;

(г) “Ўзэнергосотиш” АЖ 30 йил давомида электр энергиясини кафолатланган тарзда миллий валютада харид қилади;

(д) Агентлик Лойиҳа компаниясига 30 йил давомида қаттиқ маиший чиқиндиларни кафолатланган ҳажмда етказиб беради;

(ж) Лойиҳа компанияси қурилиш давридаги ўз мажбуриятлари лозим даражада бажарилишининг таъминоти сифатида **8 миллион АҚШ доллари** миқдорида биринчи даражали банк кафолатини тақдим этади;

(з) Инвестор ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларидан Лойиҳа доирасида ўзи томонидан таъсис этиладиган Лойиҳа компанияси фойдасига воз кечади.

4. Белгилаб қўйилсинки:

(а) Лойиҳа компанияси ва "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖ томонидан ер участкалари учун тўланадиган **ижара тўлови миқдори ер солиғи миқдорига тенглаштирилади**;

(б) Лойиҳа **чиқиндиларни утилизация қилиш ва қайта ишлашга ихтисослашган саноат зоналари** (кейинги ўринларда – экосаноат зонаси) ва уларга туташ бўлган ҳудудларда амалга оширилади.

5. Агентлик:

(а) ҳаво электр узатиш тармоқлари учун ажратилган ер участкаларини Лойиҳа компаниясига ва "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖга ижарага беради;

(б) экосаноат зоналаридаги ер участкаларини улардан Лойиҳа доирасида фойдаланиш учун Лойиҳа муддатига тенг бўлган муддатга Лойиҳа компаниясига ижарага беради.

6. Белгилансинки, Инвестор ва Лойиҳа компанияси 2026–2028 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида **80 миллион АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри инвестициялар**ни жалб этган ҳолда кунига 0,75 минг тонна чиқиндиларни термик усулда қайта ишлаш орқали 90 миллион кВт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга ускуналар ишга туширилишини таъминлайди.

III. Лойиҳани амалга оширишни жадаллаштириш чора-тадбирлари

7. Белгилаб қўйилсинки, экосаноат зоналарига туташ ҳудудлар ҳамда Лойиҳа доирасида ҳаво электр узатиш тармоқлари ва электр инфратузилмаси қурилмаларини қуриш учун зарур бўлган ер участкалари доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан Агентликка ўтказилади.

8. Агентлик ва "Ўзэнергосотиш" АЖга:

(а) Лойиҳа компанияси билан биргаликда Лойиҳани амалга ошириш учун халқаро мустақил инжиниринг компанияси ва бошқа маслаҳатчиларни "таклиф сўрови" харид қилиш тартиб-таомили орқали жалб қилишга;

(б) Лойиҳа доирасида уч ой давомида ишлаб чиқариладиган электр энергиясини сотиб олиш, чиқиндиларни етказиб бериш мажбурияти бажарилишининг таъминоти сифатида Лойиҳа компанияси фойдасига республика банкларида тасдиқланган ва тикланадиган аккредитивлар очишга рухсат берилсин.

9. Белгилансинки, Лойиҳа компаниясига барча солиқлар ва йиғимлар тўланган ҳолда Лойиҳани молиялаштириш доирасида:

(а) кредит олиш, чет эл валютасида маблағлар олиш ва улардан фойдаланиш (шу жумладан, чет эл валютасида кредит тушумлари) учун чет элдаги хорижий банкларда банк ҳисобварақлари очиш;

(б) Ўзбекистон Республикасидан ташқарида бўлган чет эл пудрат ташкилотлари, етказиб берувчилар ёки чет эл кредиторларига тўловларни Ўзбекистон Республикасидаги банк ҳисобварақлари орқали ўтказмасдан, тўғридан-тўғри амалга ошириш ҳуқуқлари берилади.

10. Белгилансинки, Лойиҳа доирасида:

(а) инфратузилма объектларини қуриш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 декабрдаги "Ҳудудларда муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–4929-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади;

(б) инфратузилма объектларини қуриш-таъмирлаш ишлари бўйича буюртмачи вазифаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги “Махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5101-сон қарорида белгиланган ташкилотлар томонидан амалга оширилади;

(в) Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Агентлик, “Ўзэнергосотиш” АЖ ва “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖга Инвестор томонидан Лойиҳани амалга ошириш доирасида имзоланган битимлар бўйича мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, Лойиҳа компанияси ва Инвестор ҳуқуқини Лойиҳани молиялаштиришда иштирок этадиган бошқа кредиторларга тўғридан-тўғри ўтказиш ҳақида битимлар тузиш ҳуқуқи берилади;

(г) зарур ер участкалари ҳамда унга туташ ҳудудларда ҳаво электр узатиш тармоқлари ва электр инфратузилмаси қурилмаларини қуришда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланганлик (тоифаси ўзгартирилганлиги) учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги ўрни (компенсация тўловлари) қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қоплаб берилади.

11. Инвесторнинг буюртманомасига биноан Лойиҳани амалга ошириш доирасида:

(а) Ташқи ишлар вазирлиги – жалб қилинадиган хорижий мутахассислар ҳамда уларнинг оила аъзолари учун кириш визалари, зарур ҳолларда, Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида белгиланган тартибда расмийлаштирилишини;

(б) Ички ишлар вазирлиги – жалб қилинадиган хорижий мутахассислар ҳамда уларнинг оила аъзоларига кўп марталик виза берилиши ва унинг муддати узайтирилишини, шунингдек, турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилиши ва унинг муддати узайтирилишини;

(в) Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги – хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи тасдиқномалар берилишини (муддати узайтирилишини) белгиланган тартибда таъминласин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши **бир ой муддатда** Нукус тумани "Тақиркўл" ОФЙ ҳудудидан **30 гектар ер майдони** экосаноат зонаси ташкил этиш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан Агентликка ажратилишини таъминласин.

13. Агентлик Энергетика вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда, заруратга кўра, Лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган ер участкаларининг ер фонди тоифасини ўзгартириш юзасидан Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича Ҳукумат комиссиясига таклифлар киритиб борсин.

14. Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясига, зарур ҳолларда, Лойиҳанинг мақсадли кўрсаткичларига ва техник-иқтисодий параметрларига Инвестор билан келишган ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

IV. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

15. Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси лойиҳа ҳужжатлари белгиланган тартибда экологик экспертизадан ўтказилишини ва Лойиҳани амалга оширишда табиатни муҳофаза қилишга оид қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини таъминласин.

16. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳамда Энергетика вазирлиги Лойиҳа амалга оширилиши, шунингдек, томонлар ўртасидаги битимлар доирасидаги мажбуриятлар бажарилиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

17. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QMMB: 07/26/331/0943-son
17.09.2026-y.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2026 yil « 17 » сентябрь № ПҚ–331

“Бухоро ва Навоий вилоятларида қаттиқ маиший чиқиндиларни ёқиш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Бухоро ва Навоий вилоятларида экологик вазиятни яхшилаш, чиқиндиларни қайта ишлаш соҳасига замонавий ечимлар ва технологияларни жорий этиш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш ҳамда соҳага тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш мақсадида **қарор қиламан**:

I. Қаттиқ маиший чиқиндилардан электр энергияси ишлаб чиқаришни ташкил этиш

1. Тўғридан-тўғри музокаралар натижасида:

(а) “Wangneng (UZ) Environmental Protection Energy Pte. Ltd” компанияси (Сингапур) (кейинги ўринларда – Инвестор) томонидан “Бухоро ва Навоий вилоятларида қаттиқ маиший чиқиндиларни ёқиш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш” инвестиция лойиҳаси (кейинги ўринларда – Лойиҳа) доирасида хорижий корхона (кейинги ўринларда – Лойиҳа компанияси) таъсис этилиши;

(б) Инвестор ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ўртасида 2026 йил 14 сентябрда инвестиция шартномаси имзолангани;

(в) “Ўзэнергосотиш” АЖ ва Инвестор ўртасида 2026 йил 11 сентябрда Лойиҳа доирасида ишлаб чиқарилган электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битим имзолангани;

(г) Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳузуридаги Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) ва Инвестор ўртасида 2026 йил 11 сентябрда қаттиқ маиший чиқиндиларни Лойиҳа компаниясига етказиб бериш тўғрисидаги битим имзолангани;

(д) "WANGNENG GREEN ENERGY Pte. Ltd", "WANGNENG URBAN ENVIRONMENT" ҳамда Бухоро вилоятида чиқиндиларни йиғиш ва олиб чиқиб кетиш хизматларини кўрсатувчи "Аҳолитранс" МЧЖ ва "Махсусавтохўжалик" МЧЖ ўртасида мулкларнинг олди-сотди шартномаси имзолангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Лойиҳани амалга ошириш доирасида Инвестор ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ўртасида тузилган инвестиция шартномаси тасдиқлансин.

II. Мажбурият ва имтиёзлар

3. Белгилансинки, электр энергиясини сотиб олиш ва қаттиқ маиший чиқиндиларни етказиб бериш тўғрисидаги битимларга мувофиқ:

(а) Лойиҳа компанияси ишлаб чиқарилган электр энергиясини 30 йил давомида "Ўзэнергосотиш" АЖга кафолатланган тарзда сотади;

(б) Лойиҳа компанияси Лойиҳа доирасида электр станциясини ягона электр энергияси тармоғига улаш учун зарур бўлган ҳаво электр узатиш тармоқлари ва тегишли электр инфратузилмаси қурилмаларини "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖ томонидан бериладиган техник шартлар асосида қуради ва ишга туширилгандан сўнг уларни "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖга топширади;

(в) Лойиҳа компанияси электр станциясини ишга туширишдан олдин "Миллий диспетчерлик маркази" ДУК ва "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖ билан биргаликда унинг электр энергетика тизимига таъсирини баҳолаш бўйича техник хулоса тайёрлайди ҳамда мазкур хулоса асосида тармоққа уланишнинг якуний шартлари келишилади;

(г) "Ўзэнергосотиш" АЖ 30 йил давомида электр энергиясини кафолатланган тарзда миллий валютада харид қилади;

(д) Агентлик Лойиҳа компаниясига 30 йил давомида қаттиқ маиший чиқиндиларни кафолатланган ҳажмда етказиб беради;

(ж) Лойиҳа компанияси қурилиш давридаги ўз мажбуриятлари лозим даражада бажарилишининг таъминоти сифатида **8 миллион АҚШ доллари** миқдорида биринчи даражали банк кафолатини тақдим этади;

(з) Инвестор ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларидан Лойиҳа доирасида ўзи томонидан таъсис этиладиган Лойиҳа компанияси фойдасига воз кечади.

4. Белгилаб қўйилсинки:

(а) Лойиҳа компанияси ва "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖ томонидан ер участкалари учун тўланадиган **ижара тўлови миқдори ер солиғи миқдорига тенглаштирилади**;

(б) Лойиҳа **чиқиндиларни утилизация қилиш ва қайта ишлашга ихтисослашган саноат зоналари** (кейинги ўринларда – экосаноат зонаси) ва уларга туташ бўлган ҳудудларда амалга оширилади.

5. Агентлик:

(а) ҳаво электр узатиш тармоқлари учун ажратилган ер участкаларини Лойиҳа компаниясига ва "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖга ижарага беради;

(б) экосаноат зоналаридаги ер участкаларини улардан Лойиҳа доирасида фойдаланиш учун Лойиҳа муддатига тенг бўлган муддатга Лойиҳа компаниясига ижарага беради.

6. Белгилансинки, Инвестор ва Лойиҳа компанияси 2026–2028 йилларда Бухоро вилоятида **165 миллион АҚШ доллари** миқдорида тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этган ҳолда кунига 1,5 минг тонна чиқиндиларни термик усулда қайта ишлаш орқали 238 миллион кВт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга ускуналар ишга туширилишини таъминлайди.

III. Лойиҳани амалга оширишни жадаллаштириш чора-тадбирлари

7. Белгилаб қўйилсинки, экосаноат зоналарига туташ ҳудудлар ҳамда Лойиҳа доирасида ҳаво электр узатиш тармоқлари ва электр инфратузилмаси қурилмаларини қуриш учун зарур бўлган ер участкалари доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан Агентликка ўтказилади.

8. Қуйидагиларга:

(а) Агентлик ва “Ўзэнергосотиш” АЖга:

(i) Лойиҳа компанияси билан биргаликда Лойиҳани амалга ошириш учун халқаро мустақил инжиниринг компанияси ва бошқа маслаҳатчиларни “таклиф сўрови” харид қилиш тартиб-таомили орқали жалб қилишга;

(ii) Лойиҳа доирасида уч ой давомида ишлаб чиқариладиган электр энергиясини сотиб олиш, чиқиндиларни етказиб бериш мажбурияти бажарилишининг таъминоти сифатида Лойиҳа компанияси фойдасига республика банкларида тасдиқланган ва тикланадиган аккредитивлар очишга;

(б) Агентликнинг ҳудудий бўлинмаси ва Бухоро вилояти ҳокимлигига “WANGNENG GREEN ENERGY Pte. Ltd” билан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматларини кўрсатиш тўғрисида битимларни тўғридан-тўғри тузишга рухсат берилсин.

9. Белгилансинки, Лойиҳа компаниясига барча солиқлар ва йиғимлар тўланган ҳолда Лойиҳани молиялаштириш доирасида:

(а) кредит олиш, чет эл валютасида маблағлар олиш ва улардан фойдаланиш (шу жумладан, чет эл валютасида кредит тушумлари) учун чет элдаги хорижий банкларда банк ҳисобварақлари очиш;

(б) Ўзбекистон Республикасидан ташқарида бўлган чет эл пудрат ташкилотлари, етказиб берувчилар ёки чет эл кредиторларига тўловларни Ўзбекистон Республикасидаги банк ҳисобварақлари орқали ўтказмасдан, тўғридан-тўғри амалга ошириш ҳуқуқлари берилади.

10. Белгилансинки, Лойиҳа доирасида:

(а) инфратузилма объектларини қуриш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 декабрдаги “Ҳудудларда муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4929-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади;

(б) инфратузилма объектларини қуриш-таъмирлаш ишлари бўйича буюртмачи вазифаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги “Махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5101-сон қарорида белгиланган ташкилотлар томонидан амалга оширилади;

(в) Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Агентлик, “Ўзэнергосотиш” АЖ ва “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖга Инвестор томонидан Лойиҳани амалга ошириш доирасида имзоланган битимлар бўйича мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, Лойиҳа компанияси ва Инвестор ҳуқуқини Лойиҳани молиялаштиришда иштирок этадиган бошқа кредиторларга тўғридан-тўғри ўтказиш ҳақида битимлар тузиш ҳуқуқи берилади;

(г) зарур ер участкалари ҳамда унга туташ ҳудудларда ҳаво электр узатиш тармоқлари ва электр инфратузилмаси қурилмаларини қуришда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланганлик (тоифаси ўзгартирилганлиги) учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги ўрни (компенсация тўловлари) қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қоплаб берилади.

11. Инвесторнинг буюртманомасига биноан Лойиҳани амалга ошириш доирасида:

(а) Ташқи ишлар вазирлиги – жалб қилинадиган хорижий мутахассислар ҳамда уларнинг оила аъзолари учун кириш визалари, зарур ҳолларда, Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида белгиланган тартибда расмийлаштирилишини;

(б) Ички ишлар вазирлиги – жалб қилинадиган хорижий мутахассислар ҳамда уларнинг оила аъзоларига кўп марталик виза берилиши ва унинг муддати узайтирилишини, шунингдек, турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилиши ва унинг муддати узайтирилишини;

(в) Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги – хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи тасдиқномалар берилишини (муддати узайтирилишини) белгиланган тартибда таъминласин.

12. Бухоро вилояти ҳокимлиги **бир ой муддатда** Когон тумани "Гулистон" МФЙ ҳудудидан **40 гектар ер майдони** экосаноат зонаси ташкил этиш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан Агентликка ажратилишини таъминласин.

13. Агентлик Энергетика вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда, заруратга кўра, Лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган ер участкаларининг ер фонди тоифасини ўзгартириш юзасидан Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича Ҳукумат комиссиясига таклифлар киритиб борсин.

14. Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясига, зарур ҳолларда, Лойиҳанинг мақсадли кўрсаткичларига ва техник-иқтисодий параметрларига Инвестор билан келишган ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

IV. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

15. Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси лойиҳа ҳужжатлари белгиланган тартибда экологик экспертизадан ўтказилишини ва Лойиҳани амалга оширишда табиатни муҳофаза қилишга оид қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини таъминласин.

16. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳамда Энергетика вазирлиги Лойиҳа амалга оширилиши, шунингдек, томонлар ўртасидаги битимлар доирасидаги мажбуриятлар бажарилиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

17. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QMMB: 07/26/332/0944-son
17.09.2026-y.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
QARORI

2026 yil « 17 » сентябрь № ПҚ–332

“Сурхондарё вилоятида қаттиқ маиший чиқиндиларни ёқиш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Сурхондарё вилоятида экологик вазиятни яхшилаш, чиқиндиларни қайта ишлаш соҳасига замонавий ечимлар ва технологияларни жорий этиш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш ҳамда соҳага тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш мақсадида **қарор қиламан**:

I. Қаттиқ маиший чиқиндилардан электр энергияси ишлаб чиқаришни ташкил этиш

1. Тўғридан-тўғри музокаралар натижасида:

(а) “China Sciences Environmental Protection Technology (Hong Kong) International Co., Ltd (CSET (HK)” компанияси (Хитой Халқ Республикаси) (кейинги ўринларда – Инвестор) томонидан “Сурхондарё вилоятида қаттиқ маиший чиқиндиларни ёқиш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш” инвестиция лойиҳаси (кейинги ўринларда – Лойиҳа) доирасида хорижий корхона (кейинги ўринларда – Лойиҳа компанияси) таъсис этилиши;

(б) Инвестор ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ўртасида 2026 йил 14 сентябрда инвестиция шартномаси имзолангани;

(в) “Ўзэнергосотиш” АЖ ва Инвестор ўртасида 2026 йил 11 сентябрда Лойиҳа доирасида ишлаб чиқарилган электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битим имзолангани;

QMMB: 07/26/332/0944-son
17.09.2026-y.

(г) Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳузуридаги Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) ва Инвестор ўртасида 2026 йил 11 сентябрда қаттиқ маиший чиқиндиларни Лойиҳа компаниясига етказиб бериш тўғрисидаги битим имзолангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Лойиҳани амалга ошириш доирасида Инвестор ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ўртасида тузилган инвестиция шартномаси тасдиқлансин.

II. Мажбурият ва имтиёзлар

3. Белгилансинки, электр энергиясини сотиб олиш ва қаттиқ маиший чиқиндиларни етказиб бериш тўғрисидаги битимларга мувофиқ:

(а) Лойиҳа компанияси ишлаб чиқарилган электр энергиясини 30 йил давомида “Ўзэнергосотиш” АЖга кафолатланган тарзда сотади;

(б) Лойиҳа компанияси Лойиҳа доирасида электр станциясини ягона электр энергияси тармоғига улаш учун зарур бўлган ҳаво электр узатиш тармоқлари ва тегишли электр инфратузилмаси қурилмаларини “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ томонидан бериладиган техник шартлар асосида қуради ва ишга туширилгандан сўнг уларни “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖга топширади;

(в) Лойиҳа компанияси электр станциясини ишга туширишдан олдин “Миллий диспетчерлик маркази” ДУК ва “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ билан биргаликда унинг электр энергетика тизимига таъсирини баҳолаш бўйича техник хулоса тайёрлайди ҳамда мазкур хулоса асосида тармоққа уланишнинг якуний шартлари келишилади;

(г) “Ўзэнергосотиш” АЖ 30 йил давомида электр энергиясини кафолатланган тарзда миллий валютада харид қилади;

(д) Агентлик Лойиҳа компаниясига 30 йил давомида қаттиқ маиший чиқиндиларни кафолатланган ҳажмда етказиб беради;

(ж) Лойиҳа компанияси қурилиш давридаги ўз мажбуриятлари лозим даражада бажарилишининг таъминоти сифатида **8 миллион АҚШ доллари** миқдорида биринчи даражали банк кафолатини тақдим этади;

(з) Инвестор ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларидан Лойиҳа доирасида ўзи томонидан таъсис этиладиган Лойиҳа компанияси фойдасига воз кечади.

4. Белгилаб қўйилсинки:

(а) Лойиҳа компанияси ва "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖ томонидан ер участкалари учун тўланадиган **ижара тўлови миқдори ер солиғи миқдорига тенглаштирилади**;

(б) Лойиҳа **чиқиндиларни утилизация қилиш ва қайта ишлашга ихтисослашган саноат зоналари** (кейинги ўринларда – экосаноат зонаси) ва уларга туташ бўлган ҳудудларда амалга оширилади.

5. Агентлик:

(а) ҳаво электр узатиш тармоқлари учун ажратилган ер участкаларини Лойиҳа компаниясига ва "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖга ижарага беради;

(б) экосаноат зоналаридаги ер участкаларини улардан Лойиҳа доирасида фойдаланиш учун Лойиҳа муддатига тенг бўлган муддатга Лойиҳа компаниясига ижарага беради.

6. Белгилансинки, Инвестор ва Лойиҳа компанияси 2026–2028 йилларда Сурхондарё вилоятида **150 миллион АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри инвестицияларни** жалб этган ҳолда кунига 1 минг тонна чиқиндиларни термик усулда қайта ишлаш орқали 126 миллион кВт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга ускуналар ишга туширилишини таъминлайди.

QMMB: 07/26/332/0944-son
17.09.2026-y.

III. Лойиҳани амалга оширишни жадаллаштириш чора-тадбирлари

7. Белгилаб қўйилсинки, экосаноат зоналарига туташ ҳудудлар ҳамда Лойиҳа доирасида ҳаво электр узатиш тармоқлари ва электр инфратузилмаси қурилмаларини қуриш учун зарур бўлган ер участкалари доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан Агентликка ўтказилади.

8. Агентлик ва "Ўзэнергосотиш" АЖга:

(а) Лойиҳа компанияси билан биргаликда Лойиҳани амалга ошириш учун халқаро мустақил инжиниринг компанияси ва бошқа маслаҳатчиларни "таклиф сўрови" харид қилиш тартиб-таомили орқали жалб қилишга;

(б) Лойиҳа доирасида уч ой давомида ишлаб чиқариладиган электр энергиясини сотиб олиш, чиқиндиларни етказиб бериш мажбурияти бажарилишининг таъминоти сифатида Лойиҳа компанияси фойдасига республика банкларида тасдиқланган ва тикланадиган аккредитивлар очишга рухсат берилади.

9. Белгилансинки, Лойиҳа компаниясига барча солиқлар ва йиғимлар тўланган ҳолда Лойиҳани молиялаштириш доирасида:

(а) кредит олиш, чет эл валютасида маблағлар олиш ва улардан фойдаланиш (шу жумладан, чет эл валютасида кредит тушумлари) учун чет элдаги хорижий банкларда банк ҳисобварақлари очиш;

(б) Ўзбекистон Республикасидан ташқарида бўлган чет эл пудрат ташкилотлари, етказиб берувчилар ёки чет эл кредиторларига тўловларни Ўзбекистон Республикасидаги банк ҳисобварақлари орқали ўтказмасдан, тўғридан-тўғри амалга ошириш ҳуқуқлари берилади.

10. Белгилансинки, Лойиҳа доирасида:

(а) инфратузилма объектларини қуриш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 декабрдаги "Ҳудудларда муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–4929-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади;

QMMB: 07/26/332/0944-son
17.09.2026-y.

(б) инфратузилма объектларини қуриш-таъмирлаш ишлари бўйича буюртмачи вазифаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги "Махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–5101-сон қарорида белгиланган ташкилотлар томонидан амалга оширилади;

(в) Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Агентлик, "Ўзэнергосотиш" АЖ ва "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖга Инвестор томонидан Лойиҳани амалга ошириш доирасида имзоланган битимлар бўйича мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, Лойиҳа компанияси ва Инвестор ҳуқуқини Лойиҳани молиялаштиришда иштирок этадиган бошқа кредиторларга тўғридан-тўғри ўтказиш ҳақида битимлар тузиш ҳуқуқи берилади;

(г) зарур ер участкалари ҳамда унга туташ ҳудудларда ҳаво электр узатиш тармоқлари ва электр инфратузилмаси қурилмаларини қуришда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланганлик (тоифаси ўзгартирилганлиги) учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги ўрни (компенсация тўловлари) қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қоплаб берилади.

11. Инвесторнинг буюртманомасига биноан Лойиҳани амалга ошириш доирасида:

(а) Ташқи ишлар вазирлиги – жалб қилинадиган хорижий мутахассислар ҳамда уларнинг оила аъзолари учун кириш визалари, зарур ҳолларда, Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида белгиланган тартибда расмийлаштирилишини;

(б) Ички ишлар вазирлиги – жалб қилинадиган хорижий мутахассислар ҳамда уларнинг оила аъзоларига кўп марталик виза берилиши ва унинг муддати узайтирилишини, шунингдек, турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилиши ва унинг муддати узайтирилишини;

(в) Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги – хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи тасдиқномалар берилишини (муддати узайтирилишини) белгиланган тартибда таъминласин.

12. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги **бир ой муддатда** Ангор тумани “Баҳор” МФЙ ҳудудидан **15 гектар ер майдони** экосаноат зонаси ташкил этиш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан Агентликка ажратилишини таъминласин.

13. Агентлик Энергетика вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда, заруратга кўра, Лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган ер участкаларининг ер фонди тоифасини ўзгартириш юзасидан Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича Ҳукумат комиссиясига таклифлар киритиб борсин.

14. Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясига, зарур ҳолларда, Лойиҳанинг мақсадли кўрсаткичларига ва техник-иқтисодий параметрларига Инвестор билан келишган ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

IV. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

15. Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси лойиҳа ҳужжатлари белгиланган тартибда экологик экспертизадан ўтказилишини ва Лойиҳани амалга оширишда табиатни муҳофаза қилишга оид қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини таъминласин.

16. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳамда Энергетика вазирлиги Лойиҳа амалга оширилиши, шунингдек, томонлар ўртасидаги битимлар доирасидаги мажбуриятлар бажарилиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

QMMB: 07/26/332/0944-son
17.09.2026-y.

17. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QMMB: 07/26/333/0945-son
17.09.2026-y.

37 (1265)-сон
931-модда

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2026 yil «17» сентябрь №ПҚ–333

“Жиззах ва Сирдарё вилоятларида қаттиқ маиший чиқиндиларни ёқиш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Жиззах ва Сирдарё вилоятларида экологик вазиятни яхшилаш, чиқиндиларни қайта ишлаш соҳасига замонавий ечимлар ва технологияларни жорий этиш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш ҳамда соҳага тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш мақсадида **қарор қиламан**:

I. Қаттиқ маиший чиқиндилардан электр энергияси ишлаб чиқаришни ташкил этиш

1. Тўғридан-тўғри музокаралар натижасида:

(а) “China Civil Engineering Construction Corporation (CCECC)” ва “Cevia Enviro Inc. (Henan Investment Group)” компаниялари консорциуми (Хитой Халқ Республикаси) (кейинги ўринларда – Инвестор) томонидан “Жиззах ва Сирдарё вилоятларида қаттиқ маиший чиқиндиларни ёқиш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш” инвестиция лойиҳаси (кейинги ўринларда – Лойиҳа) доирасида хорижий корхона (кейинги ўринларда – Лойиҳа компанияси) таъсис этилиши;

(б) Инвестор ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ўртасида 2026 йил 14 сентябрда инвестиция шартномаси имзолангани;

(в) “Ўзэнергосотиш” АЖ ва Инвестор ўртасида 2026 йил 11 сентябрда Лойиҳа доирасида ишлаб чиқарилган электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битим имзолангани;

(г) Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳузуридаги Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) ва Инвестор ўртасида 2026 йил 11 сентябрда қаттиқ маиший чиқиндиларни Лойиҳа компаниясига етказиб бериш тўғрисидаги битим имзолангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Лойиҳани амалга ошириш доирасида Инвестор ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ўртасида тузилган инвестиция шартномаси тасдиқлансин.

II. Мажбурият ва имтиёзлар

3. Белгилансинки, электр энергиясини сотиб олиш ва қаттиқ маиший чиқиндиларни етказиб бериш тўғрисидаги битимларга мувофиқ:

(а) Лойиҳа компанияси ишлаб чиқарилган электр энергиясини 30 йил давомида “Ўзэнергосотиш” АЖга кафолатланган тарзда сотади;

(б) Лойиҳа компанияси лойиҳа доирасида электр станциясини ягона электр энергияси тармоғига улаш учун зарур бўлган ҳаво электр узатиш тармоқлари ва тегишли электр инфратузилмаси қурилмаларини “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ томонидан бериладиган техник шартлар асосида қуради ва ишга туширилгандан сўнг уларни “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖга топширади;

(в) Лойиҳа компанияси электр станциясини ишга туширишдан олдин “Миллий диспетчерлик маркази” ДУК ва “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ билан биргаликда унинг электр энергетика тизимига таъсирини баҳолаш бўйича техник хулоса тайёрлайди ҳамда мазкур хулоса асосида тармоққа уланишнинг якуний шартлари келишилади;

(г) “Ўзэнергосотиш” АЖ 30 йил давомида электр энергиясини кафолатланган тарзда миллий валютада харид қилади;

(д) Агентлик Лойиҳа компаниясига 30 йил давомида қаттиқ маиший чиқиндиларни кафолатланган ҳажмда етказиб беради;

(ж) Лойиҳа компанияси қурилиш давридаги ўз мажбуриятлари лозим даражада бажарилишининг таъминоти сифатида **8 миллион АҚШ доллари** миқдорида биринчи даражали банк кафолатини тақдим этади;

(з) Инвестор ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларидан Лойиҳа доирасида ўзи томонидан таъсис этиладиган Лойиҳа компанияси фойдасига воз кечади.

4. Белгилаб қўйилсинки:

(а) Лойиҳа компанияси ва "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖ томонидан ер участкалари учун тўланадиган **ижара тўлови миқдори ер солиғи миқдорига тенглаштирилади**;

(б) Лойиҳа **чиқиндиларни утилизация қилиш ва қайта ишлашга ихтисослашган саноат зоналари** (кейинги ўринларда – экосаноат зонаси) ва уларга туташ бўлган ҳудудларда амалга оширилади.

5. Агентлик:

(а) ҳаво электр узатиш тармоқлари учун ажратилган ер участкаларини Лойиҳа компаниясига ва "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖга ижарага беради;

(б) экосаноат зоналаридаги ер участкаларини улардан Лойиҳа доирасида фойдаланиш учун Лойиҳа муддатига тенг бўлган муддатга Лойиҳа компаниясига ижарага беради.

6. Белгилансинки, Инвестор ва Лойиҳа компанияси 2026–2028 йилларда Жиззах вилоятида **130 миллион АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри инвестицияларни** жалб этган ҳолда кунига 1 минг тонна чиқиндиларни термик усулда қайта ишлаш орқали 110 миллион кВт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга ускуналар ишга туширилишини таъминлайди.

III. Лойиҳани амалга оширишни жадаллаштириш чора-тадбирлари

7. Белгилаб қўйилсинки, экосаноат зоналарига туташ ҳудудлар ҳамда Лойиҳа доирасида ҳаво электр узатиш тармоқлари ва электр инфратузилмаси қурилмаларини қуриш учун зарур бўлган ер участкалари доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан Агентликка ўтказилади.

8. Агентлик ва “Ўзэнергосотиш” АЖга:

(а) Лойиҳа компанияси билан биргаликда Лойиҳани амалга ошириш учун халқаро мустақил инжиниринг компанияси ва бошқа маслаҳатчиларни “таклиф сўрови” харид қилиш тартиб-таомили орқали жалб қилишга;

(б) Лойиҳа доирасида уч ой давомида ишлаб чиқариладиган электр энергиясини сотиб олиш, чиқиндиларни етказиб бериш мажбурияти бажарилишининг таъминоти сифатида Лойиҳа компанияси фойдасига республика банкларида тасдиқланган ва тикланадиган аккредитивлар очишга рухсат берилсин.

9. Белгилансинки, Лойиҳа компаниясига барча солиқлар ва йиғимлар тўланган ҳолда Лойиҳани молиялаштириш доирасида:

(а) кредит олиш, чет эл валютасида маблағлар олиш ва улардан фойдаланиш (шу жумладан, чет эл валютасида кредит тушумлари) учун чет элдаги хорижий банкларда банк ҳисобварақлари очиш;

(б) Ўзбекистон Республикасидан ташқарида бўлган чет эл пудрат ташкилотлари, етказиб берувчилар ёки чет эл кредиторларига тўловларни Ўзбекистон Республикасидаги банк ҳисобварақлари орқали ўтказмасдан, тўғридан-тўғри амалга ошириш ҳуқуқлари берилади.

10. Жиззах вилояти ҳокимлигининг Лойиҳани амалга ошириш учун Жиззах вилояти Шароф Рашидов тумани “Ғозғонтепа” МФЙ ҳудуди 85ч–87ч-контурлардан ажратиладиган 10,8 гектар ер участкалари тоифасини қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар тоифасига ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

11. Белгилансинки, Лойиҳа доирасида:

(а) инфратузилма объектларини қуриш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 декабрдаги “Ҳудудларда муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4929-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади;

(б) инфратузилма объектларини қуриш-таъмирлаш ишлари бўйича буюртмачи вазифаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги “Махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5101-сон қарорида белгиланган ташкилотлар томонидан амалга оширилади;

(в) Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Агентлик, “Ўзэнергосотиш” АЖ ва “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖга Инвестор томонидан Лойиҳани амалга ошириш доирасида имзоланган битимлар бўйича мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, Лойиҳа компанияси ва Инвестор ҳуқуқини Лойиҳани молиялаштиришда иштирок этадиган бошқа кредиторларга тўғридан-тўғри ўтказиш ҳақида битимлар тузиш ҳуқуқи берилади;

(г) зарур ер участкалари ҳамда унга туташ ҳудудларда ҳаво электр узатиш тармоқлари ва электр инфратузилмаси қурилмаларини қуришда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланганлик (тоифаси ўзгартирилганлиги) учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги ўрни (компенсация тўловлари) қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қоплаб берилади.

12. Инвесторнинг буюртманомасига биноан Лойиҳани амалга ошириш доирасида:

(а) Ташқи ишлар вазирлиги – жалб қилинадиган хорижий мутахассислар ҳамда уларнинг оила аъзолари учун кириш визалари, зарур ҳолларда, Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида белгиланган тартибда расмийлаштирилишини;

(б) Ички ишлар вазирлиги – жалб қилинадиган хорижий мутахассислар ҳамда уларнинг оила аъзоларига кўп марталик виза берилиши ва унинг муддати узайтирилишини, шунингдек, турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилиши ва унинг муддати узайтирилишини;

(в) Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги – хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи тасдиқномалар берилишини (муддати узайтирилишини) белгиланган тартибда таъминласин.

13. Жиззах вилояти ҳокимлиги **бир ой муддатда** Шароф Рашидов тумани "Ғозғонтепа" МФЙ ҳудудидан **10,8 гектар ер майдони** экосаноат зонаси ташкил этиш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан Агентликка ажратилишини таъминласин.

14. Агентлик Энергетика вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда, заруратга кўра, Лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган ер участкаларининг ер фонди тоифасини ўзгартириш юзасидан Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича Ҳукумат комиссиясига таклифлар киритиб борсин.

15. Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясига, зарур ҳолларда, Лойиҳанинг мақсадли кўрсаткичларига ва техник-иқтисодий параметрларига Инвестор билан келишган ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

IV. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

16. Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси лойиҳа ҳужжатлари белгиланган тартибда экологик экспертизадан ўтказилишини ва Лойиҳани амалга оширишда табиатни муҳофаза қилишга оид қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини таъминласин.

17. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳамда Энергетика вазирлиги Лойиҳа амалга оширилиши, шунингдек, томонлар ўртасидаги битимлар доирасидаги мажбуриятлар бажарилиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

18. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти — **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри



УЧИНЧИ БЎЛИМ

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ

QMMB: 09/26/488/0946-son
17.09.2026-y.

37 (1265)-son
932-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 16 » sentabr № 488 Toshkent sh.

Сувни тежайдиган суғориш технологияларидан ва сувдан фойдаланишда давлат назорати самарадорлигини янада ошириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2026 йил 5 февралдаги ПҚ–47-сон қарорига мувофиқ сувни тежайдиган суғориш технологияларидан ва сувдан фойдаланишда давлат назорати самарадорлигини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2026 йил 5 февралдаги ПҚ–47-сон қарорига асосан:

Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг (кейинги ўринларда – Инспекция) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудий бошқармалари тузилмасида юридик шахс мақомига эга бўлмаган сувни тежайдиган суғориш технологияларидан ҳамда сувдан фойдаланишни мониторинг қилиш бўлимлари (кейинги ўринларда – Мониторинг бўлимлари) ташкил этилгани;

Мониторинг бўлимлари штат бирликлари Сув хўжалиги вазирлигининг амалдаги штат бирликлари доирасида шакллантирилиши ҳамда Мониторинг бўлимларини сақлаш билан боғлиқ харажатлар Сув хўжалиги вазирлигига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида, шунингдек, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштирилиши белгилангани;

2026 йил 1 июлдан бошлаб Инспекция томонидан тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган текширувларни боди-камералардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш тартиби жорий этилгани;

Инспекцияга юкланган вазифаларни бажаришда учувчисиз учадиган аппаратлари (дрон) хизматларидан фойдаланишга рухсат берилгани маълумот учун қабул қилинсин.

QMMB: 09/26/488/0946-son
17.09.2026-y.

2. Сув хўжалиги вазирлигининг Инспекцияга қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ 20 дона учувчисиз учадиган аппаратларни, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини харид қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, сақлаш ва улардан фойдаланишга рухсат бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки, Инспекцияга учувчисиз учадиган аппаратлардан фақатгина қонунчилик ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш доирасида фойдаланишга рухсат берилади.

3. Инспекцияга учувчисиз учадиган аппаратларидан фойдаланиш ва уларни сақлаш жараёнида Вазирлар Маҳкамасининг “Радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасида рухсат этиш ҳамда радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида” 2020 йил 22 декабрдаги 801-сон ҳамда “Ўзбекистон Республикасида учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланишни тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 15 ноябрдаги 658-сон қарорлари талабларига қатъий амал қилиш бўйича шахсий масъулият ва жавобгарлик юклансин.

4. Радиочастоталар бўйича республика кенгашининг ишчи органи – Рақамли технологиялар вазирлиги Сув хўжалиги вазирлиги мурожаатига асосан Инспекцияга радиоэлектрон воситалар билан жиҳозланган учувчисиз учадиган аппаратларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва улардан фойдаланиш учун тегишли рухсатномаларни расмийлаштиришда амалий ёрдам кўрсатсин.

5. Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги Инспекция томонидан учувчисиз учадиган аппаратларга оид ҳужжатлар белгиланган тартибда тақдим этилган кундан бошлаб беш иш куни ичида учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланишга рухсат этиш тўғрисида хулоса берилишини таъминласин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Инспекция томонидан учувчисиз учадиган аппаратлар ёрдамида суратга олиш ишлари далолатнома билан расмийлаштирилади;

бунда суратга олинган фото ва видео материаллардан таъсир чораларини қўллаш учун фойдаланишга йўл қўйилмайди;

суратга олинган фото ва видео материаллар ёзилган электрон ахборот ташувчи мосламалар назорат кўригидан ўтказиш учун белгиланган тартибда Мудофаа вазирлигига юборилади;

суратга олинган фото ва видео материаллар электрон ахборот ташувчи мосламага ёзилади ҳамда улардан Мудофаа вазирлигининг рухсатномаси билан фойдаланилади;

Мудофаа вазирлиги томонидан фойдаланишга рухсат берилган фото ва видео материаллар Инспекция томонидан камида бир йил сақланади ҳамда улардан текширувларда қонунбузарликка ҳуқуқий баҳо бериш учун фойдаланилиши мумкин.

QMMB: 09/26/488/0946-son
17.09.2026-y.

7. Мудофаа вазирлиги Инспекция томонидан учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланиш жараёни ҳамда улар ёрдамида олинган фото ва видео материаллари белгиланган тартибда назорат кўригидан ўтказиб борилишини ташкил этсин.

8. Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг “Геоинновация маркази” давлат унитар корхонаси Инспекциянинг буюртманомасига асосан учувчисиз учадиган аппаратларга техник хизматлар кўрсатадиган ҳамда парвозларни амалга оширадиган операторларни тайёрлашда амалий ёрдам кўрсатсин.

9. Сув хўжалиги вазирлиги бир ой муддатда сувни тежайдиган суғориш технологияларидан ҳамда сувдан фойдаланишни мониторинг қилиш бўлимлари тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

11. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

QMMB: 09/26/488/0946-son
17.09.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 16 ” сентябрдаги 488-сон қарорига
илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси фаолиятини тартибга солувчи айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2023 йил 27 сентябрдаги 500-сон қарорида:

а) 1-иловада:

11-бандда:

йигирма биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидия ажратилган ер майдонларида жойлаштирилган экинларни суғориш учун мавжуд сувни тежайдиган суғориш технологиялари ёки уларнинг асосий қисмларидан фойдаланишни назорат қилади”;

йигирма еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан учувчисиз учадиган аппаратлар ёрдамида мониторинг тадбирларини ўтказиш хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ҳисобланмайди ҳамда “Ягона давлат назорати” ахборот тизимида рўйхатга олинмайди”;

қуйидаги мазмундаги йигирма саккизинчи ва йигирма тўққизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“сувни тежайдиган суғориш технологияларини қуриб берувчи пудрат ташкилотлари томонидан ҳар бир лойиҳага камида 2 йиллик кафолат муддати берилиши ҳамда 5 йил давомида сервис хизматлари кўрсатилиши устидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат ўрнатади;

жорий қилинган сувни тежайдиган суғориш технологияларига пудратчилар томонидан кафолат ёки сервис мажбуриятлари бажарилмаганлиги аниқланганда сув етказиб берувчи ташкилот, буюртмачи ҳамда пудратчи иштирокида далолатнома расмийлаштиради”;

йигирма саккизинчи – ўттиз бешинчи хатбошилар тегишлича ўттизинчи – ўттиз олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

41-бандда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

QMMB: 09/26/488/0946-son
17.09.2026-y.

“Ўта муҳим гидротехника иншоотларининг техник ҳолатни таҳлил қилиш, жойларда ўрганиш, натурада кузатиш ва Давлат кадастрини юритиш республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади”;

иккинчи – учинчи хатбошилар тегишлича учинчи – тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 4-иловада:

“Сурхондарё вилояти” бўлимининг “Насос станциялари” кичик бўлими 17–21 позицияларининг “Иншоотлар номи” устунидаги “канали” сўзи “насос станциялари” сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратининг самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 7 июндаги 352-сон қарорида:

а) 5-бандда:

учинчи хатбошидаги “тасдиқлансин” сўзи чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспексиясида боди-камералардан фойдаланиш ҳамда уларни сақлаш тартиби тўғрисидаги низом 2^1-иловага мувофиқ тасдиқлансин”;

б) қуйидаги мазмундаги 2^1-илова билан тўлдирилсин:

“Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 7 июндаги 352-сон қарорига
2^1-илова

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясида боди-камералардан фойдаланиш ҳамда уларни сақлаш тартиби тўғрисида

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда – Инспекция) ходимларининг қонунчилик ҳужжатлари билан ўзига юкланган вазифа ва функцияларни бажариш жараёнида боди-камералардан фойдаланиш, уларни сақлаш, улар ёрдамида қайд этилган аудио ва видео материалларни сақлаш, қайта ишлаш ва ҳимоя қилиш тартибини белгилайди.

QMMB: 09/26/488/0946-son
17.09.2026-y.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

аудио ва видео материаллар – боди-камералар ёрдамида ёзиб олинган аудио ва видео материаллар;

боди-камера – ходимнинг формали кийим-бошига махсус мослама билан бириктириладиган ҳамда ходимнинг қонунчилик ҳужжатлари билан ўзига юкланган вазифа ва функцияларни бажариш вақтидаги ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)ни аудио ва видео материал шаклида қайд этувчи ёзувларни ўзгартиришдан ҳимояланган техник восита;

маълумотлар базаси – аудио ва видео материаллар сақланадиган марказлашган махсус сервер ёки электрон хотира воситаси;

“suvnazorat.uz” электрон ахборот тизими – боди-камераларни ҳисобга олиш, топшириш ва қабул қилиш ҳамда улардан фойдаланишга оид маълумотларни электрон шаклда юритиш имкониятини таъминловчи ахборот тизими;

ходим – Инспекция бошлиғи ўринбосари, бўлим бошлиқлари, бош мутахассислар, ҳудудий бошқармалар бошлиқлари, бўлим бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари ҳамда бош мутахассислар.

2-боб. Боди-камералардан фойдаланиш

3. Боди-камераларни топшириш ва қабул қилиш ишлари “suvnazorat.uz” электрон ахборот тизими орқали қайд этиб борилади.

4. Боди-камераларнинг техник талабларга мувофиқлиги доирасида сана, вақт тамғаси, идентификатор, шифрлаш, материалларни таҳрирлашдан ҳимоя қилиш, етарли тасвир сифати ҳамда аккумулятор қуввати видео материалда доимий кўриниши лозим.

5. Ходимга рухсат этилмаган, мувофиқлиги тасдиқланмаган мувофиқлик сертификати муддати ўтган ёки белгиланган тартибда Инспекция ҳисобида бўлмаган боди-камерадан фойдаланиш тақиқланади.

6. Боди-камера ходимнинг кўкрак соҳаси елка қисмига яқин жойга тақилади, ходим ҳаракатларига халақит бермайдиган қилиб жойлаштирилади, шунингдек, давлат тилида “Диққат! Аудио ва видео ёзиб олинмоқда”, рус тилида “Внимание! Ведётся аудио и видеозапись”, инглиз тилида “Attention! Audio and video recording in progress” ёзувлари акс эттирилади.

7. Ходим қонунчилик ҳужжатлари билан ўзига юкланган вазифа ва функцияларни амалга оширишга киришган пайтдан бошлаб боди-камера ёқилади ҳамда иш вақти тугагунга қадар ишчи режимда бўлади.

Ходимга боди-камерани рухсатсиз ечиб ташлаш, ўчириш, аудио ва видео материалларни тўхтатиш қатъиян тақиқланади.

Ходимга дам олиш ҳамда овқатланиш вақтида бевосита бошлиғининг рухсати билан аудио ва видео материалларни ёзишни вақтинча тўхтатишга рухсат этилади.

Бунда ходим томонидан аудио ва видео материалларни ёзиш вақтинча тўхтатилгани ҳақида “suvnazorat.uz” электрон ахборот тизимига тегишли ёзув киритилиши шарт.

8. Боди-камерада носозликлар кузатилганда ёки аккумулятор қуввати тугаганда, ходим дарҳол бошлиғини бевосита хабардор қилади ҳамда бу ҳақида “suvnazorat.uz” электрон ахборот тизимига тегишли ёзувлар киритади.

Бунда текширув дарҳол тўхтатилади ва текширувни фақат боди-камера қайта ишга туширилгандан сўнг давом эттиришга йўл қўйилади.

9. Ходим боди-камера ёқилгани ҳақида мулоқотга киришган шахсни оғзаки равишда хабардор қилиши лозим.

3-боб. Боди-камерани сақлаш

10. Боди-камера Инспекция мулки ҳисобланади ҳамда улар махсус рўйхат асосида инвентарь рақами бўйича ҳисобга олинади.

11. Боди-камера махсус жиҳозланган, техника ва ахборот хавфсизлиги талабларига жавоб берадиган жойда сақланади.

12. Ходим ўзига топширилган боди-камерани техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлашга, бутлигини таъминлашга, бегоналарга бериб юбормасликка ҳамда фақат белгиланган тартибда ишлатилишига шахсан жавобгар ҳисобланади.

13. Боди-камерани бузиш, йўқотиш ёки унга қасддан шикаст етказиш ҳолатлари аниқланганда, ходимлар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради (ходимларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бундан мустасно).

4-боб. Аудио ва видео материалларни сақлаш ва улардан фойдаланиш

14. Боди-камера орқали олинган барча аудио ва видео материаллар маълумотлар базасига боди-камеранинг аккумуляторини қувватлаш пайтида автоматик тарзда кўчириб олинади.

15. Кўчириб олинган аудио ва видео материаллар олти ой давомида сақланади ҳамда сақлаш муддати тугаган аудио ва видео материаллар маълумотлар базасидан автоматик тарзда ўчирилади.

Бунда низоли ҳолатлар қайд этилган аудио ва видео материаллар якуний кўриб чиқилгунга қадар сақланади.

16. Сақланган аудио ва видео материалларни монтаж қилиш, қисқартириш, тезлатиш ёки секинлатиш, овозни алмаштириш, белгилар қўшиш, кадрларни ўчириш ёки қўшиш, тасвир ёки овоз сифатига таъсир этувчи фильтрлардан фойдаланиш, шунингдек, видео материалнинг мазмуни ва кетма-кетлигига таъсир қилувчи ҳар қандай таҳрирлаш ҳаракатларини амалга ошириш қатъиян тақиқланади.

QMMB: 09/26/488/0946-son
17.09.2026-y.

17. Аудио ва видео материаллар суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шунингдек, бошқа ваколатли давлат органлари сўровига асосан фақат Инспекция бошлиғи (ёки ўринбосари) рухсати билан кўпайтирилади (улардан нусха кўчирилади) ва тақдим этилади.

18. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шунингдек, бошқа ваколатли давлат органларининг аудио ва видео материалларни тақдим этиш ҳақидаги сўрови Инспекция томонидан ўн иш куни ичида кўриб чиқилади.

19. Аудио ва видео материаллар Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ сақланади ва ҳимоя қилинади.

20. Аудио ва видео материалларни шахсий қурилмаларга (шахсий телефон, ташқи флеш-хотира ва бошқалар) кўчириш, мессенжерлар ёки ижтимоий тармоқлар орқали юбориш тақиқланади.

21. Ходим текширув жараёнида маълум бўлган тижорат сири, хизмат сири ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан қўриқланадиган бошқа сирларни муҳофаза қилинишини таъминлайди.

Бунда аудио ва видео материалларга киришни чеклаш, ҳаракатларни логлаш ва видео материалларни шифрлаш мажбурий ҳисобланади.

5-боб. Якунловчи қоида

22. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар”.



QMMB: 09/26/491/0949-son
18.09.2026-y.

37 (1265)-son
933-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 17 » sentabr № 491 Toshkent sh.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот муассасаларининг фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Самарқанд вилоятида инвестиция ва тадбиркорлик муҳитини янада ривожлантириш ҳамда аҳоли турмуш даражасини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 29 ноябрдаги ПҚ–407-сон ҳамда “Чорвачилик ва паррандачиликни қўллаб-қувватлаш, соҳада юқори қўшилган қиймат яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 30 январдаги ПҚ–34-сон қарорларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий-тадқиқотлар кўламини ошириш ҳамда илм-фан билан ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси 49[1]-моддасига мувофиқ:

ўқув-тажриба хўжаликларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари белгиланган тартибда қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий-тадқиқот ва тажриба-синов ишларини амалга ошириш, таълим мақсадлари, товар қишлоқ хўжалигини юритиш ҳамда илғор тажрибани тарғиб қилиш учун берилиши;

ўқув-тажриба хўжаликлари қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага ёки иккиламчи ижарага бериш ҳуқуқига эга эмаслиги белгиланган маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари ҳокимликларининг:

а) Самарқанд вилояти Иштихон тумани тажрибаси асосида “in-vitro” шароитида кўчатчиликни жорий этиш, узумнинг “Кишмиш Согдиана”, “Қора кишмиш” ва “Аватар” навларини кенг жорий қилиш мақсадида Академик М.Мирзаев номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти (кейинги ўринларда – Институт) ва унинг ҳудудий тузилмаларидаги штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобидан Институт муассислигида **“Иштихон узумчилик илмий-тажриба станцияси” давлат муассасасини** (кейинги ўринларда – Тажриба станцияси) ташкил этиш;

Самарқанд вилояти Иштихон тумани Э.Қорабоев ҳудудидаги туман ҳокимлиги тасарруфида бўлган, бўш турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган 8к, 216, 217к, 146 ва 274к-контурлардаги жами **27,26 гектар**, шундан 24,44 гектар суғориладиган ерлар, 1,15 гектар токзор, 0,49 гектар тутзор ва 1,18 гектар бошқа ерлардан иборат ер участкасини Тажриба станциясига ижара ҳуқуқи асосида ажратиш;

б) Тошкент вилояти Янгийўл тумани Ниёзбоши ҳудуди 15-контурдаги туман ҳокимлиги тасарруфида бўлган, бўш турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган жами **28,13 гектар**, шундан 27,17 гектар суғориладиган ерлар ва 0,96 гектар бошқа ерлардан иборат ер участкасини Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Чорвачилик ва яйлов хўжалигини ривожлантириш агентлиги тизимидаги **Наслчилик илмий-ишлаб чиқариш маркази** (кейинги ўринларда – Марказ)га ижара ҳуқуқи асосида ажратиш тўғрисидаги **таклифларига розилик берилсин**.

3. Белгилансинки:

Тажриба станцияси ва Марказга ушбу қарорнинг 2-бандида кўрсатилган ер участкалари ўттиз йил муддатга, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига асосан ижара шартномаси муддати тугагандан сўнг узайтириш ҳуқуқи билан ижарага берилади;

Тажриба станциясига ажратиладиган ер участкасида узум плантациялари барпо этилади, узум кўчатлари кўпайтирилади ва эришилган илмий-амалий натижалар, ресурс-тежамкор тажрибалар, замонавий технология ва усуллар синовдан ўтказилади ҳамда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришга жорий этилади;

Марказга ажратиладиган ер участкасидан наслли чорва молларининг (сигир, буқа, тана, наслли ва спорт отлари) зотини яхшилаш, наслчилик ишларини илмий асосда такомиллаштириш (замонавий технология ва юқори генофондли зотдор ҳайвонлар генетик салоҳиятидан фойдаланиш), Марказда парвариш қилинадиган наслли чорва молларини озиқлантириш ва уларнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш учун фойдаланилади;

Тажриба станцияси ва Марказ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага ёки иккиламчи ижарага бериш ҳуқуқига эга эмас.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бир ой муддатда:

Тажриба станцияси низомини тасдиқласин ва унинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

Тажриба станциясининг моддий-техник базасини яратиш ва мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин.

5. Қуйидагилар Тажриба станцияси фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

бино ва иншоотларни сақлаш, шунингдек, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш учун – Давлат бюджети маблағлари;

QMMB: 09/26/491/0949-son
18.09.2026-y.

илмий фаолиятга оид дастурларни амалга ошириш учун – Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан ўтказиладиган танловлар натижалари бўйича ажратиладиган грантлар;

халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий ташкилотларнинг грантлари;

хўжалик фаолиятидан ҳамда шартнома асосида ўтказиладиган тадқиқотлардан тушадиган тушумлар;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Бунда Тажриба станциясини бюджет маблағлари ҳисобидан сақлаш билан боғлиқ харажатлар 2026 йилда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида қопланади, 2027 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

6. Тажриба станцияси Самарқанд вилояти Иштихон туманининг “Ўзбекистон” МФЙ Иштихон кўчасидаги 4-уй манзилида жойлашган туман қишлоқ хўжалиги бўлими маъмурий биноси 2-қаватига текин фойдаланиш ҳуқуқи билан жойлаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Тошкент ва Самарқанд вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда Тажриба станцияси ва Марказга ажратиладиган ер майдонлари бўйича ижара шартномаси тузилишини, кўчмас мулк объектларининг кадастр ҳисобига олиниши ва кадастр йиғмажилди шакллантирилишини ҳамда ерга бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев ва қишлоқ хўжалиги вазири И.Ю. Абдурахмонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

QMMB: 09/26/493/0955-son
18.09.2026-y.

37 (1265)-son
934-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 17 » sentabr № 493 Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимидаги муассасаларда бюджетдан ташқари маблағларни шакллантириш манбаларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари ва “Ғамхўрлик” марказлари тизимини янада ривожлантириш тўғрисида” 2021 йил 25 мартдаги ПФ–6195-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 мартдаги ПФ–6195-сон Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги) тизимидаги муассасаларда пулли хизмат кўрсатиш ҳамда маҳсулотлар (товар ва хизматлар) тайёрлаш ва уларни реализация қилиш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши назарда тутилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимидаги муассасаларда пулли хизмат кўрсатиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, муассасаларнинг мол-мулкини ижарага бериш, шунингдек, муассасаларнинг ривожлантириш жамғармаларига қўшимча маблағлар жалб қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан **ҳар йили 15 декабрга** қадар келгуси йил учун муассасаларда пулли хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда уларнинг ривожлантириш жамғармалари даромадларини кўпайтиришга қаратилган йиллик прогноз кўрсаткичлар (кейинги ўринларда – прогноз кўрсаткичлар) тасдиқланади ва уларнинг ижроси таҳлил қилиб борилади.

4. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимидаги муассасаларда (кейинги ўринларда – муассасалар) бюджетдан ташқари маблағларни шакллантириш манбаларини кенгайтириш мақсадида муассасалардаги тарбияланувчилар (ўқувчилар, яшовчилар) тайёрлаган маҳсулотлар давлат буюртмачилари томонидан бир молия йилида базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 500 бараваригача миқдорда тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали харид қилинишига рухсат берилсин.

QMMB: 09/26/493/0955-son
18.09.2026-y.

5. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги:

а) **бир ой муддатда** 2026 йил учун прогноз кўрсаткичлар тасдиқланишини таъминласин;

б) **2026 йил 1 октябрга қадар**:

прогноз кўрсаткичлар ижросини таҳлил қилиш ва уларнинг ижросини таъминлаган Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари ва муассасалар ходимларини рағбатлантириш тартибини тасдиқласин;

муассасалар хизматларидан фойдаланувчи шахслар (тарбияланувчилар, ўқувчилар, доимий яшовчи шахслар) томонидан тайёрланган маҳсулотларни реализация қилиш бўйича тузиладиган намунавий воситачилик шартномаларини ишлаб чиқсин;

в) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **уч ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **2-иловага** мувофиқ айрим қарорларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/493/0955-son
18.09.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил 17 сентябрдаги 493-сон қарорига
1-илова

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимидаги муассасаларда пулли хизмат кўрсатиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, муассасаларнинг мол-мулкини ижарага бериш, шунингдек, муассасаларнинг ривожлантириш жамғармаларига қўшимча маблағлар жалб қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги) тизимидаги муассасаларда (кейинги ўринларда – муассасалар) пулли хизмат кўрсатиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, муассасаларнинг мол-мулкини ижарага бериш, шунингдек, муассасаларнинг ривожлантириш жамғармаларига қўшимча маблағлар жалб қилиш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

пулли хизмат – муассасалар томонидан мижозларга шартнома асосида ҳақ эвазига кўрсатиладиган хизматлар турлари (реабилитация қилиш, тиббий диагностика, даволаш, қараб туриш, дефектолог, психолог хизматлар ва бошқалар), бундан давлат томонидан кафолатланган хизмат турлари мустасно;

мижоз – муассасалар томонидан кўрсатиладиган хизматлардан ўз хоҳишига кўра пулли асосда фойдаланувчи шахс;

таълим ташкилоти – Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимига кирувчи барча таълим ташкилотлари;

тиббий-ижтимоий муассаса – фаолият йўналишларига мувофиқ аҳолига тиббий ва ижтимоий хизматлар кўрсатувчи Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимига кирувчи муассасалар;

хизмат олувчилар – таълим ташкилотлари ва тиббий-ижтимоий муассасаларда таълим олувчи, тарбияланувчи ва яшовчилар;

ҳудудий бошқарма – Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаси.

2-боб. Пулли хизматларни кўрсатиш тартиби

3. Пулли хизматлар мижозларга муассаса ходимлари ва муассасага фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида жалб қилинган жисмоний шахслар томонидан кўрсатилади.

QMMB: 09/26/493/0955-son
18.09.2026-y.

Бунда муассаса ходимларини мажбурий равишда ҳамда бошқа жисмоний шахсларни фуқаролик-ҳуқуқий шартнома тузмасдан пулли хизматлар кўрсатишга жалб этиш тақиқланади.

4. Муассасалар томонидан кўрсатиладиган пулли хизматлар турлари тўғрисидаги маълумотлар ва хизмат кўрсатиш бўйича оммавий оферта Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ёки муассасанинг расмий веб-сайтига жойлаштириб борилади.

5. Муассасанинг пулли хизматлар кўрсатиладиган биносида қуйидагилар тўғрисида маълумот жойлаштирилади:

кўрсатиладиган пулли хизматлар ва уларнинг прейскурант нархлари ҳақида маълумот;

пулли хизматлар кўрсатиладиган хона ва жойлар.

6. Мижозларга пулли хизматлар уларнинг мурожаатларига асосан шартнома ёки электрон оммавий офертага мувофиқ ҳақ эвазига кўрсатилади.

7. Таълим ташкилотларида ташкил этиладиган қўшимча таълим (давлат таълим стандартларидан ташқари) ва ижтимоий-реабилитация хизматлари ушбу таълим ташкилотининг раҳбари ҳамда хизмат олувчиларнинг, шунингдек, мазкур ташкилотнинг хизмат олувчиси бўлмаган шахсларнинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўртасида тузиладиган шартнома ёхуд электрон оммавий оферта асосида ҳақ эвазига кўрсатилади.

Таълим ва ижтимоий-реабилитация хизматлари мижознинг талабига кўра унга индивидуал ёхуд гуруҳ шаклида кўрсатилиши мумкин.

8. Мижозларда муассасаларга қабул қилишга қарши тиббий кўрсатмалар аниқланган тақдирда, улар белгиланган тартибда ҳудудий даволаш-профилактика муассасаларига юборилиши мумкин.

9. Муассасада кўрсатиладиган пулли хизматларнинг рўйхати ва прейскурант нархлари ушбу муассаса жойлашган ҳудуддаги ҳудудий бошқарма билан келишилган ҳолда муассаса раҳбарининг буйруғи билан тасдиқланади. Бунда пулли хизматларнинг прейскурант нархи ҳар бир хизмат тури бўйича бозор конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда, бироқ хизматларнинг таннархидан кам бўлмаган миқдорда шакллантирилади.

3-боб. Хизмат олувчилар томонидан маҳсулотлар (хизматлар) тайёрлаш ва уларни реализация қилиш тартиби

10. Муассасаларда хизмат олувчилар томонидан ҳунармандчилик, бадиий ва амалий санъат маҳсулотлари, гул ва кўчатлар, озиқ-овқат ва қандолат маҳсулотлари, компьютер хизматлари ва бошқа йўналишлардаги маҳсулотлар (хизматлар) (кейинги ўринларда – маҳсулот) тайёрланиши мумкин. Бунда:

хизмат олувчиларнинг ўзларига ёки муассасага тегишли бўлган хомашё асосида маҳсулотлар индивидуал ёки гуруҳ шаклида тайёрланади;

муассаса томонидан тақдим этилган хомашё асосидаги маҳсулот хизмат олувчи билан тузиладиган фуқаролик-ҳуқуқий шартномага кўра тайёрланади;

маҳсулотларни тайёрлаш муассаса ҳудудида ташкил этилади.

“Ғамхўрлик” марказларига жойлаштирилган ногиронлиги бўлган шахслар маҳсулот тайёрлаш жараёнида ижтимоий-меҳнат реабилитациясини амалга ошириш учун ташкил этилган лойиҳалар доирасида иштирок этиши мумкин.

11. Хизмат олувчи билан фуқаролик-ҳуқуқий шартнома:

ўн тўрт ёшга тўлмаган хизмат олувчи номидан унинг ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки васийси томонидан;

ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган хизмат олувчи томонидан унинг ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийсининг (эмансипация ҳолатлари бундан мустасно) ёзма розилиги билан;

ўн саккиз ёшга тўлган, муомалага лаёқатли хизмат олувчи томонидан мустақил равишда;

ўн саккиз ёшга тўлган муомала лаёқати чекланган хизмат олувчи томонидан унинг ҳомийсининг ёзма розилиги билан;

ўн саккиз ёшга тўлган муомалага лаёқатсиз деб топилган хизмат олувчи номидан унинг васийси томонидан тузилади.

12. Муассасаларда тайёрланган маҳсулотлар:

хизмат олувчиларнинг ўз хомашёси асосида тайёрланган маҳсулотлар муассаса томонидан воситачилик шартномаси асосида;

муассаса томонидан харид қилинган хомашё асосида тайёрланган маҳсулотлар бевосита муассаса томонидан;

тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликда тайёрланган маҳсулотлар биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартномага мувофиқ тадбиркор ёки муассаса томонидан реализация қилинади.

13. Хизмат олувчилар томонидан тайёрланган маҳсулот нархи мазкур Низомнинг 9-бандида белгиланган тартибда аниқланади.

Хизмат олувчилар томонидан ўзига тегишли хомашё асосида тайёрланган маҳсулотни реализация қилиш учун муассасанинг воситачилик ҳақи маҳсулот нархининг тўртдан бир қисмидан кўп бўлмаслиги керак.

14. Тайёрланган маҳсулотлар (хизматлар) муассаса томонидан:

электрон савдо платформалари, савдо ярмаркалари орқали, тўғридан-тўғри шартномалар тузиш ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа усулларда реализация қилиниши;

хизмат олувчилар томонидан тайёрланган маҳсулотлар давлат буюртмачилари томонидан бир молия йилида базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 500 бараваригача миқдорда тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали харид қилиниши мумкин.

15. Воситачилик шартномаси бўйича ҳар бир реализация қилинган маҳсулот (хизмат) учун тўланган маблағларнинг тегишли қисми мазкур маблағлар келиб тушган кундан бошлаб бир ой ичида муассаса томонидан хизмат олувчиларнинг тижорат банкида очилган ҳисобварақларига ўтказилади.

16. Муассасада маҳсулотлар тайёрлаш (хизматлар кўрсатиш) ишлари тадбиркорлик субъектлари билан биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартнома асосида ташкил этилиши мумкин. Бунда:

QMMB: 09/26/493/0955-son
18.09.2026-y.

муассаса ва тадбиркорлик субъектининг лойиҳа доирасида киритадиган улушлари миқдори;

тадбиркорлик субъекти томонидан ушбу муассасанинг хизмат олувчилари ва ходимларини жалб этиш, шунингдек, бошқа шартлар биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартнома билан белгиланади.

Биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартномани амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъекти томонидан хизмат олувчилар билан шартнома мазкур Низомнинг 11-бандида белгиланган тартибда тузилади.

Биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартномада ўзаро келишувга кўра тайёрланган маҳсулотларни реализация қилишдан тушган маблағларни киритиладиган улушлардан келиб чиқиб, тақсимлаш шартлари ҳам кўрсатилиши мумкин.

17. Муассаса хизмат олувчиларни ёки тадбиркорлик субъектини маҳсулотларни тайёрлаш учун талаб этиладиган жой, асбоб-ускуна ва бошқа зарур воситалар билан таъминлаши мумкин.

4-боб. Муассасаларда пулли хизмат кўрсатиш ва маҳсулотлар тайёрлаш учун жалб қилинадиган тадбиркорлик субъектларига муассаса мулкини ижарага бериш

18. Муассасага тегишли бўш турган бино ва иншоотлар ҳамда бошқа давлат мулки объектлари (кейинги ўринларда – давлат мулки объектлари) хизмат олувчиларга ижтимоий-меҳнат реабилитацияси, касбга ўргатиш ҳамда мижозларга пулли хизматлар кўрсатишни ташкил этиш ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа мақсадлар учун белгиланган тартибда ижарага берилиши мумкин.

19. Муассаса ўзига тегишли бўлган давлат кўчмас мулк объектларини (ер участкалари бундан мустасно) ижара тўловининг энг кам миқдорига 0,25 коэффициент қўлланган ҳолда, мазкур Низомнинг 18-бандида белгиланган мақсадларда нодавлат юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлик субъектларига тўғридан-тўғри ижарага бериши мумкин.

20. Муассасага доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан берилган ҳамда бўш турган ер участкалари мазкур Низом мақсадларида тасарруф этиш ҳуқуқисиз нодавлат юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга ижарага берилади. Бунда ижара суммасининг миқдори ер участкаси жойлашган ҳудуд учун белгиланган солиқ ставкасига тенг миқдорда белгиланади.

21. Ижарага олувчи ижарага олинган давлат мулки объектларидан фойдаланишда уларда ташкил этилган фаолият муассаса хизмат олувчиларининг соғлиғига, муассаса ҳудудида ҳаракатланишига ва дам олишига салбий таъсир кўрсатмаслигини таъминлаши лозим.

22. Давлат мулки объектларини ижарага беришда улар билан биргаликда муассасага тегишли унинг асосий фаолиятида фойдаланилмай турган асбоб-ускуна, жиҳозлар ва бошқа асосий воситалар ҳам ижарага берилиши мумкин.

QMMB: 09/26/493/0955-son
18.09.2026-y.

23. Пулли хизматларни ташкил этиш ҳамда ижтимоий-меҳнат реабилитациясини ва касбга ўргатишни йўлга қўйиш мақсадида асосий восита, жиҳозлар ва хомашё хариди учун муассасаларга Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси ҳисобидан маблағлар ажратилиши мумкин.

5-боб. Муассасаларда пулли хизмат кўрсатиш, маҳсулотлар тайёрлаш ва бошқа манбалардан тушган маблағлардан фойдаланиш тартиби

24. Муассасаларда пулли хизмат кўрсатиш ва тайёрланган маҳсулотларни реализация қилишдан тушган маблағлар муассасаларнинг ривожлантириш жамғармаларига йўналтирилади.

25. Муассасаларнинг ривожлантириш жамғармалари ҳисобидан уларнинг ходимлари қуйидагича моддий рағбатлантирилиши мумкин:

муассаса раҳбари, бош ҳисобчи (ҳисобчи)си ва хизмат кўрсатишда (маҳсулот тайёрлашда) иштирок этган ходим (кейинги ўринларда – масъул ходим)ни ушбу Низомнинг 26-банди иккинчи хатбошисида белгиланган миқдорда мукофотлаш;

муассаса раҳбари ва ходимларининг ижро интизоми қоидаларига амал қилиши, функционал вазифаларини бажариши, билим даражаси, касбий қобилиятларига қараб, уларга лавозим маошига (барча устама ва қўшимча тўловларни инобатга олган ҳолда) нисбатан 300 фоизгача устама тўлаш;

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида белгиланган ишланмайдиган байрам кунларида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 10 бараваригача мукофотлаш;

меҳнат фаолиятида юқори натижаларга эришган, хизмат вазифаларини сидқидилдан ва самарали бажараётган раҳбар ва ходимларни ҳар чоракда бир марта лавозим маошининг (барча устама ва қўшимча тўловларни инобатга олган ҳолда) 5 бараваригача миқдорда мукофотлаш;

муассасаларнинг жамоа шартномаларида назарда тутилган бошқа турдаги моддий ёрдам ва тўловлар.

Муассаса раҳбари муассасанинг ривожлантириш жамғармасида ходимларни рағбатлантириш учун ажратилган маблағлар миқдоридан келиб чиқиб, мазкур бандда кўрсатилган рағбатлантириш турини белгилайди.

26. Муассасада пулли хизмат ва маҳсулот тайёрлашни ривожлантиришга масъул ходимлар муассасанинг ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан қуйидаги тартибда моддий рағбатлантирилади:

кўрсатилган пулли хизмат ва маҳсулотларни реализация қилишдан тушган маблағларнинг 10 фоизгача бўлган қисми миқдорида муассаса раҳбари, бош ҳисобчи (ҳисобчи)си ва маҳсулот тайёрлашда (хизмат кўрсатишда) иштирок этган ходимларга мукофот пули тўланади. Бунда хизмат кўрсатишда (маҳсулот тайёрлашда) иштирок этадиган ходимлар муассаса раҳбари томонидан белгиланади;

QMMB: 09/26/493/0955-son
18.09.2026-y.

давлат мулки объектларини ижарага беришдан ривожлантириш жамғармасига тушган тушумнинг 5 фоизгача бўлган қисми миқдорида муассаса раҳбари, бош ҳисобчи (ҳисобчи)сига тенг миқдорларда муассаса раҳбарининг буйруғига асосан иш ҳақига ойлик устама тўланади.

Мазкур банднинг иккинчи хатбошисида назарда тутилган рағбатлантириш учун йўналтириладиган маблағлар миқдори ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш ҳудудий марказлари ва санаторийларда – 5 фоизгача, Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказида – 2 фоизгача этиб белгиланади.

Бунда мазкур бандга асосан ходимга тўланадиган бир ойлик мукофот пули миқдори унинг лавозим маошининг 5 бараваридан ошмаслиги лозим.

6-боб. Якунловчи қоидалар

27. Муомалага лаёқатсиз деб топилган хизмат олувчининг банк ҳисобварағига мазкур Низом доирасида ўтказилган маблағлар унинг манфаатлари учун васийлик ва ҳомийлик органининг рухсати билан васий томонидан сарфланиши мумкин.

28. Муассасалар раҳбарлари муассасада пулли хизматлар, маҳсулотлар тайёрлаш ишларини ташкил этиш, тушган маблағлардан мақсадли фойдаланиш юзасидан жавобгар ҳисобланади.

29. Пулли хизматлар кўрсатиш, хизмат олувчилар томонидан тайёрланган маҳсулотларни реализация қилиш, давлат мулки объектларини ижарага бериш бўйича муассаса ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

QMMB: 09/26/493/0955-son
18.09.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил 17 сентябрдаги 493-сон қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 28 декабрдаги 687-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси тўғрисидаги низомнинг 18-бандида:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Агентлик тизим ташкилотларида пулли хизматларни ҳамда ижтимоий-меҳнат реабилитацияси ва касбга ўргатишни ташкил этиш мақсадида амалга ошириладиган асосий восита, жиҳозлар ва хомашё харид харажатларини молиялаштириш”;

тўртинчи–эллик тўққизинчи хатбошилар тегишлича бешинчи–олтмишинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги 313-сон қарори билан тасдиқланган “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан ижтимоий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 13-банди қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Агентлик томонидан мазкур банднинг биринчи хатбошисига мувофиқ маблағлар йўналтирилиши натижасида “Саховат ва кўмак” жамғармаларининг туман (шаҳар) ғазначилик бўлинмаларида очилган шахсий ғазна ҳисобварақларидаги қолдиқ маблағлар маҳалла фуқаролар йиғини кесимида улардаги аҳоли, ногиронлиги бўлган шахслар ва маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Ижтимоий реестрга киритилган оилалар сонига мутаносиб равишда қайта тақсимланиши мумкин”.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 21 майдаги 325-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет ташкилотларининг харажатларини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 12-бандида:

иккинчи ва учинчи хатбошилардаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигида,” сўзлари чиқариб ташлансин;

тўққизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ушбу банд мактабгача ва мактаб таълими ҳамда маданият муассаса ва ташкилотларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимидаги ташкилотлар, ҳудудий бошқармалари ва “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларига нисбатан татбиқ этилмайди”.

QMMB: 09/26/493/0955-son
18.09.2026-y.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ваучер асосида янги ижтимоий хизматлардан фойдаланиш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 18 июндаги 376-сон қарорининг 3-банди “б” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“б) Агентлик ва унинг тизим ташкилотларига тегишли, шунингдек, маҳалла ҳудудида жойлашган бўш турган давлат кўчмас мулк объектлари ижара тўловининг энг кам миқдорига 0,25 коэффициент қўлланган ҳолда, балансда сақловчи томонидан Дастур доирасида, шунингдек, ижтимоий-меҳнат реабилитацияси, касбга ўргатиш ҳамда бошқа ижтимоий хизматларни кўрсатувчи нодавлат юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлик субъектларига тўғридан-тўғри ижарага беришга рухсат берилади”.



QMMB: 09/26/498/0956-son
18.09.2026-y.

37 (1265)-son
935-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 17 » sentabr № 498 Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маъмурий ислоҳотлар доирасида олий таълим, фан ва инновациялар соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 3 июлдаги ПҚ–200-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги тўғрисидаги низом **иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

Агентлик фаолиятини ташкил этиш;

Агентликнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

Агентлик ва унинг марказий аппаратининг вазифалари ва функциялари;

Агентлик фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари.

2. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **икки ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири **А. Арипов**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

QMMB: 09/26/498/0956-son
18.09.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 17 ” сентябрдаги 498-сон қарорига
илова

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик)нинг мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ваколатлари ҳамда ташкилий асосларини, шунингдек, раҳбарларининг функционал мажбурияти ва масъулиятини белгилайди.

2. Агентлик билим ва малакаларни баҳолаш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширувчи республика ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади.

3. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига (кейинги ўринларда – Вазирлик) бевосита бўйсунади ва фаолияти юзасидан ҳисобот беради.

4. Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

5. Агентликнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурий ҳисобланади.

6. Агентлик давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ҳамда ўз номи ёзилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида шахсий ғазна ҳисобварақларига, шу жумладан, хорижий валютадаги шахсий ғазна ҳисобварақларига эга бўлади.

Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги бўлимлари (кейинги ўринларда – ҳудудий бўлинмалар) юридик шахс ҳисобланмайди.

7. Агентликнинг расмий номланиши:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи – Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги;

қисқартирилган номи – Билимни баҳолаш агентлиги;

б) рус тилида:

тўлиқ номи – Агентство по оценке знаний и квалификаций при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан;

қисқартирилган номи – Агентство по оценке знаний;

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи – Agency for Assessment of Knowledge and Competences under the Ministry of Higher Education, Science and Innovation of the Republic of Uzbekistan;

қисқартирилган номи – Knowledge Assessment Agency.

8. Агентликнинг жойлашган ери (почта манзили): Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 12-уй, 100084.

Ҳудудий бўлинмалар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар маъмурий марказларида имтиҳонларни йил давомида ўтказишга мўлжаллаб қурилган Агентликнинг катта сиғимли биноларида жойлаштирилади.

9. Агентликнинг ташкилий тузилмасига қуйидагилар киради:
марказий аппарат;

Агентлик ҳузуридаги “Илмий-ўқув амалий марказ” давлат муассасаси;

Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги фаолиятини ривожлантириш жамғармаси;

Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари.

2-боб. Агентлик, унинг тизим ташкилоти ва ҳудудий бўлинмаларининг асосий вазифалари ва функциялари

1-§. Агентликнинг асосий вазифалари ва функциялари

10. Қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

таълим ташкилотларига қабул имтиҳонларини ташкил этиш, ўтказиш, натижаларини ҳисоблаш, танлов ўтказиш ва эълон қилиш;

миллий тест тизими асосида малака имтиҳонларини ташкил этиш, ўтказиш ва давлат намунасидаги миллий сертификат бериш;

таълим олувчилар ва талабгорларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолашга қаратилган тест топшириқлари, саволлар банки, баҳолаш мезонлари, тафсилотлар, кодификаторлар ҳамда баҳолашнинг бошқа илмий-услубий ва ташкилий воситалари (педагогик ўлчов воситалари)ни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

раҳбар кадрлар ҳамда масъул лавозимларга тайинланадиган шахсларнинг давлат тилини билиш даражасини аниқлаш ва уларга давлат тилини билиш бўйича даража сертификатини бериш;

хорижий давлатларда ўрта махсус, касбий, олий таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ҳамда таълим ташкилотлари томонидан берилган расмий ҳужжатларга апостиль қўйиш;

буюртма асосида билим ва малакаларни баҳолаш бўйича имтиҳонларни ташкил этиш ва ўтказиш;

ўз ваколатлари доирасида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан қонунчилик ҳужжатлари доирасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантириш.

11. Агентлик ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) таълим ташкилотларига қабул имтиҳонларини ташкил этиш, ўтказиш, натижаларини ҳисоблаш, танлов ўтказиш ва эълон қилиш соҳасида:

таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш бўйича тест синови орқали танлаб олиш тартибларини ишлаб чиқади;

бино ва иншоотларни тест синовларини ўтказиш учун жиҳозлаш борасида қўйиладиган талабларни ишлаб чиқади;

тест синовларида иштирок этувчилар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантиради ва юритади;

манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда таълим ташкилотлари билан ҳамкорликда тест топширувчилар ҳақида маълумотлар банкини шакллантиради, уларнинг йўналишлар ва гуруҳлар бўйича тақсимотини амалга оширади;

амалдаги ва ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида тест синовларини ташкил этишни такомиллаштириб боради;

тест топширувчилар учун тест синови тартиби бўйича кўрсатмалар ишлаб чиқади;

тест синовларининг шаффофлигини таъминлаш учун тест синовлари иштирокчиларини белгиланган вазифаларига кўра гуруҳларга тақсимлайди;

тест синовларининг белгиланган тартиб ва қоидалар асосида ўтказилишини назорат қилади;

тест синовлари назоратини амалга оширувчи масъул шахсларнинг билим ва малакасини шакллантирувчи дастурларни ишлаб чиқади, ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида такомиллаштириб боради;

тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ўқув-методик қўлланмаларни ишлаб чиқади;

тест синовлари назоратини амалга оширувчи масъул шахсларнинг билим ва малакасини оширишга йўналтирилган амалий семинарларни ташкил қилади ҳамда методик қўлланмаларни яратади;

тест топшириқлари асосида саволлар китобини шакллантиради ҳамда уларнинг махфийлигини таъминлаган ҳолда нашр қилади;

тест синовларида ишлатиладиган жавоблар варақаларига ишлов беради, текширади;

тест синовлари натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

тест синови натижаларини ҳисоблайди, ҳар хил шаклларда таҳлил қилади ва натижаларни эълон қилади;

б) миллий тест тизими асосида малака имтиҳонларини ташкил этиш, ўтказиш ва давлат намунасидаги миллий сертификат бериш соҳасида:

малака имтиҳонларини ўтказиш жадвалини ишлаб чиқиш, ташкил этиш ва ўтказишни таъминлайди;

малака имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган шахсларга давлат намунасидаги электрон миллий сертификатларни беради;

миллий сертификатлар ягона электрон реестрини шакллантиради ва юритади;

малака имтиҳонларини ташкил этиш ва баҳолашнинг илғор халқаро тажрибаларини жорий этади;

в) педагогик ўлчов воситаларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш соҳасида:

малака имтиҳонлари учун тест топшириқлари формати (фан мазмуни таркиби, саволлар сони, топшириқлар тури, вақт меъёри), баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

педагогик ўлчов воситаларини ишлаб чиқувчи фан экспертларига, ўлчов воситаларини ишлаб чиқишга ва экспертизадан ўтказишга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқади;

педагогик ўлчов воситаларининг илмий асосланганини, психометрик кўрсаткичларини таҳлил қилади ва уларни халқаро талабларга мослаштириб боради;

баҳолаш воситалари ишончлилиги ва самарадорлигини ошириш мақсадида илмий-тадқиқот ишларини амалга оширади;

г) раҳбар кадрлар ҳамда масъул лавозимларга тайинланадиган шахсларнинг давлат тилини билиш даражасини аниқлаш ва уларга давлат тилини билиш бўйича даража сертификатини бериш соҳасида:

халқаро эътироф этилган баҳолаш стандартлари асосида раҳбар кадрлар ҳамда масъул лавозимларга тайинланадиган шахсларнинг давлат тилини билиш бўйича тест топшириқлари тузилмасини ишлаб чиқади ва синовдан ўтказади;

раҳбар кадрлар ҳамда масъул лавозимларга тайинланадиган шахсларнинг давлат тилини билиш ва эгаллаш даражасини аниқлаш бўйича халқаро эътироф этилган баҳолаш стандартлари талабларига мувофиқ тест синовларини ўтказади;

ривожланган чет эл мамлакатларининг илғор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, раҳбар кадрлар ҳамда масъул лавозимларга тайинланадиган шахсларнинг давлат тилини билиш даражасини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади ва синовдан ўтказади;

давлат тилини билиш даражасини аниқлаш бўйича тест синовларидан муваффақиятли ўтган талабгорларга электрон шаклда давлат тилини билиш бўйича даража сертификатини беради;

д) хорижий давлатларда ўрта махсус, касбий, олий таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ҳамда таълим ташкилотлари томонидан берилган расмий ҳужжатларга апостиль қўйиш соҳасида:

хорижий давлатларда олинган ўрта махсус, касбий ва олий таълим, шунингдек, кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тўғрисидаги ҳужжатларнинг ҳаққонийлигини текшириш ва тан олиш ишларини ташкил этади;

эксперт комиссиялари хулосаси асосида хорижий давлатларда олий таълим ва кадрларни қайта тайёрлаш таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш учун тест синовларини ташкил этади;

хорижий таълим ҳужжатларини тан олиш бўйича экспертиза ишларини амалга оширади ҳамда тегишли хулосалар тайёрлайди;

таълим ташкилотлари томонидан берилган расмий ҳужжатларга апостиль қўйиш жараёнларини амалга оширади;

е) буюртма асосида билим ва малакаларни баҳолаш бўйича имтиҳонларни ташкил этиш ва ўтказиш соҳасида:

давлат ва нодавлат ташкилотлар буюртмаси асосида билим ва малакаларни баҳолаш бўйича имтиҳонларни ташкил этиш ва ўтказишни таъминлайди;

буюртмачи ташкилотлар билан ҳамкорликда имтиҳон жараёнларини ташкил этади, баҳолаш натижаларини таҳлил қилади ва таклифлар тайёрлайди;

имтиҳон жараёнларининг техник ва ташкилий жиҳатдан самарали ўтказилишини таъминлайди;

ж) ўз ваколатлари доирасида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантириш соҳасида:

ўз ваколатлари доирасида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан билим ва малакаларни баҳолаш соҳасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатади ва ривожлантиради;

халқаро тажриба, баҳолаш стандартлари ва илғор ахборот технологияларини миллий тизимга жорий этади;

халқаро лойиҳаларда иштирок этади, ўзаро ҳамкорлик бўйича келишувлар ва меморандумлар доирасида тегишли ишларни амалга оширади.

2-§. Агентлик марказий аппаратининг вазифалари ва функциялари

12. Қуйидагилар Агентлик марказий аппаратининг асосий вазифалари ҳисобланади:

1) билим ва малакаларни баҳолаш ҳамда тест синовлари орқали танлаб олиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишга кўмаклашиш;

2) Агентлик ва унинг таркибий бўлинмалари фаолияти бўйича прогноз кўрсаткичлари, мақсадли индикаторлар ҳамда ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг самарали ижросини таъминлаш;

3) билим ва малакаларни баҳолаш соҳасига доир масалаларда вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик қилиш, Вазирлик йиғилишларида масалаларни кўриб чиқишда иштирок этиш;

4) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси топшириқларининг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

5) Агентлик ходимларини тизимли қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

6) марказий аппарат фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам таҳлил қилиш ҳамда таҳлил натижаларига кўра зарур чора-тадбирларни амалга ошириш;

7) Агентлик ва унинг таркибий бўлинмалари фаолиятига замонавий бошқарув ва иш услубларини жорий этиш;

8) билим ва малакаларни баҳолаш соҳасида давлат хизматларини кўрсатиш сифати, шаффофлиги ва самарадорлигини таъминлаш;

9) жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш ишларини самарали ташкил этиш, аҳоли билан очиқ ва тўғридан-тўғри мулоқотни таъминлаш;

10) билим ва малакаларни баҳолаш соҳасини ривожлантиришга қаратилган дастурлар, услубий ҳужжатлар ва тартибга солувчи ҳужжатларни белгиланган тартибда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

11) билим ва малакаларни баҳолаш соҳасида халқаро ва давлатлараро ҳамкорликни ривожлантириш, илғор хорижий тажрибани ўрганиш ҳамда халқаро грантлар ва лойиҳаларни жалб этиш чораларини кўриш;

12) Агентлик директори буйруқлари ҳамда топшириқларининг ижросини таъминлаш;

13) марказий аппарат ва таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг касбий маҳорати, билим даражаси ва одоб-ахлоқ қоидалари талабларга мувофиқлигини таъминлаш, кадрлар захирасини шакллантириш;

14) баҳолаш соҳасидаги илғор халқаро тажриба, замонавий баҳолаш технологиялари ва тестология ютуқларини ўрганиш ҳамда амалиётга жорий этиш;

15) билим ва малакаларни баҳолаш соҳасида республика ва халқаро миқёсда семинарлар, анжуманлар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш ҳамда уларда иштирок этиш.

13. Агентликнинг марказий аппарати ўзига юкланган асосий вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Агентлик фаолиятини ташкилий-назорат ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлайди;

Агентлик зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш доирасида таркибий бўлинмалар фаолияти мониторингини юритади;

топшириқлар ва қонунчилик ҳужжатлари ижросини таъминлаш, юклатилган вазифа ва функцияларни бажариш ҳамда ўз ташаббуси билан Агентлик ваколатларига тааллуқли бўлган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш учун ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда билим ва малакаларни баҳолаш соҳасидаги муаммоларни ҳал этиш, соҳани янада ривожлантиришга қаратилган таклиф, тавсия ва таҳлилий маълумотлар тайёрланишини таъминлайди;

миллий баҳолаш тизимини ривожлантириш стратегиясининг яқин, ўрта ва узоқ истиқболдаги устувор йўналишларидан келиб чиқиб, таклифларни ишлаб чиқади;

билим ва малакаларни баҳолаш соҳасида мавжуд тизимли муаммо ва камчиликларнинг мунтазам равишда кўриб чиқилишини ташкил қилади;

таркибий бўлинмалар ва тизим ташкилотининг фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштиришни ҳамда назоратини, шу жумладан, уларнинг қонунчилик ҳужжатлари, идоравий ва идоралараро ҳужжатларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

Агентлик ваколатига тааллуқли тезкор, ташкилий, кадрлар, молиявий, ишлаб чиқариш, хўжалик ва бошқа масалаларни ҳал қилади.

Агентликнинг марказий аппарати қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3-§. Агентлик тизим ташкилоти ва ҳудудий бўлинмаларининг вазифалари ва функциялари

14. Қуйидагилар Агентлик тизим ташкилоти ва ҳудудий бўлинмаларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

Агентлик тизим ташкилоти ва ҳудудий бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек, Вазирлик ҳайъати қарорлари, Вазирликнинг буйруқлари бажарилишининг мунтазам назоратини таъминлаш;

Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилишини таъминлашда иштирок этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан ҳамкорлик қилиш.

Агентлик тизим ташкилоти ва ҳудудий бўлинмалари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

15. Агентлик тизим ташкилоти ўзига юкланган асосий вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

тизим ташкилоти фаолиятини ташкилий ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлайди;

Агентлик томонидан баҳолаш соҳасида ишлаб чиқилган чора-тадбирларни амалга оширади;

тизим ташкилоти томонидан киритиладиган ҳужжатларнинг сифатли ва ўз вақтида қайта ишланишини, уларнинг иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилишини ташкил этади;

тизим ташкилоти таркибидаги бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда назорат қилади;

бинолар ва иншоотларни жорий таъмирлаш ишларини мониторинг қилиб боради ва мувофиқлаштиради;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни ташкил этади ва амалга оширади;

ваколати доирасида тегишли ташкилий, кадрлар, молия, ишлаб чиқариш, хўжалик ва бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилади.

Агентлик тизим ташкилоти қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3-боб. Агентликнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

16. Агентлик ўзига юкланган вазифаларни амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Агентлик ваколатига кирувчи масалалар юзасидан методик материаллар ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

Агентлик ваколатига кирувчи масалаларни ҳал қилиш мақсадида республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари, республиканинг чет элдаги дипломатик ва савдо ваколатхоналари, Марказий банк ва тижорат банкларидан тегишли маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва мутахассисларини жалб қилган ҳолда, Агентлик ваколатига кирувчи масалалар юзасидан йиғилишлар ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг топшириқларига мувофиқ халқаро ташкилотларда давлат манфаатларини ифода этиш ҳамда белгиланган тартибда ва халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида бошқа мамлакатларнинг билим ва малакаларни баҳолаш соҳаси бўйича масъул идоралари билан ҳамкорлик шартномаларини тузиш;

Агентлик, унинг таркибий бўлинма ва тизим ташкилоти ходимлари томонидан уларнинг тегишли соҳадаги фаолиятининг асосий кўрсаткичлари бўйича параметрлар бажарилиши ва белгиланган индикаторларга эришишни ҳисобга олган ҳолда, уларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, моддий рағбатлантириш тартиби, миқдорлари ва шартларини белгилаш;

Агентлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича идоралараро тусдаги халқаро шартномаларни белгиланган тартибда тузиш;

билим ва малакаларни баҳолаш жараёнларини ташкил этиш ва ўтказишда мутахассисларни, шу жумладан, хорижий мутахассисларни эксперт сифатида, шунингдек, бошқа шахсларни гуруҳ назоратчилари сифатида шартнома асосида Агентликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан жалб қилиш;

таркибий бўлинмалар ва тизим ташкилотининг моддий-техник базаси, ходимларини моддий рағбатлантириш ҳамда ижтимоий инфратузилмасини яхшилаш чораларини кўриш;

Агентликка юкланган вазифаларни бажариш доирасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, етакчи лойиҳа институтлари, илмий-таълим муассасаларининг юқори малакали мутахассислари, шунингдек, халқаро ташкилотлар, чет эл компаниялари ва мутахассисларини маслаҳатчи (консультант) сифатида жалб қилиш.

Агентлик қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

17. Агентлик:

зиммасига юкланган вазифа ва функцияларнинг лозим даражада ҳамда самарали бажарилиши;

тегишли соҳада фаолиятнинг асосий кўрсаткичлари бўйича параметрлар ва белгиланган индикаторларга эришишнинг сўзсиз таъминланиши;

тегишли соҳани ривожлантириш ҳамда ҳудудларнинг муаммоли масалаларини ҳал этиш бўйича дастурлар, чора-тадбирлар режалари, “йўл хариталари” ва бошқа ҳужжатларнинг самарали амалга оширилиши;

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этилиши ҳамда ҳимоя қилиниши учун жавобгардир.

4-боб. Агентлик директорининг асосий функционал вазифалари

18. Қуйидагилар Агентлик директорининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиш;

Агентлик фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари асосида Агентликка юкланган вазифа ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси ҳамда олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг топшириқларини бажариш;

ўз ўринбосари ва Агентликнинг бошқа мансабдор шахслари ваколатларини белгилаш ва вазифаларни тақсимлаш;

Агентлик фаолияти режалаштирилишини ташкил этиш, Агентликнинг даврий иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси топшириқларига ҳамда ўз ташаббусига кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш;

билим ва малакаларни баҳолаш соҳасида халқаро ва давлатлараро ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, хорижий инвестициялар ва грантларни жалб этиш бўйича халқаро ҳамда хорижий тадбирларда Агентлик вакилларининг иштирокини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг буйруқлари, фармойишлари ва топшириқлари бажарилишини таъминлаш, таркибий бўлинмаларда ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, таркибий бўлинмаларнинг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

Агентлик ходимларининг хизмат сафарларини қонунчилик талабларига мувофиқ ташкил этиш, хизмат сафарларининг асослангани, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

Агентлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича кўрсатмалар чиқариш, буйруқлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, зарур бўлганда, бошқа вазирлик ва идоралар билан биргаликда тегишли қарорлар қабул қилиш;

Агентлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этишини назорат қилиш;

Агентликнинг марказий аппарати фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини танқидий таҳлил қилиш, таҳлил натижаларига кўра зарур чора-тадбирларни амалга ошириш;

Агентлик ҳамда унинг таркибий бўлинмалари фаолиятига замонавий иш услубларини жорий этиш;

таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг касб маҳорати, чуқур билимга эгалиги, тажрибаси, ишчанлик ва одоб-ахлоқ ҳамда маънавиятининг юқори даражаси кафолатланганини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш чораларини кўриш, таркибий бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал ва Халқ қабулхоналаридан келиб тушадиган мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича ишларни Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ самарали ташкил этиш, жамоатчилик билан бевосита ва очиқ мулоқот ўрнатиш, шахсий қабуллар ўтказиш, шу жумладан, жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини жойларга бориб қабул қилишни ташкил этиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларда, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакат вакиллари иштирокида ўтказиладиган расмий тадбирларда Агентлик номидан иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни ва коррупцияга қарши курашишга доир бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиш, фаолиятда коррупциявий хавф-хатарларни ва манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларга чек қўйиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш ҳамда тизимда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши муросасиз курашишга доир ишларга раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни ва манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга доир ишларга раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириш;

Агентлик марказий аппарати ва тизим ташкилоти ходимларини уларнинг кўп йиллик ва самарали фаолияти, алоҳида хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари билан тақдирлашга таклифлар киритишни таъминлаш ва тавсиялар бериш;

Агентлик мулкини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тасарруф этиш;

Агентлик ваколатига кирадиган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини белгиланган тартибда имзолаш;

Агентликнинг ички ташкилий масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш;

ходимларни лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш, меҳнат шартномалари (буйруқлари)ни имзолаш;

Агентлик ходимларининг малакасини ошириш ва уларни хорижий давлатларга стажировка ва тажриба алмашиш учун юборишни ташкил этиш;

Агентлик ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, ўз ўринбосарини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини, шу жумладан, келгусида унинг эгаллаб турган лавозимида қолишининг мақсадга мувофиқлиги масалаларини кўриб чиқиш тўғрисида таклифлар киритиш, уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

Агентликнинг ташқи ва ички ташкилий фаолияти устидан доимий ва қатъий назорат ўрнатиш;

Агентликка киритиладиган таклифлар ва тақдим этиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқилишини, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентида белгиланган муддатларда келишилиши (виза қўйилиши)ни таъминлаш;

Агентликнинг яқин, ўрта ва узоқ истиқболдаги устувор йўналишларидан келиб чиқиб ишлаб чиқилган таклифларни Вазирликка, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш;

давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар билан ишлашда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя қилиш;

ходимларнинг белгиланган чекланган сони доирасида Агентлик штатлар жадвалини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган Агентликнинг харажатлари сметасини тасдиқлаш;

ушбу Низомда ва қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

5-боб. Агентлик директорининг жавобгарлиги

19. Агентлик директори:

ушбу Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган вазифаларни сифатли ва ўз муддатида бажариш, шунингдек, Агентлик фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш чораларини кўришга;

амалга оширилаётган дастурлар, стратегиялар ва концепцияларнинг натижаларига, уларнинг мамлакат ва ҳудудларнинг ривожланишига эришишга;

Агентликда, унинг таркибий бўлинмаларида ижро интизомига қатъий риоя қилишини назорат қилишга масъулдир.

20. Агентлик марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмаларининг раҳбарлари ва тизим ташкилоти раҳбари уларга юкланган вазифа ва функцияларнинг, шунингдек, ўз функционал вазифаларининг сўзсиз бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

6-боб. Агентлик фаолиятини ташкил этиш

21. Агентликка Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади.

Агентлик директорининг ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

22. Агентлик директори:

Агентлик фаолиятига умумий раҳбарлик қилади ва Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Агентлик ходимларининг лавозим мажбуриятларини белгиланган тартибда тасдиқлайди;

ўз ваколати доирасида Агентлик ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар ва топшириқлар чиқаради, кўрсатмалар беради;

заруратга кўра, Агентлик тузилмасига ходимларнинг тасдиқланган чекланган умумий сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритади.

Агентлик директори қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Агентлик директори вақтинча бўлмаган даврда унинг ваколатларини тегишли буйруқ асосида директор ўринбосари бажаради.

23. Агентлик ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

24. Агентлик тузилмаси ва штатлар жадвали ҳамда тизим ташкилоти устави Агентлик директори томонидан тасдиқланади.

7-боб. Агентлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторлари

25. Агентлик фаолиятининг самарадорлиги мунтазам баҳоланади.

26. Агентлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигига берилган баҳо Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Агентлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари (индикаторлар)га асосланади.

QMMB: 09/26/498/0956-son
18.09.2026-y.

27. Агентлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш якунлари бўйича:

Агентлик ходимларини қўшимча рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий жавобгарликка тортиш;

Агентлик фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари кўрилади.

28. Агентлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тартиби ва услуби қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

8-боб. Агентлик фаолиятини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда уларни моддий рағбатлантириш

29. Агентликнинг моддий-техник таъминоти, ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш, тизим ташкилоти ва ҳудудий бўлинмаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, фаолиятини амалга ошириш ҳамда таъминоти билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш манбалари қуйидагилар ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги фаолиятини ривожлантириш жамғармаси маблағлари (кейинги ўринларда – Жамғарма);

Агентликнинг бюджетдан ташқари маблағлари;

халқаро молия институтлари кредитлари (қарз маблағлари) ва грантлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

Агентлик томонидан шартнома асосида хизмат кўрсатишдан олинадиган даромадлар;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

30. Агентлик марказий аппаратига тест материалларини ташиш учун 1 та махсус автотранспорт лимити белгиланади.

31. Агентлик бошқарув ходимларининг лавозим маошларини аниқлашда ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига кўра тариф коэффициентлари бир ярим баравар миқдорида қўлланилади ҳамда бу билан боғлиқ қўшимча харажатлар Жамғарма маблағлари ҳисобидан қопланади.

32. Агентлик ходимларининг лавозим маошига ойлик устамалар, мукофотлар, рағбатлантиришлар ва моддий ёрдам бериш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ тўловлар қуйидаги мақсадлар ва шаклларда амалга оширилади:

а) Агентлик ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашни молиялаштиришда республика бюджетидан қуйидагилар назарда тутилади:

2026 йил 1 октябрдан бошлаб Агентлик ходимларига Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан кўп йиллик хизмати учун рағбатлантириш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда, лавозим маошига белгиланган коэффициентларда қуйидаги ҳажмда ҳар ойда устамалар тўланади:

1 йилдан 3 йилгача – 0,3;

3 йилдан 5 йилгача – 0,6;

5 йилдан 10 йилгача – 0,8;

10 йилдан 15 йилгача – 1,0;

15 йилдан 20 йилгача – 1,2;

20 йилдан юқори – 1,5;

б) Агентликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қуйидагилар назарда тутилади:

ходимлар фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш якунларига кўра, ходимга лавозим маошининг (рағбатлантирувчи коэффициентни ҳисобга олган ҳолда) 200 фоизигача миқдорда устама. Бунда самарадорлик ва натижадорлик кўрсаткичи 90 баллдан юқори бўлган ходимларга Жамғармани бошқариш кенгаши қарорига мувофиқ ҳар ойлик қўшимча устама миқдори белгиланади;

ходимнинг илмий даражага эга бўлгани учун ойлик устамалар фан номзоди ёки тегишли фан йўналишлари бўйича фалсафа доктори (PhD) – лавозим маошига нисбатан 5 фоиз, фан доктори (DSc) – лавозим маошига нисбатан 10 фоиз миқдорида устама;

2026 йил 1 октябрга қадар Агентлик ходимларига кўп йиллик хизмати учун лавозим маошига белгиланган коэффициентларда қуйидаги ҳажмда ҳар ойда устамалар тўланади:

2 йилдан 5 йилгача – 0,1;

5 йилдан 10 йилгача – 0,2;

10 йилдан 15 йилгача – 0,3;

15 йилдан юқори – 0,35;

Агентлик ходимларини чораклик якуни бўйича ходимнинг ойлик иш ҳақининг бир бараваридан ошмаган миқдорда мукофотлаш. Бунда чораклик якуни бўйича тўловлар миқдори ходимларнинг иш кўрсаткичларининг самарадорлигига қараб Агентлик директори томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 208-моддаси биринчи қисмида белгиланган байрам кунлари муносабати билан Агентликнинг бошқарув ходимларига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг ўн бараваригача, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларга эса беш бараваригача миқдорда рағбатлантириш тўловлари амалга оширилади;

қуйидагиларга рухсат этилади:

алоҳида ҳолатлар (оила аъзосининг вафоти, ўзининг ёки фарзандининг биринчи никоҳдан ўтиши, ходимнинг фарзандли бўлиши, юбилей саналари (50, 55, 60, 65, 70 ёш) муносабати билан меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг ўн бараваригача бўлган миқдорида моддий ёрдам беришга;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилиш учун бир йилда бир маротаба меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг ўн бараваригача бўлган миқдорида моддий ёрдам беришга;

ходим оғир бетоб бўлганида (бахтсиз ҳодиса сабабли, касаллик) ва ходим вафот этган ҳолларда, ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг беш бараваригача моддий ёрдам беришга;

хизмат автомобилига эга бўлмаган ходимлар учун йўлкира ҳақига ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида компенсация тўлашга;

Агентлик ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларнинг меҳнати самарадорлигини ошириш мақсадида ҳар ойда овқатланиш харажатларини қисман қоплаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида компенсация тўлашга;

Агентлик ходимларининг маҳаллий ва хорижий хизмат сафарлари билан боғлиқ харажатлар (автотранспорт, овқатланиш, ортиқча юк ташиш, меҳмонхона)ни тўлашга.

33. Агентлик ва тизим ташкилоти раҳбар ва ходимларининг лавозим маошларига ҳар ойлик шахсий устамалар ва чораклик рағбатлантиришлар миқдори қуйидагича белгиланади:

Агентлик директорига – Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан;

Агентлик ходимлари ва Агентликнинг тизим ташкилоти раҳбарига – Агентлик директори томонидан;

Агентлик тизим ташкилоти ходимларига – тизим ташкилоти раҳбарининг буйруғига мувофиқ.

34. Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан моддий рағбатлантириш харажатлари:

Агентлик ходимлари учун – Агентлик директорининг буйруғига мувофиқ;

Агентликнинг тизим ташкилоти ходимлари учун – тизим ташкилоти раҳбарининг буйруғига мувофиқ амалга оширилади.

35. Агентлик, унинг тизим ташкилоти ходимларининг иш ҳақларини тўлаш ва моддий рағбатлантириш меҳнатга ҳақ тўлаш фонди, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари (Жамғарма) ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

QMMB: 09/26/498/0956-son
18.09.2026-y.

9-боб. Агентликнинг ҳисобдорлиги

36. Агентлик директори Агентлик фаолиятининг натижалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Вазирлик олдида ҳисобот беради.

37. Агентлик мансабдор шахслари ва ходимларига нисбатан юкланган вазифаларни виждонан ва ўз вақтида бажарганлик учун рағбатлантириш ёхуд йўл қўйилган жиддий камчиликлар учун эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган жавобгарлик чоралари кўрилади.

38. Агентлик қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.



QMMB: 09/26/499/0957-son
18.09.2026-y.

37 (1265)-son
936-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 17 » sentabr № 499 Toshkent sh.

Olий таълим ташкилотлари талабалари ўртасида фан олимпиадаларини ташкил этиш ва иқтидорли талабаларни қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётган иқтидорли талабаларни аниқлаш, уларни рағбатлантириш, истиқболли ёшларни илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятга йўналтириш учун олий таълим ташкилотлари талабалари ўртасида республика фан ҳамда халқаро миқёсда ташкил этиладиган олимпиадаларда талабаларнинг муносиб иштирок этишини қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Олий таълим ташкилотлари талабалари ўртасида фан олимпиадаларини ташкил этиш ва иқтидорли талабаларни қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низом **иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

олий таълим ташкилотлари талабалари ўртасида республика ва қўшимча фан олимпиадаларини ташкил этиш тартиби;

талабаларни халқаро олимпиадаларга саралаш ва уларнинг халқаро олимпиадаларда иштирок этиш тартиби;

олимпиада ғолибларини ва уларнинг устозларини рағбатлантириш тартиби;

олимпиадаларни ўтказиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш манбаларини белгилаш тартиби.

2. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги:

икки ой муддатда олий таълим ташкилотлари томонидан талабаларнинг фундаментал ва муҳандислик фанларидан халқаро олимпиадаларда иштирокини кенгайтириб боришга қаратилган “Йўл харитаси”ни тасдиқласин;

уч ой муддатда олий таълим ташкилотлари талабалари иштирок этишлари учун халқаро эътироф этилган олимпиадалар рўйхатини тасдиқласин ва заруратга кўра, янгилаб борсин;

QMMB: 09/26/499/0957-son
18.09.2026-y.

ҳар йили 1 сентябрга қадар олий таълим ташкилотлари талабалари ўртасида ўтказиладиган республика фан олимпиадалари рўйхати ва олимпиадаларни ўтказиш муддатларини тасдиқласин;

2027 йил 1 январга қадар кимё ва биология фанларидан талабалар ўртасида халқаро фан олимпиадаларини ташкил этиш чораларини кўрсин.

3. Олий таълим ташкилотларида фан олимпиадаларини юқори савияда ташкил этиш ва ғолибларни белгиланган тартибда рағбатлантиришга олий таълим ташкилотлари ректор (директор)лари масъул этиб белгилансин.

4. Белгилансинки, халқаро олимпиадалар ғолиблари ва уларга ҳамроҳлик қилувчи устозларининг иштироки билан боғлиқ харажатлар Олий таълимни ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилади.

5. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **уч ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/499/0957-son
18.09.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 17 ” сентябрдаги 499-сон қарорига
илова

Олий таълим ташкилотлари талабалари ўртасида фан олимпиадаларини ташкил этиш ва иқтидорли талабаларни қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ташкилий-ҳуқуқий шакли ва идоравий бўйсунувидан қатъи назар, барча олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётган талабалар ўртасида республика фан олимпиадаси, халқаро олимпиада ҳамда қўшимча фан олимпиадасини (кейинги ўринларда – олимпиадалар) ташкил этиш, ўтказиш ҳамда ғолибларни рағбатлантириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ахборот тизими – олимпиада иштирокчиларини рўйхатга олиш, жараёнларни мониторинг қилиш ва натижаларни шаффоф эълон қилиб бориш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) томонидан юритиладиган ягона электрон платформа;

олимпиада ғолиблари – олимпиадаларнинг якуний босқичида 1, 2 ва 3-ўринларни (ёки тегишли равишда олтин, кумуш ва бронза медалларини) қўлга киритган талабалар;

республика фан олимпиадаси – Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамасининг тегишли топшириқлари асосида Вазирлик томонидан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган кўп босқичли фан мусобақаси;

халқаро олимпиада – халқаро ташкилотлар ёки нуфузли хорижий таълим ташкилотлари томонидан фундаментал, муҳандислик ва амалий фанлар йўналишида ташкил этиладиган, талабаларнинг таҳлилий фикрлаш ва тадқиқотчилик салоҳиятини баҳоловчи, Вазирлик томонидан экспертлар хулосасига биноан тасдиқланадиган рўйхатга киритилган нуфузли интеллектуал мусобақа;

қўшимча фан олимпиадаси – муайян олий таълим ташкилотида Вазирлик билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, вазирлик ва идоралар, давлат ёки нодавлат таълим ташкилотлари ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ташаббуси билан ташкил этиладиган муайян соҳа ёки фан йўналишлари бўйича ташкил этиладиган мусобақа.

3. Олимпиадалар илмий-услубий ёндашув, адолатлилик, очиқлик ва барча иштирокчилар учун тенг имкониятлар яратиш тамойиллари асосида ташкил этилади.

4. Олимпиадалар учун назорат материалларини (тест, ёзма ва амалий топшириқлар) ишлаб чиқиш, иқтидорли талабалар захирасини шакллантириш ҳамда ташкилий жараёнларни мувофиқлаштириш Вазирлик ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш ва глобал ҳамкорлик маркази (кейинги ўринларда – Марказ) томонидан амалга оширилади.

5. Назорат материаллари талабаларнинг нафақат назарий билимини, балки мураккаб стандарт ва ностандарт вазиятларда муаммони ҳал қилиш ҳамда касбий компетенцияларини баҳолашга қаратилади.

6. Талабалар олимпиадаларда ихтиёрийлик асосида иштирок этади.

2-боб. Олимпиадаларнинг мақсади ва асосий вазифалари

7. Қуйидагилар олимпиадаларнинг мақсади ҳисобланади:

олий таълим ташкилотлари талабалари орасидан энг иқтидорлиларини тизимли равишда аниқлаш ва саралаб олиш;

иқтидорли ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш ҳамда уларни илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятга мақсадли йўналтириш;

интеллектуал меҳнатни қадрлаш, талабалар ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратиш ҳамда уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш;

талабаларнинг нуфузли халқаро олимпиадалардаги иштирокини кенгайтириш ва юқори натижадорликка эришиш;

миллий таълим тизимининг халқаро рейтингини ошириш орқали мамлакатнинг интеллектуал ва инсон капиталини ривожлантириш.

8. Қуйидагилар олимпиадаларнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

олимпиада жараёнларини ташкил этишда рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали баҳолашнинг холислиги, шаффофлиги ва натижаларнинг очиқлигини таъминлаш;

талабаларнинг назарий билимларини амалий ва ностандарт вазифаларни ҳал этишда қўллаш кўникмаларини ҳамда касбий маҳорат даражасини аниқлаш;

нуфузли халқаро мусобақаларда иштирок этувчи республика фан олимпиадалари ғолибларидан иборат миллий терма жамоалар захирасини шакллантириш ва улар учун мақсадли ўқув-интенсив машғулотларини ташкил этиш;

иқтидорли талабаларнинг ягона маълумотлар базасини юритиш орқали уларнинг илмий-касбий ривожланиш жараёнларини доимий кузатиб бориш ва қўллаб-қувватлаш;

олимпиада натижалари асосида олий таълим ташкилотларидаги таълим сифати ва ўқув дастурларининг замонавий талабларга мувофиқлигини қиёсий таҳлил қилиш;

олимпиада ғолибларини юқори технологияли ишлаб чиқариш корхоналари, илмий-тадқиқот марказлари ва инновацион кластерларга жалб этиш механизмларини яратиш;

республика фан олимпиадалари ва халқаро олимпиадалар ғолибларини ҳамда уларни тайёрлаган устозларни моддий ва маънавий рағбатлантиришни таъминлаш.

3-боб. Республика фан олимпиадаларини ташкил этиш тартиби

9. Республика фан олимпиадаларини ташкил этиш ва ўтказиш ушбу Низомга иловадаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

10. Республика фан олимпиадаларининг тегишли босқичларини ташкил этиш ва ўтказиш учун Вазирлик ҳамда олий таълим ташкилотлари томонидан ташкилий қўмиталар тузилади.

Республика фан олимпиадалари икки босқичда ташкил этилади ва ўтказилади:

I босқич (олий таълим ташкилоти босқичи) – олий таълим ташкилотларида бакалавриат босқичи талабалари ўртасида ўтказилади. Унда 1, 2 ва 3-ўринларни эгаллаган ғолиблар кейинги босқичга тавсия этилади. I босқични юқори савияда ўтказишга олий таълим ташкилоти раҳбари шахсан масъул ҳисобланади;

II босқич (республика босқичи) – I босқич ғолиблари ўртасида Вазирлик томонидан белгиланган таянч олий таълим ташкилотларида ўтказилади. Иштирокчиларнинг республика фан олимпиадалари ўтказиладиган манзилга хавфсиз келиб-кетишларини таъминлашга тегишли олий таълим ташкилотлари раҳбарлари масъул ҳисобланади.

11. Қуйидагилар Ташкилий қўмитанинг асосий вазифалари ҳисобланади:

республика фан олимпиадалари ўтказиладиган жойни (таянч олий таълим ташкилотларини) белгилаш ва тасдиқлаш;

ҳакамлар ҳайъати ва апелляция комиссияси таркибини юқори малакали мутахассислар ва олимлар орасидан шакллантириш;

республика фан олимпиадалари назорат турлари, шакллари, муддатлари ва баҳолаш мезонларини тасдиқлаш;

республика фан олимпиадаларининг II босқичи учун назорат материаллари ҳамда уларни баҳолаш мезонлари тайёрланишини Марказ билан биргаликда мувофиқлаштириш;

назорат материалларининг олимпиада бошлангунча ошкор этилмаслигини ҳамда жараённинг шаффоф ва адолатли ўтказилишини таъминлаш;

иштирокчилар ва уларнинг устозлари ҳақидаги маълумотларнинг ахборот тизимига киритилишини мувофиқлаштириш.

12. Ҳакамлар ҳайъати:

назорат материалларини экспертизадан ўтказади ва якуний вариантларни танлайди;

иштирокчиларнинг ишларини тасдиқланган мезонлар асосида холисона баҳолайди ҳамда натижаларни республика фан олимпиадалари ўтказилган куннинг ўзида эълон қилади;

баллар кетма-кетлиги асосида 1, 2 ва 3-ўринларни эгаллаган ғолибларни аниқлайди ва якуний қарорни ташкилий қўмитага тақдим этади;

ғолибларни холисона аниқлайди ва улар ҳақидаги маълумотлар учинчи шахсларга ошкор этилмаслигини таъминлайди.

13. Қуйидагилар олимпиадаларда шаффофликни таъминлаш талаблари ҳисобланади:

республика фан олимпиадалари ўтказиладиган аудиториялар видеокузатув камералари билан жиҳозланади;

жараён давомида алоқа воситалари ва қўшимча манбалардан фойдаланиш, шунингдек, иштирокчилар ўзаро гаплашиши тақиқланади. Ушбу талабларни бузган иштирокчилар далолатнома асосида четлаштирилади;

республика фан олимпиадалари халқаро олимпиадаларнинг талаблари ва топшириқлари методологиясини қўллаган ҳолда ўтказилади.

4-боб. Қўшимча фан олимпиадаларини ташкил этиш тартиби

14. Қўшимча фан олимпиадалари давлат органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа юридик шахслар ташаббуси билан Вазирлик билан келишилган ҳолда ташкил этилади.

15. Қўшимча фан олимпиадасини ўтказиш учун ташаббускор ташкилот Вазирликка камида бир ой олдин қуйидаги маълумотларни илова қилган ҳолда мурожаат юборади:

олимпиаданинг мақсади, ўтказиш жойи, вақти ва қамрови;

иштирокчилар учун қўйиладиган талаблар (курси ва таълим йўналиши);

ғолиб ва уларнинг устозлари учун белгиланган мукофот жамғармаси ҳамда қўшимча имтиёзлар.

Вазирлик томонидан қўшимча фан олимпиадаси ўтказиладиган олий таълим ташкилоти белгиланади ва ташкилий қўмита таркиби тасдиқланади.

16. Вазирлик мурожаатни ўн кун муддатда кўриб чиқади ва қуйидаги ҳолларда рад жавобини бериши мумкин:

ташкилий-техник база ёки мутахассислар салоҳияти етарли бўлмаганда;

QMMB: 09/26/499/0957-son
18.09.2026-y.

иштирокчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаш чоралари етарли бўлмаганда;

ушбу Низомнинг 15-бандида келтирилган маълумотлар тўлиқ ёки қисман тақдим этилмаганда.

17. Қўшимча фан олимпиадаларини молиялаштириш, ташкил этиш ва ғолибларни рағбатлантириш харажатлари тўлиқ ташаббускор ташкилотнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

18. Қўшимча фан олимпиадалари натижаларига кўра бериладиган имтиёзлар (агар назарда тутилган бўлса) тегишли қонунчилик ҳужжатлари асосида белгиланади.

5-боб. Апелляция комиссиясини ташкил этиш

19. Олимпиадалар натижаларидан норози бўлган иштирокчилар олимпиада натижалари эълон қилинган куннинг ўзида апелляция комиссиясига ёзма мурожаат (шикоят) беришлари мумкин.

20. Апелляция комиссияси иштирокчиларнинг ёзма мурожаати (шикояти)ни кўриб кўриб чиқиш учун камида беш нафар тоқ сонли аъзодан иборат таркибда тузилади.

21. Апелляция комиссияси таркиби Ташкилий қўмита ва соҳанинг малакали мутахассисларидан иборат бўлади.

22. Апелляция комиссияси таркибига Ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг киритилишига йўл қўйилмайди.

23. Апелляция комиссияси олимпиадалар ўтказилган куни келиб тушган мурожаатни (шикоятни) кўриб чиқади.

Зарур ҳолларда, мурожаат (шикоят) муаллифининг, тегишли Ҳакамлар ҳайъати аъзолари ҳамда олимпиадаларнинг бошқа субъектларининг фикрини эшитади.

24. Апелляция комиссияси йиғилиши унда комиссия аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этса, ваколатли ҳисобланади.

25. Апелляция комиссияси олимпиадалар жараёнларига оид мурожаатни (шикоятни) кўриб чиқиб, қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

олимпиадалар иштирокчисининг ишланмаси тўғри баҳоланган бўлса, шунингдек, олимпиадалар топшириқларида хато ва камчиликлар ҳамда синовларни ўтказиш жараёнида ташкилий-техник жиҳатдан камчиликлар аниқланмаган тақдирда, олимпиадалар натижаларини ўзгаришсиз қолдириш;

олимпиадалар иштирокчисининг ишланмаси Ҳакамлар ҳайъати томонидан нотўғри баҳолангани аниқланган тақдирда, баҳолаш натижаларини ўзгартириш.

26. Апелляция комиссиясига бошқа иштирокчиларнинг ишларини кўриб чиқиш ва мурожаат этувчининг иши билан солиштиришга рухсат берилмайди.

27. Ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланган иштирокчи ишланмасида баҳолаш мезонларига мос келмаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда, апелляция комиссияси Ҳакамлар ҳайъати қарорини бекор қилиш ёки уларга ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга.

Бунда апелляция комиссияси апелляция натижалари бўйича асослантирилган маълумотларни кўрсатган ҳолда, олимпиадалар натижаларини ўзгартириш тўғрисида баённомани расмийлаштиради.

28. Апелляция комиссиясининг қарори йиғилиш баённомасида қайд этилади. Баённома апелляция комиссиясининг раиси ва аъзолари томонидан имзоланади.

29. Апелляция комиссиясининг қарори ҳақида ушбу қарор қабул қилинган куннинг ўзида мурожаат этувчи хабардор қилинади.

30. Апелляция комиссияси қарорига мувофиқ олимпиадалар натижалари ўзгарган тақдирда, Ҳакамлар ҳайъатининг қўшимча баённомаси расмийлаштирилади ва белгиланган тартибда тасдиқланади.

31. Иштирокчи апелляция комиссияси қарори устидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиши мумкин.

6-боб. Халқаро олимпиадаларда иштирок этиш тартиби

32. Ўзбекистон Республикаси талабалари иштирок этиши лозим бўлган нуфузли халқаро олимпиадалар рўйхати Вазирлик томонидан тасдиқланади ва ушбу рўйхат ҳар ўқув йили бошида янгилаб борилади.

33. Халқаро олимпиадаларда иштирок этиш учун терма жамоаларни саралаш, мақсадли тайёрлаш ва уларнинг иштирокини таъминлаш тартиби Вазирлик томонидан тасдиқланадиган алоҳида регламент асосида амалга оширилади.

7-боб. Олимпиада ғолибларини ва уларнинг устозларини рағбатлантириш ҳамда молиялаштириш тартиби

34. Республика фан олимпиадалари ғолиблари ҳамда уларнинг устозлари қуйидаги миқдорда бир марталик пул мукофотлари билан тақдирланади:

1-ўрин (олтин медаль) – талабага базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари, устозларига – 25 баравари;

2-ўрин (кумуш медаль) – талабага базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 баравари, устозларига – 20 баравари;

3-ўрин (бронза медаль) – талабага базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 баравари, устозларига – 15 баравари.

QMMB: 09/26/499/0957-son
18.09.2026-y.

Халқаро олимпиада ғолиблари ҳамда уларнинг устозлари қуйидаги миқдорда бир марталик пул мукофотлари билан тақдирланади:

1-ўрин (олтин медаль) – талабага базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари, устозларига – 50 баравари;

2-ўрин (кумуш медаль) – талабага базавий ҳисоблаш миқдорининг 75 баравари, устозларига – 40 баравари;

3-ўрин (бронза медаль) – талабага базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари, устозларига – 30 баравари.

35. Республика фан олимпиадалари ғолиблари ва уларнинг устозларига бериладиган пул мукофотлари талаба ўқийдиган ёки унинг устози фаолият юритадиган тегишли олий таълим ташкилотининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан тўланади.

36. Халқаро олимпиадалар ғолиблари ва уларнинг устозларига бериладиган пул мукофотлари, шунингдек, уларнинг иштироки билан боғлиқ барча харажатлар (иштирок учун тўловлар, транспорт, турар жой ва кунлик харажатлар) Вазирликнинг Олий таълимни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

37. Халқаро олимпиада ғолибларини тайёрлаган устозларга – лавозим маошига нисбатан 100 фоиз, республика фан олимпиадаларининг II босқичи ғолибларини тайёрлаган устозларга эса – 50 фоиз миқдорида ҳар ойлик устама ҳақи тўланади.

38. Мазкур устамалар ғолиб талаба диплом (сертификат) олган ойдан бошлаб кейинги 12 ой давомида талаба таҳсил олаётган олий таълим ташкилотининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан тўланиши мажбурий ҳисобланади.

Агар бир нафар устоз бир нечта ғолибни тайёрлаган бўлса, устамалар энг юқори натижа бўйича бир марта белгиланади.

39. Республика ва қўшимча фан олимпиадаларида иштирок этган Ҳакамлар ҳайъати ва апелляция комиссияси аъзоларига уларнинг асосий иш жойидаги бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан бир марталик ҳақ тўлаш:

олий таълим ташкилоти босқичида – меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 2 баравари миқдорида;

республика босқичи ҳамда халқаро олимпиадаларга саралаш босқичларида – меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 5 баравари миқдорида;

Республика ва қўшимча фан олимпиадалари учун тайёрланган ҳар бир муаллифлик топшириғи (ечими билан) учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари миқдорида мазкур мутахассиснинг асосий иш жойидаги бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

QMMB: 09/26/499/0957-son
18.09.2026-y.

40. Халқаро олимпиадалар учун терма жамоаларнинг саралаш босқичларига жалб этилган экспертлар томонидан тайёрланган назорат материаллари учун Олий таълимни ривожлантириш жамғармаси томонидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари миқдорида бир марталик ҳақ тўланади.

Бунда фойдаланилган назорат материалларидаги савол ва масалалар олимпиадалар бўйича илмий нашрларда чоп этиб борилади ҳамда улар учун муаллифлик ҳуқуқи эксперт номида қолади.

41. Терма жамоа аъзоларини ўқитишга жалб этилган маҳаллий мутахассисларга соатбай ҳақ тўлаш ва хорижий мутахассислар билан боғлиқ харажатлар (иш ҳақи, яшаш ва транспорт) Вазирлик томонидан белгиланган тартибда ва тузилган шартномаларга мувофиқ қопланади.

Экспертлар ва комиссия аъзоларининг хизмат сафари (кунлик, яшаш ва транспорт) харажатлари уларнинг асосий иш жойидаги бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланиши таъминланади.

8-боб. Якунловчи қоидалар

42. Олимпиадаларни ташкил этишда хавфсизлик қоидалари ҳамда санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига риоя этилишига тегишли олий таълим ташкилоти раҳбари масъул ҳисобланади.

43. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

QMMB: 09/26/499/0957-son
18.09.2026-y.

Олий таълим ташкилотлари талабалари
ўртасида фан олимпиадаларини ташкил этиш
ва иқтидорли талабаларни қўллаб-қувватлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
илова

Олий таълим ташкилотлари талабалари ўртасида республика фан олимпиадаларини ташкил этиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Ташкилий қўмита	Олимпиада ўтказиладиган жойни (таянч олий таълим ташклотларини) белгилайди ва тасдиқлайди. Ҳакамлар ҳайъати ва апелляция комиссияси таркибини юқори малакали мутахассислар ва олимлар орасидан шакллантиради. Олимпиаданинг назорат турлари, шакллари, муддатлари ва баҳолаш мезонларини тасдиқлайди.	Ташкилий қўмита томонидан белгиланган муддатларда
2-босқич	1. Олий таълим ташкилотлари 2. Таянч олий таълим ташкилотлари	**I босқич** (олий таълим ташкилотлари босқичи): олий таълим ташкилотларида бакалавриат босқичи талабалари ўртасида ўтказилади. Унда 1, 2 ва 3-ўринларни эгаллаган ғолиблар кейинги босқичга тавсия этилади. **II босқич** (республика босқичи): I босқич ғолиблари ўртасида Вазирлик томонидан белгиланган таянч олий таълим ташкилотларида ўтказилади.	Белгиланган муддатларда
3-босқич	Ҳакамлар ҳайъати	II босқич учун назорат материалларини экспертизадан ўтказади ва якуний вариантларни танлайди.	Белгиланган муддатларда
4-босқич	Ҳакамлар ҳайъати Ташкилий қўмита	II босқич олимпиадаларнинг мусобақа қисмини ўтказади.	Белгиланган муддатларда
5-босқич	Ҳакамлар ҳайъати	1. Иштирокчиларнинг ишларини тасдиқланган мезонлар асосида холисона баҳолайди ҳамда натижаларни олимпиада ўтказилган куннинг ўзида эълон қилади. 2. Баллар кетма-кетлиги асосида 1, 2 ва 3-ўринларни эгаллаган ғолибларни аниқлайди ва якуний қарорни ташкилий қўмитага тақдим этади.	Белгиланган муддатларда
6-босқич	Ташкилий қўмита	Олимпиада ғолибларини тақдирлайди.	Олимпиада якунида

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

37 (1265)-сон
937-модда

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 17 » sentabr № 500 Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида магистратура босқичида кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш” йилида устувор йўналишлар бўйича ислоҳотлар дастурлари ва “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастури тўғрисида” 2026 йил 16 февралдаги ПФ–22-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда магистратурада илм-фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқларини инобатга олган ҳолда, кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, тизимида олий таълим ташкилотлари бўлган вазирлик ва идораларнинг **2026/2027 ўқув йилидан бошлаб** олий таълим ташкилотларида магистратурада кадрлар тайёрлашни тегишли бакалавриат негизидаги аниқ мутахассислик бўйича назарий билимлар ҳамда фундаментал ва амалий илмий-тадқиқот ишлари (илмий-ижодий ишлар)га мувофиқ, шунингдек, мутахассисликка мос корхона ва ташкилотларда тадқиқот ишлари, амалиёт (стажировка)ларни амалга ошириш тўғрисидаги таклифлари маъқулансин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Магистратура тўғрисидаги низом** 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

магистратура босқичида кадрларни ишлаб чиқариш (амалий) дастурига йўналтирилган (камида 1 йил) ҳамда илмий-педагогик дастурга йўналтирилган (камида 2 йил) ҳолда тайёрлаш;

магистратурада таълим жараёнини аниқ магистратура мутахассислиги ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ кундузги, кечки ёки масофавий таълим шаклларида ташкил этиш;

дастлабки ҳимояга қадар магистрлик диссертацияси бўйича илмий раҳбар (илмий маслаҳатчи) хулосаси ва плагиатга йўл қўйилмаганини тасдиқловчи маълумотнома (сертификат)ни тақдим этиш ҳамда диссертацияни “Яширин эксперт тақризи”дан ўтказиш талабини белгилаш;

ишлаб чиқариш (амалий) дастурига йўналтирилган магистратура битирувчиларига мутахассислик хусусиятидан келиб чиқиб, лойиҳа иши, конструкторлик лойиҳаси, стартап лойиҳаси, рационализаторлик ғояси, амалий-ижодий асар ва бошқа турдаги ишлардан бирини тайёрлаб, уни ҳимоя қилиш;

илмий-педагогик дастурга йўналтирилган магистратура битирувчилар томонидан магистрлик диссертацияси тайёрлаб, уни ҳимоя қилиш;

магистрлик диссертациясининг мавзуси, қисқача аннотацияси ва ҳимоя кунини олий таълим ташкилоти веб-сайтида эълон қилиш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

магистратурада таълим жараёни бакалавриат негизида, кадрлар буюртмачилари иштирокида ва касбий стандартлар асосида ишлаб чиқилган аниқ магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўқув режа ва дастурларига мувофиқ мутахассисликка қўйилган талаблардан келиб чиққан ҳолда ташкил этилади;

иш берувчи ташкилотлар талаблари асосида магистрларни мақсадли тайёрлаш амалга оширилади;

магистрлик диссертацияларининг ҳимояси илмий-тадқиқот ишининг хусусиятидан келиб чиқиб, олий таълим ташкилоти, Фанлар академияси ёки тегишли тармоқ илмий-тадқиқот ёхуд ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотларининг бирида ташкил этилади;

олий таълим ташкилотларининг ўзаро келишувига мувофиқ магистрлик диссертацияларини 2 та талаба ҳамкорлигида фанлараро боғлиқлик асосида тайёрлашга рухсат этилади.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2026/2027 ўқув йилидан бошлаб** магистратура босқичида кадрлар тайёрлаш мутахассислик хусусиятидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш (амалий) дастурига йўналтирилган камида 1 йил ҳамда илмий-педагогик дастурга йўналтирилган камида 2 йил этиб белгиланади. Бунда:

ўқув жараёни ишлаб чиқариш (амалий) дастури ва илмий-педагогик дастурга йўналтирилган ҳолда ташкил этилади;

ишлаб чиқариш (амалий) дастурига йўналтирилган магистрларни тайёрлаш умумий курслардан бирлашган маърузалар ҳамда мутахассисликка мос ташкилотлар базасидаги амалиётлар асосида амалга оширилади;

илмий-педагогик дастурга йўналтирилган магистрларни тайёрлаш умумий курслардан бирлашган маърузалар асосида назарий билимлар ҳамда фундаментал ва амалий илмий-тадқиқот ишлари (илмий-ижодий ишлар)га мувофиқ ташкил этилади;

2026/2027 ўқув йилидан бошлаб ўқиш даврида Scopus ҳамда Web of Science маълумотлар базаларида бўлган журналларда мақола эълон қилган магистратура талабаларини белгиланган тартибда рағбатлантириб боришга рухсат этилади.

5. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги:

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **икки ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирсин;

уч ой муддатда Олий таълим жараёнларини бошқариш – HEMIS ахборот тизимида магистратура таълимини мувофиқлаштириш бўйича модулни жорий этсин ҳамда магистрлар фаолияти мониторингини мазкур тизим орқали юритиш чораларини кўрсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **2-иловага** мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил "17" сентябр даги 500-сон қарорига
1-илова

Магистратура тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом олий таълим ташкилотларида магистрлар тайёрлашнинг асосий қоидалари ва тартибини, илғор хорижий тажрибалар асосида магистрлик диссертацияси мазмуни ва сифатига қўйиладиган мезонлар ва талабларни белгилайди.

2. Мазкур Низом:

Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси, Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси, Банк-молия академияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби, Тошкент давлат юридик университети ҳамда олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим ташкилотларига нисбатан татбиқ этилмайди;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз фаолиятини юритаётган, белгиланган тартибда фаолияти хусусиятлардан келиб чиқиб, магистрлар тайёрлашни амалга ошираётган республикадаги хорижий олий таълим ташкилотларининг филиаллари ҳамда нодавлат олий таълим ташкилотлари учун тавсиявий тусга эга ҳисобланади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ишлаб чиқариш (амалий) дастурига йўналтирилган магистратура – мутахассисларнинг муайян касбий соҳада амалий кўникма ва малакаларини чуқурлаштириш, замонавий ишлаб чиқариш жараёнларига мослаштириш ҳамда профессионал фаолиятда мустақил қарор қабул қилиш қобилиятини шакллантиришга қаратилган камида 1 йиллик таълим дастури;

илмий-педагогик дастурга йўналтирилган магистратура – юқори малакали илмий ва педагогик кадрларни тайёрлаш, магистрантларда илмий-тадқиқот олиб бориш, назарий муаммоларни таҳлил қилиш, илмий натижаларни ишлаб чиқиш ва таълим жараёнида қўллаш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган камида 2 йиллик таълим дастури;

магистрлик диссертацияси – магистратура босқичи битирувчиси томонидан ўқув жараёни давомида бажариладиган, тегишли мутахассисликка (соҳага) оид аниқ илмий-амалий масаланинг (муаммонинг) ечимига қаратилган илмий-тадқиқот иши;

плагиат – бошқа шахснинг илмий, ижодий ёки бошқа турдаги ишларини ўзлаштириб, ўз номидан тақдим этиш;

рационализаторлик ғояси – мавжуд жараён, ишлаш усули ёки маҳсулотни такомиллаштиришга қаратилган янги ва самарали таклиф;

стартап лойиҳаси – инновацион ғояга асосланган янги бизнес ташаббуси бўлган, илгари бозорда тақдим этилмаган ёки мавжудларидан сезиларли даражада фарқ қиладиган ноёб маҳсулот ёки хизмат кўрсатиш бўйича таклиф;

“яширин эксперт гуруҳи” – олий таълим ташкилоти томонидан магистрлик диссертацияларининг сифати, мазмуни, илмий янгилиги ва амалий аҳамиятини холисона баҳолаш мақсадида тегишли соҳалар бўйича етакчи олимлар, педагоглар ҳамда юқори малакали мутахассислардан шакллантириладиган мустақил экспертлар гуруҳи.

4. Магистратура аниқ мутахассислик бўйича бакалавриат негизида ўқитиш камида бир йил давом этадиган олий таълим босқичи ҳисобланади.

Магистратурада ўқиш давомийлиги мутахассисликларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади.

5. Магистратура босқичида кадрлар тайёрлаш мутахассислик хусусиятидан келиб чиқиб ишлаб чиқариш (амалий) дастурига йўналтирилган камида 1 йил ҳамда илмий-педагогик дастурга йўналтирилган камида 2 йил этиб белгиланади.

Ишлаб чиқариш (амалий) дастурига йўналтирилган магистратурада таҳсил олаётган талабалар мутахассислик хусусиятидан келиб чиқиб, лойиҳа иши, конструкторлик лойиҳаси, стартап лойиҳаси, рационализаторлик ғояси, амалий-ижодий асар ва бошқа турдаги ишлардан бирини тайёрлаб, уни ҳимоя қилади.

Бунда лойиҳалар ишлаб чиқаришдаги амалда мавжуд муаммолар ечимига қаратилган бўлиши шарт.

Илмий-педагогик дастурга йўналтирилган магистратурада таҳсил олаётган талабалар магистрлик диссертацияси тайёрлаб, уни ҳимоя қилади.

6. Ишлаб чиқариш (амалий) дастурига йўналтирилган магистратура мутахассислиги талабаларининг лойиҳа иши, конструкторлик лойиҳаси, стартап лойиҳаси, рационализаторлик ғояси, амалий-ижодий асари ва бошқа турдаги ишлари, уларга қўйиладиган талаблар, шунингдек, уларни ҳимоя қилиш тартиби мутахассислик хусусиятидан келиб чиқиб, олий таълим ташкилотининг мутахассислик кафедраси томонидан белгиланади ҳамда олий таълим ташкилоти Кенгаши томонидан янги ўқув йили бошлангунга қадар тасдиқланади.

7. Тегишли мутахассисликлар бўйича магистрлар давлат аккредитациясидан ўтган олий таълим ташкилотларида давлат гранти ва тўлов-контракт асосидаги қабул параметрларига мувофиқ тайёрланади.

8. Олий таълим ташкилотларида магистрларни тайёрлаш Магистратура бўлими ёки таркибида мутахассислик кафедралари бўлган деканатлар (факультет ташкил этилмаган олий таълим ташкилотларида ўқув-услубий бўлинма) томонидан мувофиқлаштирилади.

Магистратура бўлими ёки таркибида мутахассислик кафедралари бўлган деканатлар (факультет ташкил этилмаган олий таълим ташкилотларида ўқув-услубий бўлинма) кафедралар билан биргаликда:

магистрлар тайёрлаш бўйича ўқув жараёнини ташкил этади ва амалга оширади, уларга тақдим этилаётган таълим сифатини назорат қилишга кўмаклашади;

кадрлар буюртмачилари таклифлари асосида ўқув режаларини мувофиқлаштиради;

ўқув, амалиёт ва илмий-тадқиқот ишларининг амалга оширилишини таъминлайди;

олий таълим ташкилотлари таркибий бўлинмаларининг магистрлар тайёрлаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

магистрлик диссертациялари ҳамда магистратура талабаларининг лойиҳа иши, конструкторлик лойиҳаси, стартап лойиҳаси, рационализаторлик ғояси, амалий-ижодий асари ва бошқа турдаги ишлари мавзуларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва бажарилишини мувофиқлаштиради;

магистратура талабаларини ўқитиш ва уларнинг келгусида ишга жойлашиши устидан тизимли назорат ўрнатиш, магистрлар тайёрлаш масалаларини таҳлил қилиш ва улар юзасидан мунтазам равишда ҳисоботлар тайёрлашни таъминлайди.

9. Магистратурада магистрлар бирлашган маърузалар асосида назарий билимлар ҳамда фундаментал ва амалий илмий-тадқиқот ишлари (илмий-ижодий ишлар)га мувофиқ тайёрланади.

10. Магистратура талабаларининг амалиётлари мутахассисликка мос ташкилотлар базасида ташкил этилади.

2-боб. Магистрлар тайёрлашнинг мақсади ва касбий фаолиятининг асосий йўналишлари

11. Магистр:

танлаган мутахассислиги бўйича илмий-тадқиқот, илмий-педагогик ва касбий фаолиятни юритишга;

иш берувчи ташкилотларда самарали фаолият олиб боришга;

касбий фаолиятда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга;

магистрлик тайёргарлигига мувофиқ мутахассислик бўйича таянч докторантура (мустақил изланувчилик)да таълимни давом эттиришга тайёрланади.

12. Магистр ўз мутахассислиги, илмий ва илмий-педагогик тайёргарлигига мувофиқ касбий фаолиятининг:

ишлаб чиқариш;

илмий-педагогик;

илмий-ижодий;

илмий-тадқиқот ва тажриба;

лойиҳа-конструкторлик;

лойиҳа-технологик;

бошқарув, шунингдек, мутахассислигига мувофиқ бошқа фаолият турлари бўйича шуғулланиши мумкин.

3-боб. Магистратурада таълим жараёнини ташкил этиш

13. Магистратурада таълим жараёни магистратура мутахассислиги ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ кундузги, кечки ёки масофавий таълим шаклларида ташкил этилиши мумкин.

14. Ўқув жараёнининг хусусиятлари ва ўқитиш муддатлари (1 йилдан 3 йилгача) ҳисобга олинган ҳолда, тизимида олий таълим ташкилотлари бўлган вазирлик ва идоралар билан келишилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги кўрсатмасига мувофиқ айрим магистратура мутахассисликлари ўқув режа ва дастурларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

15. Магистратурада таълим жараёнини ташкил этишга қуйидаги талаблар қўйилади:

олий таълим ташкилотининг магистратура мутахассисликлари бўйича илмий-педагогик кадрлар билан, шу жумладан, кадрлар тайёрлаш йўналишига (ёки мутахассисликка) мос келувчи илмий даража ёки унвонга эга бўлган педагоглар ва мутахассислар билан таъминлангани;

назарий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, шу жумладан, магистрлик диссертацияларига қўйиладиган талабларга мос ҳолда уларни тайёрлаш учун зарур ўқув-методик ҳамда моддий-техник базанинг мавжудлиги;

ўқув режа ва дастурларига мувофиқ корхона ва ташкилотларда магистратура талабаларининг амалиёти, стажировкаси ва магистрлик диссертацияларининг тажриба-синов ишларини ўтказиши учун ушбу ташкилотлар билан олий таълим ташкилоти (факультет, кафедралар) ўртасида тузилган шартномалар ва келишувларнинг мавжудлиги;

магистратура талабаларини тайёрлаш жараёнига Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтлари, ташкилотлар, тармоқ илмий-изланувчилик ва лойиҳа муассасаларининг етакчи олимлари, шунингдек, хорижий олимлар, юқори малакали ва илмий даражага эга мутахассисларнинг, заруратга кўра, соатбай асосида жалб этилгани.

16. Магистратура талабасининг ўқув-методик, илмий-тадқиқот, педагогик ишлари, амалиёт, стажировкани ўташи ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш бўйича фаолияти магистратура талабасининг календарь–иш режасига биноан амалга оширилади.

17. Магистратура талабасининг календарь–иш режаси мазмуни илмий раҳбар билан биргаликда биринчи курснинг биринчи семестри давомида ишлаб чиқилади ҳамда олий таълим ташкилотининг илмий ишлар ва инновацияларга масъул бўлган проректори (филиал директори ўринбосари) томонидан тасдиқланади.

Магистратура талабаси ўзининг календарь–иш режаси бажарилиши бўйича ҳар чоракда бир маротаба кафедра йиғилишида ҳисобот беради.

Кафедра мудири ҳар ўқув семестри якунида тегишли факультет кенгаши ёки магистратура бўлими йиғилишида магистратура талабаларининг календарь–иш режалари бажарилиши юзасидан ҳисобот беради.

4-боб. Магистратуранинг қўшма таълим дастурлари

18. Олий таълим ташкилотлари магистратура босқичида Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатлардаги олий таълим ташкилотлари билан белгиланган тартибда тўлов-контракт асосида қўшма таълим дастурларини жорий этиши мумкин.

19. Магистратуранинг қўшма таълим дастурлари асосида олий таълим ташкилотларини муваффақиятли тамомлаган битирувчиларга хорижий ҳамкор олий таълим ташкилоти жойлашган давлатда тан олинадиган диплом ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташкилотининг давлат намунасидаги диплом берилади.

20. Магистратуранинг қўшма таълим дастурида ўқув жараёни хорижий тилларда ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ давлат тилида ёхуд қўшма таълим дастурлари бўйича ҳамкор хорижий олий таълим ташкилотлари жойлашган мамлакатларнинг таълим тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган тилда ўзаро келишув асосида ташкил этилади.

21. Талабаларнинг ҳамкор олий таълим ташкилотида ўқиш давомийлиги олий таълим ташкилотлари ўртасидаги ўзаро келишув асосида белгиланади.

22. Ҳар бир ҳамкор олий таълим ташкилоти(лари)нинг педагоглари бошқа олий таълим ташкилоти(лари)нинг ўқув жараёнида қўшма таълим дастурини ишлаб чиқишда, диссертация ва малакавий амалиётларга раҳбарлик қилишда ҳамда имтиҳонларни ўтказиш ва қабул қилиш бўйича ишчи гуруҳларда иштирок этиши мумкин.

5-боб. Магистратурада педагогик фаолиятга жалб этиладиган ўқитувчиларнинг вазифалари ва уларга қўйиладиган умумий малака талаблари

23. Магистратурада педагоглар таркиби ҳар йили август ойида масъул кафедра томонидан шакллантирилади.

Магистратурада педагогик фаолиятга жалб этиладиган профессор-ўқитувчилар:

ўқув машғулотларини сифатли ва талаб даражасида ўтади;

ўқув, илмий ва ўқув-методик ишларни режалаштиради, ташкил этади ва назорат қилади;

илмий-тадқиқот ишларига ва магистратура талабаларининг магистрлик диссертацияларини тайёрлаш жараёнига раҳбарлик қилади;

кафедра ихтисослиги бўйича илмий, илмий-тадқиқот семинарларини ташкил этади ва уларда иштирок этади;

талабалар илмий семинарларини бошқаради;

магистратуранинг тегишли мутахассислиги бўйича ўқув режа ва дастурларини ишлаб чиқади;

кафедра илмий тадқиқотлари йўналишлари доирасида ташкил этиладиган йиғилишлар ва конференцияларда, шу жумладан, халқаро анжуманларда иштирок этади;

магистратура талабаларининг мустақил ишларини ташкил этади ва режалаштиради;

магистратура талабалари учун ўқув адабиётлари қўлёзмаларини тайёрлайди ҳамда нашрга тайёрлашда иштирок этади;

магистратура талабасининг календарь–иш режаси бажарилишини назорат қилади.

24. Магистратурада педагогик фаолиятга жалб этиладиган профессор-ўқитувчиларга қуйидаги малака талаблари қўйилади:

фанни чуқур билиш ҳамда унинг назарий асосларини ва муҳим ютуқларга эришиш йўлларини кўра билиш малакасига эга бўлиш;

илмий муаммолар бўйича таклифларни ишлаб чиқа олиш, тадқиқотлар ўтказа олиш ва уларнинг натижалари бўйича чоп этилган илмий ишларга эга бўлиш;

магистратура талабаларининг алоҳида хусусиятлари, шахсий сифатлари ва диссертация мақсадларини ҳисобга олган ҳолда, педагогик фаолият йўналишларини белгилаш кўникмасига эга бўлиш;

магистратура талабаларининг билим ва малакаларни эгаллашига имконият берадиган инновацион педагогик технологияларни қўллаш;

педагогик вазифаларни шакллантириш ва уларни амалга оширишнинг мақбул ечимларини топиш малакасига эга бўлиш;

магистратура талабаларининг касбий қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион курсларни ишлаб чиқиш бўйича амалий тажрибага эга бўлиш;

маълумотларни тизимлаштириш ва излаш орқали ўз билимини такомиллаштириш учун доимий ўрганиш, маълумотларни электрон қайта ишлашда ахборот-коммуникация ва мультимедиа технологияларидан фойдаланиш кўникмасига эга бўлиш.

25. Магистратурада педагогик фаолият юритишга илмий даража (жумладан, фан номзоди, фалсафа доктори (PhD), фан доктори (DSc) ёки уларга тенглаштирилган бошқа илмий даража) ёхуд илмий унвонга эга бўлган педагоглар ва мутахассислар жалб қилинади.

6-боб. Магистратура талабаларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

26. Магистратура талабалари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

танланган соҳани ривожлантиришнинг замонавий тенденцияларига мувофиқ билимларни олиш;

олий таълим ташкилоти фаолияти билан боғлиқ муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва ҳал қилишда бевосита иштирок этиш;

олий таълим ташкилоти ахборот-ресурс марказлари хизматларидан, шу жумладан, ўқув-методик ва илмий адабиётлардан, шунингдек, олий таълим ташкилотининг уставида белгиланган тартибда бошқа турдаги хизматлардан бепул фойдаланиш;

илмий-тадқиқот ишларида, конференциялар ва симпозиумларда иштирок этиш;

ўз илмий-тадқиқот ишларини илмий нашрларда чоп этишга тақдим қилиш;

олий таълим ташкилоти Кенгаши тавсиясига мувофиқ етакчи хорижий ва республика таълим (илмий) ташкилотларида амалиёт ўташ, стажировкада бўлиш ёки магистрлик диссертациясининг тажриба-синов қисмларини бажариш учун ушбу ташкилотлар билан тегишли келишувлар мавжуд бўлганда, уларга йўлланма олиш;

олий таълим ташкилоти раҳбариятининг қарорларидан норози бўлган тақдирда, тегишли ташкилотларга белгиланган тартибда шикоят қилиш;

талабалар учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартиб ва миқдорлардаги стипендия, Давлат стипендияси ҳамда ўқишга йўллаган жисмоний ва юридик шахслар томонидан тайинланадиган стипендияларни олиш.

Магистратура талабаси қонунчилик ҳужжатларида ёки олий таълим ташкилоти уставида белгиланган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

27. Магистратура талабалари:

магистратуранинг тегишли мутахассислиги бўйича ўқув режалари ва фан дастурларида назарда тутилган билимларни эгаллаши ва ўзлаштириши;

таълим дастурида назарда тутилган тегишли топшириқларни белгиланган муддатларда бажариши;

олий таълим ташкилотининг устави талабларига ва ички тартиб-қоидаларига риоя этиши;

магистрлик диссертациясини тайёрлаши (фақат илмий-педагогик дастурга йўналтирилган талабалар учун);

лойиҳа иши, конструкторлик лойиҳаси, стартап лойиҳаси, рационализаторлик ғояси, амалий-ижодий асар ва бошқа турдаги ишлардан бирини бажариши (фақат ишлаб чиқариш (амалий) дастурига йўналтирилган талабалар учун) шарт.

Магистратура талабаси зиммасига қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

7-боб. Магистратура талабалари фаолияти назорати

28. Магистратура талабаси фаолияти устидан доимий назорат қилиш ва магистратурада таълим жараёнини ташкил этиш сифатини ошириш мақсадида олий таълим ташкилоти ректори (филиал директори) буйруғи билан етакчи ўқитувчилар таркибидан иборат, Фанлар академияси илмий муассасалари олимлари, кадрлар истеъмолчилари бўлган ташкилотларнинг мутахассисларини жалб этган ҳолда ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда – Ишчи гуруҳ) тузилади.

Ишчи гуруҳ томонидан ҳар йили апрель-май ойларида магистратура талабаси фаолияти назорати амалга оширилади.

29. Магистратура талабаси фаолияти назорати қуйидаги кўрсаткичлар асосида олиб борилади:

магистратура талабасининг календарь–иш режасининг белгиланган муддатларда бажарилиши;

илмий мақола ёки республика ёхуд халқаро миқёсдаги илмий конференцияда тезис чоп этгани (ҳар ўқув йилида камида 1 та илмий мақола ёки 2 та тезис);

илмий семинарларда иштирок этгани;

мутахассислик фанларини ўзлаштириш даражаси;

магистрлик диссертациясининг дастлабки ҳимоядан ўтгани, агар у назорат даврида режалаштирилган бўлса.

30. Таълим жараёнининг хусусиятлари ва ўқиш муддатларини ҳисобга олиб, тизимида олий таълим ташкилотлари бўлган вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан айрим магистратура мутахассисликлари назорат кўрсаткичларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

31. Назорат қилиш жараёнида магистратура талабалари билан суҳбатлар ўтказилади, тегишли таклиф ва тавсиялар берилади.

32. Ўқув йили охирида Ишчи гуруҳ назорат якунлари бўйича олий таълим ташкилоти Кенгашида ҳисобот тақдим этади.

8-боб. Магистрлик диссертацияси мавзусини танлаш ва илмий раҳбарни тайинлаш

33. Магистрлик диссертацияси магистратура талабасининг ўқув дастурларини ўзлаштириш жараёнида орттирган назарий ва амалий билимлари асосида тайёрланган, мустақил илмий-тадқиқот ишининг якуний натижаси ҳисобланади.

34. Магистрлик диссертацияси мавзусини танлаш ва илмий раҳбарни тайинлаш биринчи курснинг биринчи семестрида амалга оширилади.

Магистрлик диссертацияларининг мавзулари олий таълим ташкилотларида кафедра профессор-ўқитувчилари, Фанлар академияси илмий муассасалари, тармоқ илмий-тадқиқот ва лойиҳалаштириш муассасалари ходимлари иштирокида шакллантирилади.

Магистрлик диссертацияси мавзуси илмий ёки амалий жиҳатдан янгиликка эга бўлиши лозим.

Олдинги йилларда ўрганилган мавзулар доирасида тадқиқот олиб боришга фақат янги объект, янги маълумотлар базаси, янги методология, янги амалий ечим ёки янги илмий натижага асосланган тақдирда, рухсат этилади.

35. Магистрлик диссертациясига илмий раҳбарлик олий таълим ташкилотларида ишлайдиган профессорлар, фан докторлари (фан доктори (DSc), доцентлар, фан номзодлари (фалсафа доктори (PhD), Фанлар академияси илмий муассасалари олимлари, ташкилотларнинг юқори малакали, илмий даражали ёки илмий унвонга эга мутахассислари, шунингдек, илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган хорижий мутахассислар томонидан амалга оширилади.

36. Магистратура талабаси ўқиётган олий таълим ташкилотида ишламайдиган ходимлардан унга илмий раҳбар тайинланган тақдирда, талабага қўшимча равишда тегишли кафедра профессор-ўқитувчилари таркибидан илмий маслаҳатчи тайинланади.

Белгиланган талабларга мувофиқ магистрлик диссертациясини бажариш доирасида илмий раҳбар билан бир хил масъулият илмий маслаҳатчига ҳам юкланади.

37. Магистратура талабаси ўқиётган олий таълим ташкилотида ишламайдиган ходимлар таркибидан бўлган илмий раҳбар меҳнатига ҳақ тўлаш белгиланган тартибда меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартлари бўйича бир ўқув йилига бир магистратура талабаси учун 50 соатдан ошмаган ҳажмда, тегишли олий таълим ташкилоти харажатлар сметасида ушбу мақсадлар учун назарда тутилган маблағлар доирасида амалга оширилади.

38. Магистратура талабаси ўқиётган олий таълим ташкилоти ходимлари таркибидан бўлган илмий раҳбар ва илмий маслаҳатчининг магистрлик диссертациясини тайёрлаш бўйича вазифалари уларнинг олий таълим ташкилотида ўқув йили шахсий иш режаси билан белгиланадиган ўқув юкламасига киритилади.

39. Бир ўқув йилида фан доктори (DSc) ёки профессор олтитагача, шунингдек, доцент ёхуд фан номзоди (PhD) тўрттагача магистрлик диссертациясига ёки магистрга раҳбарликни амалга ошириши мумкин.

Бунда фан номзоди, фалсафа доктори (PhD), фан доктори (DSc)ларига белгиланган меъёрлар уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

40. Кафедралар томонидан тақдим этилган ва олий таълим ташкилоти ёки факультет кенгашида муҳокама қилинган магистратура талабаларининг магистрлик диссертациялари мавзулари ва уларнинг илмий раҳбарлари (илмий маслаҳатчилари) илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор (филиал директори ўринбосари) тақдимномасига асосан магистратура талабалари ўқиётган биринчи ўқув йилининг биринчи семестрида тегишли олий таълим ташкилоти ректори (директори)нинг буйруғи билан тасдиқланади.

41. Қуйидагилар илмий раҳбар (маслаҳатчи)нинг мажбуриятлари ҳисобланади:

тадқиқот мавзуси доирасида юзага келиши мумкин бўлган масалалар бўйича тизимли равишда ёрдам бериш мақсадида маслаҳатлар жадвалини тузиш;

тадқиқот усулларини танлашда иштирок этиш ва уларни тадқиқот ишида қўллашда магистратура талабасига кўмаклашиш;

магистратура талабасининг белгиланган календарь–иш режаси бўйича ишларнинг бажарилишини ва магистрлик диссертацияси ўз вақтида тайёрланишини назорат қилиш;

магистрлик диссертациясининг қисқача аннотацияси ва ҳимоя куни олий таълим ташкилотининг веб-сайтида эълон қилинишини таъминлаш;

магистрлик диссертациясида плагиатга йўл қўйилмаслигини таъминлаш;

дастлабки ҳимоягача магистрлик диссертациясига хулоса бериш.

9-боб. Магистрлик диссертациясининг таркибий қисмлари ва унинг мазмунига қўйиладиган талаблар

42. Магистрлик диссертацияси магистратура талабаси томонидан талабанинг календарь–иш режасига мувофиқ тайёрланади.

Магистрлик диссертацияси қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлиши керак:

титул варақ;

уч тилда (давлат тили, ўқитиш тили ва инглиз тилида) магистрлик диссертациясининг қисқача аннотацияси;

мундарижа;

кириш (5-10 фоиз);

асосий қисм: адабиётлар шарҳи, методология, таҳлил, натижалар ва устувор йўналишлар (90 фоизгача);

хулоса ва таклифлар (2-5 фоиз);

адабиётлар рўйхати;

иловалар (мавжуд бўлса).

43. Магистрлик диссертациясининг кириш қисми қуйидагиларни қисқача ўз ичига олиши лозим:

мавзунинг асосланиши ва долзарблиги;

тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари;

тадқиқотнинг илмий янгилиги;

тадқиқотнинг асосий муаммолари ва саволлари;

тадқиқот объекти ва предмети;

тадқиқот натижаларининг илмий-назарий ва амалий аҳамияти;

диссертация таркибининг қисқача тавсифи.

44. Магистрлик диссертациясининг асосий қисми камида уч бобдан иборат бўлиб, боблар ҳажм жиҳатидан ўзаро мутаносиб бўлиши ва адабиётлар шарҳи, методология, таҳлил, натижалар ва устувор йўналишларни ўз ичига олиши лозим:

адабиётлар шарҳида тадқиқот мавзуси бўйича бошқа манбаларда келтирилган назарий, амалий ва эмпирик тадқиқотлар натижаларининг танқидий таҳлили ёритилади, тадқиқотда гипотезалар келтирилади ва улар асослантирилади;

методология қисмида тадқиқотни амалга оширишда қўлланган илмий ёндашувлар, усуллар ва инструментлар тизимли равишда баён этилади. Бундан ташқари, тадқиқот доирасида муаммони ҳал этишга олиб борувчи услубий ёндашув, яъни тадқиқотнинг концептуал модели шакллантирилиб, унинг асосида амалий натижаларга эришиш йўллари кўрсатилади;

таҳлил ва натижалар қисмида тадқиқот иши жараёнида амалга оширилган таҳлиллар ҳамда эришилган илмий ва амалий натижалар келтирилади;

устувор йўналишлар қисмида соҳани ривожлантиришнинг қисқа, ўрта ва узоқ муддатли устувор йўналишлари белгиланади, стратегик мақсад ва вазифалар тизимлаштирилади, уларни амалга ошириш механизмлари (институционал, ташкилий-иқтисодий, молиявий ва инновацион механизмлар) асослаб берилади, шунингдек, илғор хорижий тажрибаларни миллий шароитга мослаштириш имкониятлари кўрсатилади ҳамда самарадорликни ошириш йўллари таклиф этилади;

хулоса ва таклифлар қисмида барча бобларда қайд этилган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, шунингдек, илмий-тадқиқот муаммосини ҳал этиш бўйича хулосалар ёритилади ҳамда илмий-амалий таклифлар келтирилади.

45. Магистрлик диссертациясига унинг мазмунини баён этиш учун бевосита зарур бўлган қўшимча маълумотларни ўз ичига олган материаллар илова қилиниши мумкин. Илова қисмининг ҳажми магистрлик диссертацияси умумий ҳажмининг учдан бир қисмидан ошмаслиги лозим.

46. Магистрлик диссертацияси устида ишлаётган магистратура талабаси плагиат, маълумотларни сохталаштириш ва ёлғон иқтибослар келтиришга йўл қўймаслиги лозим.

47. Диссертация матни стандарт варақда ёзилган бўлиб, унда қуйидаги қоидаларга риоя этилган бўлиши лозим:

қаторлар оралиғи – 1,5 белгили;

юқори ва пастки ҳошия 2 см, сатр боши: чап томондан 3 см, ўнг томондан 2 см;

хатбошилар орасидаги оралиқ – 5 ёки 6 белгили.

Магистрлик диссертацияси матнини “Times New Roman” шрифтида (14 ўлчамли) Microsoft Word матн муҳарририда ёзиш тавсия этилади.

48. Магистрлик диссертациясининг ҳажми титул варақ, мундарижа, адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташқари, қоида тариқасида, 70 саҳифагача бўлади.

Иқтисодий ва ижтимоий-гуманитар йўналишдаги диссертацияларнинг 10 фоизгача кўпроқ ҳажмда тайёрланишига йўл қўйилади.

49. Магистрлик диссертацияси магистратура талабаси ўқиган тилда (кафедра ёки Магистратура бўлими тавсиясига мувофиқ чет тилида) тайёрланади. Чет тилида тайёрланган магистрлик диссертациясига давлат тилида ёзилган аннотация илова қилинади. Бундай магистрлик диссертацияларининг дастлабки ва расмий ҳимоялари таржима билан ўтказилади.

50. Магистрлик диссертацияларининг қисқача аннотациялари ва ҳимоя кунлари олий таълим ташкилотларининг веб-сайтларида ҳимоядан камида 10 кун олдин эълон қилинади.

10-боб. Магистрлик диссертацияси ҳимоясини ўтказиш тартиби

51. Магистрлик диссертацияси ҳимояси олий таълим ташкилотининг илмий ишлар ва инновацияларга масъул проректори (филиал директори ўринбосари) томонидан тасдиқланган жадвал асосида дастлабки ва расмий ҳимоя шаклида ўтказилади.

52. Магистрлик диссертациясининг дастлабки ҳимояси илмий раҳбар (илмий маслаҳатчи) иштирокида кафедра томонидан тузилган комиссия ҳузурида ташкил этилади.

Дастлабки ҳимояга бошқа кафедралардан, шунингдек, бошқа ташкилотлардан мутахассислар таклиф этилиши мумкин.

53. Дастлабки ҳимояга қадар магистрлик диссертацияси бўйича илмий раҳбар (илмий маслаҳатчи) хулосаси, плагиатга йўл қўйилмаганини тасдиқловчи антиплагиат дастури текширувидан белгиланган тартибда ўтказилгани тўғрисидаги маълумотнома (сертификат)ни тақдим этиш ва “Яширин эксперт тақризи” талаб этилади.

54. Магистрлик диссертацияси антиплагиат дастури асосида текширилиб, плагиатга йўл қўйилгани аниқланса, такроран бир мартагача қайта текширишдан ўтказишга рухсат берилади.

Иккинчи мартада ҳам плагиат ҳолатлари бартараф этилмаган тақдирда, диссертация ҳимояси кейинги йилга қолдирилади.

Кейинги йилда плагиат ҳолатлари бартараф этилган тақдирда, диссертацияни ҳимоя қилишга рухсат этилади.

Магистрлик диссертацияси мазмунининг ўзига хослик кўрсаткичи (фоизи) олий таълим ташкилоти томонидан мустақил равишда белгиланади.

Антиплагиат дастуридан ўтказилгандан сўнг ижобий хулоса олингач, магистрлик диссертацияси бир нусхада (“Яширин эксперт гуруҳи”нинг хоҳишга кўра электрон шаклда ҳам бўлиши мумкин) “Яширин эксперт тақризи” учун кафедрага топширилади.

Магистрлик диссертацияси антиплагиат дастуридан ва “Яширин эксперт тақризи”дан ўтказиш учун дастлабки ҳимоядан камида уч ҳафта олдин кафедрага тақдим этилиши лозим.

55. Олий таълим ташкилоти томонидан тегишли йўналишлар бўйича соҳанинг етакчи олимлари, педагоглари ҳамда мутахассисларидан иборат таркибда “Яширин эксперт гуруҳи” тузилади.

“Яширин эксперт гуруҳи” аъзолари академик ҳалоллик талабларига риоя этиши ҳамда манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги юзасидан олий таълим ташкилоти ректори (филиал директори) номига кафолат хати тақдим этади.

“Яширин эксперт гуруҳи”га олий таълим ташкилотининг ректори (филиал директори) томонидан раҳбар тайинланади.

“Яширин эксперт гуруҳи” учун олий таълим ташкилотида расмий электрон почта ташкил этилади.

Топширилган магистрлик диссертациялари мутахассислик кафедраси томонидан “Яширин эксперт гуруҳи”нинг электрон почта манзилига юборилади.

Электрон почта манзилига келиб тушган магистрлик диссертациялари “Яширин эксперт гуруҳи” раҳбари томонидан тегишли педагог ёки мутахассисга тақдим этилади.

“Яширин эксперт гуруҳи” аъзоси магистрлик диссертациясини уч кун муддатда кўриб чиқиб, “Яширин эксперт тақризи”ни (имзосиз, кадрлар бўлими ёки девонхона муҳри билан) магистрлик диссертацияси юборилган электрон почта манзилига юборади.

“Яширин эксперт гуруҳи” аъзоси тақриз салбий бўлган тақдирда, диссертацияни қайта ишлаш зарурлиги ёки тақриз ижобий бўлган тақдирда, магистрлик диссертацияси кейинги босқичга тавсия этилиши тўғрисида электрон почта орқали маълум қилади.

Магистрлик диссертацияси ушбу Низомнинг 9-бобида келтирилган талабларга мос келмаган ҳолатларда, шунингдек, ушбу ҳолатларни қисқа муддатда тузатиш имконияти мавжуд бўлмаганда, тақризчи магистрлик диссертациясини ҳимояга қўйиш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида хулоса беради.

56. Диссертация расмий ҳимоя санасидан камида бир ой олдин дастлабки ҳимоядан ўтказилиши лозим.

Дастлабки ҳимояга қадар магистратура талабаси ички ва ташқи ҳамда илмий раҳбар тақризларига, шунингдек, диссертация мавзусига доир илмий мақола ёки тезисга эга бўлиши керак.

Дастлабки ҳимоя якуни кафедра йиғилиши баённомаси билан расмийлаштирилади.

57. Ички ва ташқи тақризчиларни олий таълим ташкилотининг тегишли кафедраси тавсия этади ва уларнинг рўйхати илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор (филиал директори ўринбосари) томонидан тасдиқланади.

58. Қуйидагилар тақризчининг вазифалари ҳисобланади:

магистрлик диссертацияси мавзусининг долзарблиги, илмий янгилиги ва тугалланган тўғрисида хулоса тақдим этиш;

дастлабки ҳимоядан камида уч кун олдин тақриз тақдим этиш;

магистрлик диссертацияси ишининг назарий ва амалий аҳамияти ҳақида умумий хулоса бериш ва уни баҳолаш;

академик ҳалоллик талабларининг бузилиши ҳолатлари, жумладан, плагиатга йўл қўйиш, маълумотларни сохталаштириш, ёлғон иқтибос келтириш ва бошқалар аниқланган тақдирда, уларни тақризда кўрсатиш.

59. Магистрлик диссертациясининг расмий ҳимояси олий таълим ташкилотининг якуний давлат аттестацияси комиссияси (кейинги ўринларда – Комиссия) томонидан ўтказилади.

60. Магистрлик диссертациясининг расмий ҳимояси тақдимот материаллари билан баён этилиши ва 20 дақиқадан ошмаслиги лозим.

61. Расмий ҳимояда Комиссия аъзолари магистратура талабасини қуйидаги мезонлар асосида баҳолайди:

магистрлик диссертацияси тадқиқот мавзусининг долзарблигини ва унинг амалиёт билан боғлиқлигини кўрсатиб бера олиши;

магистратура талабасининг тадқиқотга ва вазифаларни ҳал этишга мустақил ёндашуви;

фойдаланилган илмий адабиётлар, илмий нашрлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, статистик маълумотлар, шунингдек, хорижий тиллардаги адабиётлар танқидий таҳлилининг тўлиқлиги ва чуқурлиги;

тадқиқот усуллари амалиётда қўлланганининг асослангани;

олинган натижалар асосида ишлаб чиқилган тавсияларнинг амалий аҳамияти;

магистратура талабасининг магистрлик диссертацияси доирасида ўтказилган тадқиқотлар ва олинган натижаларни ривожлантириш истиқболларини кўра билиш қобилияти;

магистрлик диссертациясининг назарий ва амалий қисмларидаги ўзаро мантиқий боғлиқликни кузата билиш малакаси.

Бунда магистрлик диссертациясининг таркибий қисмлари (кириш қисми, асосий қисми (мазмуни), хулоса ва таклифлар қисми) ҳамда тақдимотнинг талаб даражасида бажарилишига ва уларнинг баҳоланишига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

62. Магистрлик диссертацияси олий таълим ташкилотларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизимига мувофиқ аниқланади ҳамда Комиссия мажлис баёни расмийлаштирилгандан сўнг шу куннинг ўзида эълон қилинади.

63. “Қониқарсиз” баҳо қўйилганда ёки магистрлик диссертацияси расмий ҳимояга қўйилмаган тақдирда, магистратура талабаси кейинги уч йил давомида олий таълим ташкилотида Комиссия ташкил этилган даврда магистрлик диссертациясини қайта ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Магистрлик диссертацияси ҳимоясидан ўта олмаган битирувчидан магистрлик диссертациясини қайта топшириш жараёнларида тўлов ундирилмайди.

64. Ўқув режасида белгиланган фанларни ўзлаштирган, ишлаб чиқариш ва малакавий амалиётни ўтаган, аммо магистрлик диссертациясини (лойиҳа иши, конструкторлик лойиҳаси, стартап лойиҳаси, рационализаторлик ғояси, амалий-ижодий асар ва бошқа турдаги ишлар) ҳимоя қилмаган ишлаб чиқариш (амалий) дастурига йўналтирилган ёки илмий-педагогик дастурга йўналтирилган магистратурада таҳсил олган талабаларга мутахассислиги бўйича таълим олгани тўғрисида ушбу Низомга иловага мувофиқ маълумотнома берилади.

65. Магистрлик диссертациялари расмий ҳимояси натижадорлиги олий таълим ташкилоти Кенгашида муҳокама қилинади.

66. Ҳимоя қилинган магистрлик диссертациялари олий таълим ташкилотида уч йил давомида сақланади.

11-боб. Якунловчи қоидалар

67. Магистрлик диссертацияси ҳимоясини баҳолаш натижалари юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш мумкин.

68. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

69. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Магистратура тўғрисидаги низомга
илова

_____
(олий таълим ташкилотининг номи)

МАГИСТРАТУРАДА ТАЪЛИМ ОЛГАНЛИК ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТНОМА

Мазкур маълумотнома_____

_____га
(фамилияси, исми, отасининг исми)

20___ – 20___ йилларда _____

_____
(мутахассислик номи)

_____
(дастур номи: ишлаб чиқариш/илмий-педагогик йўналиш)

бўйича таълим олганлиги учун берилди.

Давлат аттестацияси комиссиясининг хулосаси _____
(ўтмади)

Магистрлик диссертацияси (курс лойиҳаси, конструкторлик лойиҳаси, стартап лойиҳаси, амалий-ижодий асари ва бошқа турдаги ишлари)ни ҳимоя қилганлиги

_____
(ҳимоя қилмади)

_____
_____
_____
_____

Ректор (директор) _____ _____
(имзо, муҳр) (Ф.И.О.)

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил "17" сентябр даги 500-сон қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган айрим қарорлари РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг "Магистратура тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" 2015 йил 2 мартдаги 36-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 13 апрелдаги ПФ-5415-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида" 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон қарори)" 2018 йил 9 августдаги 638-сон қарорига илованинг 12-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг "Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасалари рейтингини аниқлаш чора-тадбирлари тўғрисида" 2021 йил 3 июндаги 345-сон қарорига 3-илованинг 14-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида" 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ-682-сон Қонуни)" 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон қарорига илованинг 358-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълимга қабул қилиш ва ўқитиш тартибини белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида" 2023 йил 6 апрелдаги 143-сон қарорига илованинг 2-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига уларни қонун ҳужжатларига мувофиқлаштиришни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритиш тўғрисида" 2024 йил 22 июлдаги 439-сон қарорига илованинг 14-банди.



QMMB: 09/26/501/0951-son
18.09.2026-y.

37 (1265)-son
938-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 17 » sentabr № 501 Toshkent sh.

Педагогларнинг давлат олий таълим ташкилотларига ўқишга кирган ва таҳсил олаётган фарзандларининг тўлов-контракт суммасига чегирма бериш ва эҳтиёжманд оила фарзандларини замонавий касбларга ўқитиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Педагогнинг мақоми тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ педагогларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг давлат олий таълим ташкилотларига ўқишга кирган фарзандларининг таълим олишлари учун қўшимча имкониятлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. **2026/2027 ўқув йилидан бошлаб** ҳар йили давлат олий таълим ташкилотларига ўқишга кирган ҳамда таҳсил олаётган педагогларнинг фарзандлари учун тўлов-контракт суммасига 30 фоиз миқдорида чегирма жорий этилсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Педагогларнинг давлат олий таълим ташкилотларига ўқишга кирган ҳамда таҳсил олаётган фарзандларининг тўлов-контракт суммасига чегирма бериш тартиби тўғрисидаги низом **иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

педагогларнинг давлат олий таълим ташкилотларига ўқишга кирган ҳамда таҳсил олаётган фарзандларини аниқлаш тартиби;

2026/2027 ўқув йилидан бошлаб педагогларнинг давлат олий таълим ташкилотларига ўқишга кирган ҳамда таҳсил олаётган фарзандларининг тўлов-контракт суммасига 30 фоиз миқдорида чегирма қўллаш тартиби;

олий таълим ташкилотларига мазкур чегирилган маблағларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаш тартиби.

3. Белгилаб қўйилсинки, педагогларнинг давлат олий таълим ташкилотларига ўқишга кирган фарзандларининг тўлов-контракт суммасига чегирма жорий этиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қопланади.

QMMB: 09/26/501/0951-son
18.09.2026-y.

Бунда ушбу харажатлар 2027 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан, биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида назарда тутилади.

4. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг **2026/2027 ўқув йилидан бошлаб**, талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, тегишли олий таълим ташкилотларида эҳтиёжманд оила фарзандларини дастурлаш, сунъий интеллект, робототехника, ахборот технологиялари ва бошқа касбларга ўқитиш бўйича юридик шахс мақомига эга бўлмаган ўқув марказларини (кейинги ўринларда – Марказ) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Марказ ташкил этиладиган олий таълим ташкилотлари ректорлари (директорлари)га олий таълим ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Марказни ташкил этиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ харажатларни ҳамда эҳтиёжманд оилалар фарзандларини бепул ўқитиш, жумладан, ўқув жараёнига жалб қилинадиган профессор-ўқитувчиларнинг ойлик иш ҳақи (соатбай ҳақ тўлаш асосида) харажатларини қоплашга рухсат берилсин.

5. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситалари, Интернет жаҳон ахборот тармоғи ҳамда ижтимоий тармоқларда кенг ёритсин.

6. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **икки ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/501/0951-son
18.09.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “17”сентябрдаги 501-сон қарорига
илова

Педагогларнинг давлат олий таълим ташкилотларига ўқишга кирган ҳамда таҳсил олаётган фарзандларининг тўлов-контракт суммасига чегирма бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб давлат, шу жумладан, молиявий мустақиллик берилган олий таълим ташкилотларига тўлов-контракт асосида талабаликка тавсия этилган ёки таҳсил олаётган педагоглар фарзандларининг тўлов-контракт суммасига 30 фоиз миқдорида чегирма бериш ҳамда мазкур чегирилган маблағларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом олий ҳарбий, ҳарбийлаштирилган таълим ташкилотларига Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган хорижий олий таълим ташкилотлари ҳамда уларнинг филиалларига ва нодавлат олий таълим ташкилотларига нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

педагог – таълим ташкилотида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси асосида таълим ва тарбия соҳасида Педагогик фаолият билан боғлиқ лавозимлар рўйхатига киритилган лавозимларда касбий фаолиятни амалга оширувчи жисмоний шахс;

педагог фарзандлари – Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланган (ёки республикада доимий яшаётган, фуқаролиги бўлмаган), асосий иш фаолияти педагог бўлган ота ёки онанинг фарзанди бўлган олий таълим ташкилотида тўлов-контракт асосида (қўшимча ва табақалаштирилган тўлов-контракт бундан мустасно) бакалавриат босқичи кундузги таълим шаклига талабаликка тавсия этилган абитуриент(лар) ёки таҳсил олаётган талаба(лар) (хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотларининг қўшма таълим дастурлари асосида ва факультетларида таълим олаётган талабалардан ташқари);

тўлов-контракт шартномаси – давлат, шу жумладан, молиявий мустақиллик берилган олий таълим ташкилоти ва талаба (абитуриент ёки унинг қонуний вакили) ўртасида таълим хизматларидан пулли асосда фойдаланиш бўйича тузиладиган шартнома;

тўлов-контракт суммаси – Ўзбекистон Республикаси таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссияси ҳамда молиявий мустақиллик берилган олий таълим ташкилотлари томонидан тасдиқланган таълим йўналишлари бўйича битта талабани базавий тўлов-контракт асосида бир йиллик ўқитиш қиймати;

QMMB: 09/26/501/0951-son
18.09.2026-y.

чегирма – педагог фарзандларининг тўлов-контракт суммасига нисбатан тўлов-контракт шартномасини расмийлаштириш жараёнида қўлланадиган имтиёз;

чегирилган маблағ – педагог фарзандларининг тўлов-контракт суммасига нисбатан 30 фоиз миқдорида қўлланган чегирма суммаси;

махсус ахборот тизими – Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг "Олий таълим тизимида тўлов хизматларини ягона ҳисобрақами орқали қабул қилиш ва тақсимлаш ҳамда молиявий ҳисоботларни юритиш ахборот тизими" (kontrakt.edu.uz).

3. Педагог фарзандларининг тўлов-контракт суммасига 30 фоиз миқдорида чегирма қўлланади ҳамда ушбу чегирилган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

4. Педагог фарзандларига мазкур чегирма ўқув йилида бир маротаба педагог отаси ёки педагог онаси учун қўлланади.

Педагогнинг бир нечта фарзанди давлат олий таълим ташкилот(лар)ида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган бўлса, уларнинг ҳар бирига алоҳида чегирмалар қўлланади.

5. Талаба (абитуриент) педагогнинг фарзанди эканлиги ёки унинг отаси (онаси) мазкур мақомдан чиқарилгани Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг тегишли ахборот тизими орқали Педагогик фаолият билан боғлиқ лавозимлар рўйхатига киритилган лавозимда фаолият юритаётгани тасдиқланган тақдирда, эътироф этилади.

6. Давлат олий таълим ташкилотларига ўқишга кирган ҳамда таҳсил олаётган педагог фарзандларининг тўлов-контракт суммасига чегирма бериш билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджети ҳисобидан ушбу Низомга 1-иловадаги схема бўйича қоплаб берилади.

2-боб. Педагоглар фарзандларини аниқлаш ва уларнинг рўйхатини шакллантириш

7. Педагог фарзандлари умумий тартибда ўқув йили учун тўлов-контракт шартномаси олиш юзасидан махсус ахборот тизими орқали ариза юборади.

8. Аризани кўриб чиқиш жараёнида ариза берувчининг педагог фарзанди эканлиги белгиланган тартибда "Рақамли ҳукумат" тизимининг идоралараро интеграциялашув платформасидан олинган маълумотлар асосида тасдиқланганда, тўлов-контракт шартномасини шакллантириш босқичида ўқув йили учун белгиланган тўлов-контракт суммасига 30 фоизлик чегирма автоматик тарзда қўлланилади.

Чегирма қўлланган тўлов-контракт шартномалари ҳисоби алоҳида юритилади.

3-боб. Педагоглар фарзандларига чегирмалар беришни расмийлаштириш

9. Давлат олий таълим ташкилотининг регистратор офиси ёки тўлов-контракт шартномаларини расмийлаштиришга масъул бўлган бўлинмаси (кейинги ўринларда – масъул бўлинма) икки иш куни мобайнида электрон тарзда юборилган аризани “Рақамли ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформасидан олинган маълумотлар асосида кўриб чиқади ва ушбу Низом талаблари асосида шартномани шакллантиради ёки аризани рад этиб, қайта ишлашга юборади.

10. Шакллантирилган шартнома қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ давлат олий таълим ташкилоти ҳамда талаба (абитуриент) томонидан электрон тарзда тасдиқланади.

11. Педагоглар фарзандларига махсус ахборот тизими орқали давлат олий таълим ташкилоти ҳамда талаба (абитуриент) томонидан имзоланган ҳамда чегирма қўлланган шартнома электрон тарзда тақдим этилади.

Бунда шартномада тўлов-контракт асосида бир йиллик ўқитиш миқдори, ушбу миқдорга нисбатан қўлланган 30 фоизлик Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб бериладиган чегирма суммаси ҳамда талаба (абитуриент) томонидан тўланадиган суммалар акс эттирилади.

4-боб. Чегирилган маблағларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қоплаш

12. Давлат олий таълим ташкилотларига тўлов-контракт асосида талабаликка тавсия этилган ҳамда таҳсил олаётган педагоглар фарзандларининг тўлов-контракт суммасига 30 фоиз миқдорда чегирма қўллаш билан боғлиқ харажатлар учун маблағлар ҳар йили марказлаштирилган тартибда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиси сифатида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига ажратилган маблағларнинг чекланган миқдорлари доирасида молиялаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан мазкур мақсадлар учун ажратилган маблағлар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида очиладиган алоҳида шахсий ҳисобварағида кўзда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига мазкур мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар бўйича харажатлар сметасини тузиш, тасдиқлаш, рўйхатдан ўтказиш ва унга ўзгартиришлар киритиш бюджет қонунчилигида белгиланган тартибда амалга оширилади.

13. Давлат олий таълим ташкилотлари томонидан ҳар ўқув йилининг 10 апрелига қадар тақдим этилган педагоглар фарзандлари рўйхатига асосан Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ўн иш куни ичида тегишли маблағларни давлат олий таълим ташкилотларининг шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказиш юзасидан Иқтисодиёт ва молия вазирлигига сўровнома тақдим этади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда маблағлар ҳар йили 1 майга қадар тегишли давлат олий таълим ташкилотларининг бюджет маблағлари бўйича шахсий ғазна ҳисобварағига ажратилади ҳамда бюджет тизими бюджетлари харажатларининг иқтисодий таснифи бўйича 48 21 190 "Бошқа харажатлар" харажатлар моддасида бир сатрда акс эттирилади.

14. Педагоглар фарзандлари учун ажратилган маблағлар давлат олий таълим ташкилотлари томонидан ўзларининг бюджетдан ташқари (тўлов-контракт) маблағлари бўйича шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказилади, сўровномада шакллантирилган рўйхат бўйича талабаларга бириктирилади ва белгиланган тартибда сарфланади.

15. Педагоглар фарзандларига ўқув йили учун тўлов-контракт суммасига 30 фоиз миқдорида бериладиган чегирмани қоплаш учун давлат олий таълим ташкилотларига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар етарли бўлмаган тақдирда, улар белгиланган тартибда идоравий мансублигига кўра тегишли вазирлик ва идораларга қўшимча бюджет маблағлари ажратилиши юзасидан мурожаат қилади.

16. Педагоглар фарзандларига ўқув йили учун тўлов-контракт суммасига 30 фоиз миқдорида бериладиган чегирма суммаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан таълим йўналишлари бўйича белгиланган тўлов-контракт (стипендиясиз) қийматига 30 фоиз эквивалент ҳисобида қопланади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

17. Давлат олий таълим ташкилоти ректори (филиал директори) педагоглар фарзандларига ўқув йили учун таълим йўналишлари бўйича белгиланган тўлов-контракт суммасига 30 фоиз миқдорида бериладиган чегирма суммасини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан белгиланган тартибда қоплаб бериш учун масъул ҳисобланади.

18. Педагог фарзандларига тўлов-контракт суммасига 30 фоиз миқдорида бериладиган чегирма суммасини тўлиқ қоплаб бериш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар тўғрисидаги маълумотлар давлат олий таълим ташкилотининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

QMMB: 09/26/501/0951-son
18.09.2026-y.

19. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланиши назорати вазирлик ва идораларнинг ички аудит ва молиявий назорат хизматлари ҳамда ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

20. Педагог фарзандларининг отаси ёки онаси педагог тоифасидан чиқарилган тақдирда, кейинги ўқув йилидан бошлаб унга чегирма қўллаш тўхтатилади.

21. Педагог фарзандларига чегирмалар тўғри белгиланишини доимий назорат қилиш давлат олий таълим ташкилоти ректори (филиал директори), масъул бўлинма бошлиғи, бош бухгалтери ва бош аудитори зиммасига юкланади.

22. Талабаларга чегирма нотўғри қўлланганда, давлат олий таълим ташкилотининг масъул бўлинмаси ҳамда бухгалтерияси томонидан чегирма қўлланган тўлов-контракт шартномаси қайта кўриб чиқилади, унга тегишли ўзгартириш киритилади ҳамда чегирилган маблағлар тўлаб берилган ҳолларда ушбу маблағларни қайтариш чоралари кўрилади.

23. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

24. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

QMMB: 09/26/501/0951-son
18.09.2026-y.

Педагогларнинг давлат олий таълим ташкилотларига
ўқишга кирган ҳамда таҳсил олаётган
фарзандларининг тўлов-контракт суммасига чегирма
бериш тартиби тўғрисидаги низомга
илова

Педагогларнинг давлат олий таълим ташкилотларига ўқишга кирган ҳамда таҳсил олаётган фарзандлари тўлов-контракт суммасига чегирма бериш билан боғлиқ харажатларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб бериш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Талаба	Махсус ахборот тизими орқали тўлов-контракт шартномасини олиш бўйича ариза юборади.	Ўз хоҳишига кўра
2-босқич	Давлат олий таълим ташкилотининг тўлов-контракт шартномаларини расмийлаштиришга масъул бўлган бўлинмаси	Электрон тарзда юборилган аризани “Рақамли ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформасидан олинган маълумотлар асосида кўриб чиқади ва Низом талаблари асосида шартномани шакллантиради ёки аризани рад этиб, қайта ишлашга юборади.	2 иш кунида
3-босқич	Давлат олий таълим ташкилотлари	Педагоглар фарзандларига ўқув йили учун тўлов-контракт суммасига 30 фоиз миқдорида бериладиган чегирмани қоплаб бериш учун педагоглар фарзандларининг рўйхатига мувофиқ ҳисоб-китобларни Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига юборади.	Ҳар ўқув йилининг 10 апрелига қадар
4-босқич	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги	Давлат олий таълим ташкилотлари томонидан тақдим этилган педагоглар фарзандлари рўйхатига асосан тегишли маблағларни олий таълим ташкилотларининг бюджет маблағлари бўйича шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказиш юзасидан Иқтисодиёт ва молия вазирлигига сўровнома тақдим этади.	10 иш кунида

QMMB: 09/26/501/0951-son
18.09.2026-y.

5-босқич	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	Белгиланган тартибда маблағларни тегишли давлат олий таълим ташкилотларининг бюджет маблағлари бўйича шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказади.	Ҳар ўқув йили учун 1 майга қадар
6-босқич	Давлат олий таълим ташкилотлари	Педагоглар фарзандлари учун ажратилган бюджет маблағлари бюджетдан ташқари (тўлов-контракт) маблағлари бўйича шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказади, сўровномада шакллантирилган рўйхат бўйича талабаларга бириктиради ва белгиланган тартибда сарфлайди.	Белгиланган муддатларда

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/502/0952-son
18.09.2026-y.

37 (1265)-son
939-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 17 » sentabr № 502 Toshkent sh.

Тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини бериш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги Қонуни 10, 42 ва 58-моддаларига мувофиқ тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини бериш тартибини белгилаш, шунингдек, тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқарувчи машинистлар масъулиятини ошириш, назорат қилиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Транспорт вазирлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва “Тошкент метрополитени” АЖнинг **2027 йил 1 январдан бошлаб** темир йўл ва метрополитен транспорти машинистларига **тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаларни** Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали бериш тўғрисидаги таклифи маъқулансин.

2. Белгилансинки:

2029 йил 1 январгача бўлган муддатда амалда тортиш ҳаракатдаги темир йўл ва метрополитен таркибини бошқариб келаётган барча машинистларнинг ушбу қарорга мувофиқ янги намунадаги тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома олиши мажбурий ҳисобланади;

2029 йил 1 январдан бошлаб ушбу қарорга мувофиқ янги намунадаги тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома олмаган машинистларга тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш тақиқланади;

Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани олиш учун тест синови шаклида имтиҳон ўтказилади.

3. Қуйидагиларни назарда тутувчи Тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини бериш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти **иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

QMMB: 09/26/502/0952-son
18.09.2026-y.

тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини берувчи машинист гувоҳномасини олиш учун мурожаат қилиш, уни кўриб чиқиш ва гувоҳномани бериш тартиби;

тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини берувчи машинист гувоҳномасининг амал қилиш муддатини узайтириш, алмаштириш, йўқолган гувоҳнома ўрнига янгисини бериш, шунингдек, гувоҳномани тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш тартиби;

тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини берувчи машинист гувоҳномасининг электрон реестрини юритиш, гувоҳномани тайёрлаш, сақлаш (ҳисобга олиш) тартиби.

4. Транспорт вазирлиги:

а) Рақамли технологиялар вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда**:

тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини бериш бўйича давлат хизматини ЯИДХП орқали кўрсатишнинг техник имкониятини яратсин;

Транспорт вазирлигининг электрон маълумотлар базасининг ЯИДХПга интеграция қилинишини таъминласин;

б) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

ушбу қарорнинг мазмуни ва моҳияти тўғрисида тегишли тадбиркорлик субъектларининг кенг хабардор қилинишини таъминласин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарор кучга кирган кундан бошлаб **икки ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Ушбу қарор **2027 йил 1 январдан** бошлаб кучга киради.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов ҳамда транспорт вазири И.Р. Махкамов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/502/0952-son
18.09.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “17” сентябрдаги 502-сон қарорига
илова

Тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини бериш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Маъмурий регламент (кейинги ўринларда – Регламент) темир йўл ва метрополитен транспортида ҳаракат таркибини бошқарувчи машинистларга тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаларни бериш бўйича давлат хизматини кўрсатиш тартибини белгилайди.

Гувоҳномалар Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт назорати инспекцияси (кейинги ўринларда – Инспекция) томонидан берилади.

2. Ушбу Регламентда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ариза берувчи – идоравий мансублиги ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, ўз фаолиятини темир йўл транспорти ва метрополитен соҳасида амалга оширадиган, гувоҳнома олишга талабгор бўлган ходимларининг ҳужжатларини тақдим этадиган юридик шахс;

машинист – тортиш ҳаракатдаги темир йўл ёки метрополитен таркибини мустақил бошқариш ҳуқуқига эга бўлган мутахассис;

машинист гувоҳномаси (кейинги ўринларда – гувоҳнома) – темир йўл ва метрополитен ташкилоти ходимининг тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат;

машинист ёрдамчиси – тегишли касбий малакага (маълумотга) ҳамда темир йўл транспорти соҳасида ўз фаолиятини амалга ошираётган ташкилот (иш берувчи) томонидан берилган амалдаги машинист ёрдамчиси гувоҳномасига эга бўлган ва ўз меҳнат фаолиятида бевосита машинистга бўйсунувчи ходим;

платформа – номзодларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш учун тест синови ўтказиладиган, фойдаланувчиларни “Face-ID” орқали аниқлайдиган ва тест синови натижалари бўйича QR-кодли маълумотнома берадиган Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг (кейинги ўринларда – Институт) электрон (ахборот) тизими;

таълим ташкилотлари – транспорт соҳаси учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш фаолиятини амалга оширувчи давлат таълим ташкилотлари ва белгиланган тартибда аттестациядан ҳамда давлат аккредитациясидан ўтган нодавлат таълим ташкилотлари;

QMMB: 09/26/502/0952-son
18.09.2026-y.

темир йўл ва метрополитеннинг тортиш ҳаракатдаги таркиби (кейинги ўринларда – тортиш ҳаракатдаги таркиб) – темир йўл ва метрополитенда поездлар ва алоҳида вагонларни тортиш, ҳаракатга келтириш ва ташиш учун мўлжалланган, локомотивлар, моторвагонли ҳаракатдаги таркиб, метрополитен поездлари, тортиш агрегатлари, локомобиллар ҳамда махсус ўзиюрар ҳаракатдаги таркиб;

тест синови – тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани олиш учун ўтказиладиган имтиҳон.

3. Қуйидагилар темир йўл ва метрополитен ташкилотининг гувоҳнома олишга талабгор бўлган ходимлари (кейинги ўринларда – номзод) ҳисобланади:

машинист ёрдамчиси;

темир йўл ва метрополитенда тортиш ҳаракатдаги таркибнинг бир туридан бошқа турини бошқариш ҳуқуқини олишга талабгорлар;

тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқи бекор қилинган машинистлар;

гувоҳномасини йўқотган ва гувоҳномасининг амал қилиш муддати тугаган машинистлар;

амалда машинист лавозимида фаолият юритаётган ва ушбу Регламент талабларига мувофиқ янги намунадаги гувоҳномани олиши талаб этиладиган машинистлар.

4. Тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини бериш бўйича давлат хизмати ушбу Регламентга **1-иловага** мувофиқ, шунингдек, тест синови ўтказмасдан янги гувоҳнома (дубликат) бериш бўйича давлат хизмати ушбу Регламентга **2-иловага** мувофиқ схема асосида кўрсатилади.

5.Тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома 10 йил муддатга берилади.

Тортиш ҳаракатдаги таркибнинг бир ёки бир нечта турини бошқариш ҳуқуқига эга машинистга бошқа турдаги тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқи берилганда, гувоҳноманинг амал қилиш муддати янги ҳуқуқ берилган санадан бошлаб, унда кўрсатилган барча турлар бўйича 10 йил этиб белгиланади.

6. Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти тизимига кирмайдиган ариза берувчилар сўровига кўра, улар томонидан тақдим этилган номзодларга берилган гувоҳномалар, уларнинг умумий фойдаланишдаги темир йўлларга чиқиш ҳуқуқини бермайди. Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

Гувоҳнома олиш учун ариза ҳар бир номзод учун алоҳида тақдим этилади.

QMMB: 09/26/502/0952-son
18.09.2026-y.

2-боб. Гувоҳнома олиш учун асосий талаблар

7. Гувоҳномани олиш учун номзодларга қуйидаги талаблар қўйилади:

темир йўл машинистининг амалдаги машинист ёрдамчиси сифатида 18 ойдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиш. Бунда тортиш ҳаракатдаги таркибга тегишли таълим йўналишлари бўйича олий маълумотга эга бўлган номзодлар учун машинист ёрдамчиси сифатида талаб этиладиган меҳнат стажи 6 ой этиб белгиланади;

метрополитен тортиш ҳаракатдаги таркиби учун чилангар сифатида 12 ойдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиш;

тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш бўйича амалиёт ўтаганлик тўғрисида далолатномага эга бўлиш;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув режа ва дастурлар асосида тегишли турдаги тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш бўйича таълим олган, машинист касбини эгаллаганлик ҳақидаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган таълим тўғрисидаги ҳужжатга эга бўлиш;

белгиланган тартибда тиббий кўрикдан ўтиш ва номзоднинг соғлиғи ҳолати унга топширилаётган ишга мувофиқлиги ҳамда айрим турдаги ишларни (бевосита поездлар ҳаракати ва манёвр ишлари билан боғлиқ ишларни) бажаришга тиббий қарши кўрсатмалар мавжуд эмаслиги тўғрисида тиббий хулосага эга бўлиш;

платформада тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини бериш учун тест синовини муваффақиятли топшириш.

8. Номзоднинг тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш бўйича амалиёт ўташи якунларига кўра, унинг амалий билим ва кўникмалари ариза берувчининг буйруғи билан ташкил этиладиган камида уч нафар аъзодан иборат комиссия томонидан баҳоланади. Бунда:

комиссия таркибига ариза берувчининг локомотив хўжалиги бўйича малакали мутахассиси, тегишли турдаги тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш бўйича камида беш йиллик иш тажрибасига эга машинисти, шунингдек, Инспекциянинг тегишли йўналишдаги мутахассиси мажбурий тартибда киритилади;

амалий билим ва кўникмаларни баҳолаш натижалари комиссиянинг барча аъзолари томонидан имзоланадиган далолатнома билан расмийлаштирилади.

3-боб. Давлат хизматини кўрсатиш

9. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (кейинги ўринларда – ЯИДХП) рўйхатдан ўтади ва ушбу Регламентга 3-иловага мувофиқ сўровномани электрон тарзда тўлдириб, маълумотларнинг тўғрилигини текширади ҳамда белгиланган тўловни амалга оширгандан сўнг сўровнома автоматик тарзда Инспекцияга юборилади.

QMMB: 09/26/502/0952-son
18.09.2026-y.

Давлат хизмати учун тўлов ахборот-коммуникация тизимлари орқали амалга оширилади.

Ариза берувчидан сўровномада кўрсатилмаган маълумотлар ва ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

10. Аризалар ЯИДХП орқали дам олиш ва ишланмайдиган байрам кунларидан қатъи назар, ҳар куни 24 соат давомида юборилиши мумкин.

Бунда аризалар иш вақтидан кейин ёки дам олиш ва ишланмайдиган байрам кунлари юборилганда, навбатдаги иш куни аризалар Инспекцияга тушган ҳамда қабул қилинган кун ҳисобланади.

11. Давлат хизматини кўрсатиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида йиғим ундирилади.

12. Йиғим суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

11,75 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги "Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази" давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида очилган махсус ҳисобварағига (жумладан, 0,5 фоизи – Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);

қолган маблағлар тенг улушларда – Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармаси ва Институтнинг банк ҳисобварағига ўтказилади.

13. Гувоҳнома олиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштириш номзоднинг иш жойида амалга оширилади. Ушбу Регламентга 3-иловага мувофиқ сўровномада назарда тутилган маълумот ва ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва тўғри расмийлаштирилиши учун ариза берувчи жавобгар ҳисобланади.

14. Гувоҳнома олиш учун тақдим қилинган ҳужжатлар Инспекцияга келиб тушгани (ҳужжатлар кўриб чиқиш учун қабул қилингани) тўғрисида ариза берувчининг шахсий кабинетига "push"-хабарнома юборилади.

4-боб. Аризани кўриб чиқиш, тест синовини ўтказиш, шунингдек, гувоҳнома бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

15. Ҳужжатлар ариза келиб тушган кундан бошлаб Инспекция томонидан ўн иш куни мобайнида кўриб чиқилади.

16. Ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганда (сўровнома ва унга илова қилинадиган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган ва (ёки) етарли бўлмаган маълумотлар мавжуд бўлганда), ариза кўриб чиқилиб, ариза берувчига ҳужжатлар қайтарилган санадан бошлаб ўн иш куни ичида камчиликларни бартараф этиш ва ҳужжатларни қайта тақдим этиш имконияти берилади.

QMMB: 09/26/502/0952-son
18.09.2026-y.

Ҳужжатларни такроран кўриб чиқишда Инспекция томонидан ариза берувчига илгари баён қилинмаган рад этиш сабаблари келтирилишига йўл қўйилмайди, илгари кўрсатилган сабаблар бартараф этилмаганини тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ рад этиш ҳолатлари бундан мустасно.

Машинистнинг тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқининг бекор қилиниши ёки бу ҳуқуқни тўхтатиб туриб, тикланмагани аризани қабул қилишни рад этиш учун асос бўлади.

17. Тақдим этилган ариза ва ҳужжатларда (маълумотларда) камчиликлар аниқланмаган тақдирда, Инспекция ушбу аризани кўриб чиқиш якунланган кундан бошлаб бир иш куни мобайнида номзод гувоҳнома олиш учун тест синови топшириладиган сана, жой, вақт ҳақида ариза берувчининг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига “push”-хабарнома юборади.

18. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга.

Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг аризаси кўрмасдан қолдирилади ва тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

19. Тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани олиш учун тест синови Инспекция ҳузуридаги имтиҳон комиссияси (кейинги ўринларда – имтиҳон комиссияси) томонидан ўтказилади, унинг аъзолари сони уч кишидан кам бўлмаслиги керак.

20. Имтиҳон комиссияси раиси, таркиби ва уларнинг вазифалари Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг буйруғи билан тасдиқланади.

21. Имтиҳон комиссиясининг таркибига Инспекциянинг тегишли соҳа ва йўналишлар бўйича мутахассис ходимлари киритилиши лозим.

22. Инспекция имтиҳон комиссияси таркибига темир йўл транспорти ташкилотларининг тегишли соҳавий бўлинмалари, корхоналари ва шуъба хўжалик жамиятлари раҳбар ходимлари ва соҳа мутахассислари, таълим ташкилотларининг соҳа ўқитувчилари ҳамда жамоатчилик вакилларини белгиланган тартибда жалб этиши мумкин.

23. Иш юритишни ташкил этиш учун Инспекция томонидан имтиҳон комиссияси аъзоси бўлмаган имтиҳон комиссияси котиби тайинланади.

24. Инспекция тест синовини ўтказиш жадвалини ҳар йил бошида тасдиқлайди.

Номзодлар сони кўп бўлганда, Институт билан келишилган ҳолда қўшимча тест синови ёки республиканинг бошқа ҳудудларида тест синови ташкил этилиши мумкин.

25. Тест синови имтиҳон комиссияси кузатувида платформада ташкил қилинади ва ўтказилади.

26. Тест синови анъанавий шаклда, яъни номзоднинг шахсан иштирокида ўтказилади. Тест синовини ўтказиш санаси, вақти ва жойи Институт билан келишилган ҳолда Инспекция томонидан белгиланади.

QMMB: 09/26/502/0952-son
18.09.2026-y.

27. Тест синовини топширишда номзод шахсини тасдиқловчи ҳужжатни (фуқаролик паспорти, идентификацияловчи ID-карта, фуқаронинг хорижга чиқиш биометрик паспорти ёки ҳайдовчилик гувоҳномаси) тақдим этади. Шахсни тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлмаган ёхуд тест синовига кечиккан номзодлар келмаган ҳисобланади ҳамда навбатдаги тест синовидан ўтадиган номзодлар рўйхатига киритилади. Бу ҳақида ариза берувчига уч иш кунидан кечиктирмай ЯИДХП орқали хабар юборилади.

28. Агар номзод тегишли тарзда хабардор қилингандан кейин тест синовини топшириш учун келмаса, номзодга давлат хизматини кўрсатиш рад этилади. Бунда давлат хизматидан фойдаланиш учун тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

Ҳужжатлар ушбу Регламентда белгиланган умумий тартибда қайта топширилади.

29. Тест синовини ўтказиш жараёнини узлуксиз равишда овозли видеотасвирга тушириш учун Институт тест синовини ташкил этган ҳолда имтиҳон хоналарини ажратади ҳамда уларни замонавий техник асбоб-ускуналар (компьютер, овозли видеокамера, Интернет жаҳон ахборот тармоғи ва бошқалар) билан таъминлаб, номзодлар учун тегишли шарт-шароитлар яратади.

30. Тест синови жараёнида номзодлар томонидан мобил алоқа воситаси, компьютер ёки бошқа алоқа ва телекоммуникация воситалари, китоб, луғат, шпаргалка ва бошқа материаллар олиб кириш ҳамда улардан фойдаланиш, шунингдек, бошқа номзодлар билан суҳбатлашиш тақиқланади.

Бунда ушбу тақиқланган материалларни олиб кирган ёки улардан фойдаланган, ёхуд тест синови вақтида бошқа номзодлар билан суҳбатлашган номзод тест синовини ўтказиш тартибини бузган деб ҳисобланади ҳамда далолатнома асосида тест синовидан четлаштирилади.

Тест синови жараёнлари Инспекциянинг расмий веб-сайти орқали онлайн трансляция қилинади.

Тест синови жараёнлари овозли видеокузатув камераси орқали ёзиб олинади ва Институтда бир йил сақланади.

31. Тест синовининг саволлар тўплами (базаси) темир йўл ва метрополитеннинг тортиш ҳаракатдаги таркибининг ҳар бир тури, серияси бўйича алоҳида тузилади.

Тест синовида гувоҳнома олиш учун номзодга бериладиган саволлар тўплами (базаси) машинист мажбуриятлари, функциялари, вазифалари ва малака талабларига ҳамда соҳага оид қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Инспекция томонидан ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан тасдиқланади ҳамда унинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

Инспекция томонидан тест синови саволлари доимий янгилаб борилади ҳамда тест синови материалларини ва саволларини шакллантириш учун давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари, илмий-тадқиқот муассасалари ва бошқа ташкилотлардан малакали мутахассислар, шунингдек, маҳаллий ва хорижий экспертлар шартнома асосида жалб этилиши мумкин.

QMMB: 09/26/502/0952-son
18.09.2026-y.

32. Тест синови давомида номзоднинг натижалари (тест синови натижалари) 100 балли тизимда баҳоланади. Тест синови 50 та тест саволини ўз ичига олади ва ҳар бир тўғри жавоб 2 баллни ташкил қилади.

Тест синови натижалари тест синови варақасига киритилади.

Агар номзод тест синови натижалари бўйича камида 80 балл тўпласа, имтиҳон комиссияси томонидан номзод тест синовидан муваффақиятли ўтган деб ҳисобланади ва унга гувоҳнома расмийлаштириш ҳақида қарор қабул қилинади. Бунда юқори тезликдаги тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини олиш учун номзодлар тест синовида камида 90 балл тўплаши лозим.

33. Тест синовини топширувчи номзодлар тест топшириқларини бажаришни якунлагач, тест синови натижаси инсон омилисиз, платформа орқали шу вақтнинг ўзида маълум қилинади.

34. Тест синовидан ўта олмаган (ундан четлаштирилган) номзодга белгиланган йиғим ундирилмасдан уни қайта топшириш учун бир маротаба имконият берилади ва кейинги бўлиб ўтадиган тест синовига қўйилади.

35. Иккинчи маротаба берилган имкониятдан ҳам фойдалана олмаган (тест синовидан муваффақиятли ўта олмаган) номзод ушбу Регламентда белгиланган тартибда қайта тест синовини топширади.

36. Тест синовини топширмаган номзод гувоҳнома билан бериладиган ҳуқуқларга мувофиқ ўз вазифаларини бажаришга ариза берувчи томонидан қўйилмайди. Ариза берувчи томонидан ушбу ходимни машинист лавозимида фаолият олиб бориш учун, шу жумладан, уни аккредитациядан ўтган таълим ташкилотларида машинистларни тайёрлаш (қайта тайёрлаш) бўйича ўқув курсларга ўқишга юбориш тўғрисида қарор қабул қилинади.

37. Тест синовини муваффақиятли топширган номзодларга Инспекция томонидан гувоҳнома расмийлаштирилади. Гувоҳномада тест синови топширилган тортиш ҳаракатдаги таркибнинг тури кўрсатилади.

Гувоҳномадаги ёзувлар Инспекция томонидан махсус техник воситаларда босилади.

38. Гувоҳнома тўғрисидаги маълумотлар гувоҳномаларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш китобига киритилади. Гувоҳноманинг серияси лотин алифбосидаги “MG” ҳарфларидан, тартиб рақами эса кетма-кет бериладиган ва такрорланмайдиган олти хонали рақамдан иборат бўлади.

39. Гувоҳнома бериш тўғрисида қарор қабул қилингани ҳақидаги хабарнома ариза берувчига электрон шаклда юборилади.

40. Гувоҳнома Инспекция томонидан тест синовидан муваффақиятли ўтган номзоднинг шахсан ўзига, шахсини тасдиқловчи ҳужжатини (фуқаролик паспорти, идентификацияловчи ID-карта, фуқаронинг хорижга чиқиш биометрик паспорти ёки ҳайдовчилик гувоҳномаси) тақдим этганда, гувоҳномаларни бериш китобига шахсан имзо қўйдирган ҳолда берилади.

Машинист бошқа турдаги тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини олиш учун амалдаги гувоҳномасини тақдим этиши керак.

QMMB: 09/26/502/0952-son
18.09.2026-y.

Гувоҳнома ишончнома асосида берилмайди.

41. Инспекция гувоҳнома берилишининг асослангани, тўғри тўлдирилгани ҳамда гувоҳномаларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш китоби юритилиши учун жавоб беради.

42. Номзод тест синовида талаб қилинадиган натижа қайд этмаган ёки тест синовидан четлаштирилган бўлса, гувоҳнома бериш рад этилади.

Гувоҳнома беришни бошқа асосларга кўра, шу жумладан, мақсадга мувофиқ эмас, деган важлар билан рад этишга йўл қўйилмайди.

43. Ариза берувчи гувоҳнома беришнинг рад этилиши, шунингдек, Инспекция мансабдор шахсининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

5-боб. Гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, уни алмаштириш ва йўқолган гувоҳнома ўрнига дубликат бериш

44. Гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугагач, у ариза берувчининг аризасига кўра алмаштирилиши керак. Гувоҳномани янгисига алмаштириш тўғрисидаги ариза Инспекцияга гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугагунга қадар берилиши лозим. Амал қилиш муддати тугаган гувоҳнома ушбу Регламентга 1-иловага мувофиқ схема асосида алмаштирилади.

45. Аввал берилган гувоҳнома ўрнига тест синови ўтказмасдан янги гувоҳнома (дубликат) олиш учун ЯИДХП орқали ариза берувчи Инспекцияга қуйидаги ҳолатларда мурожаат қилади ва гувоҳнома ушбу Регламентга 2-иловага мувофиқ схема асосида берилади:

а) гувоҳнома эгасининг шахсга доир маълумотлари ўзгарганда;

б) техник хатолар ва ёзувдаги хатоларни тузатишда;

в) гувоҳнома эскиргани, шикастлангани ва унда (ёки унинг бир қисмида) кўрсатилган маълумотларни кўз билан кўриб аниқлаш мумкин эмаслиги оқибатида кейинчалик фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келган бўлса;

г) ариза берувчидан гувоҳнома йўқолгани тўғрисида ариза тушган бўлса.

Янги гувоҳнома (дубликат) берилганда, аввал берилган гувоҳноманинг амал қилиш муддати кўрсатилади.

Янги гувоҳнома (дубликат) берилгани учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,5 баравари миқдорида йиғим ундирилади, ушбу бандниг “б” кичик бандидаги ҳолат бундан мустасно.

46. Ушбу Регламентнинг 45-бандида келтирилган ҳолатлар бўйича гувоҳнома берилганда, йиғим суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

QMMB: 09/26/502/0952-son
18.09.2026-y.

11,75 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида очилган махсус ҳисобварағига (жумладан, 0,5 фоизи – Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);

қолган маблағлар – Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармасига ўтказилади.

47. Гувоҳнома йўқолганда, ариза берувчи ҳар бир алоҳида ҳолат бўйича хизмат текширувини ўтказади. Хизмат текширувини ўтказиш учун ариза берувчи ташкилотнинг раҳбар ва мутахассис ходимларидан камида уч кишидан иборат комиссия тайинланади. Бунда йўқолган гувоҳноманинг эгаси комиссия раисига гувоҳноманинг йўқолгани тўғрисида ёзма ариза тақдим этиши шарт, унда содир бўлган ҳодиса батафсил баён қилиниши лозим.

Текшириш материаллари бўйича комиссия томонидан йўқолган гувоҳноманинг эгасига янги гувоҳнома бериш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса билан далолатнома тузилади.

Йўқолган гувоҳнома эгаси гувоҳномани тиклагунга (дубликат олгунга) қадар ариза берувчи томонидан тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқаришдан вақтинча четлаштирилиши шарт.

48. Йўқолган гувоҳноманинг эгаси тўғрисида расмийлаштирилган ҳужжатлар (гувоҳнома эгасининг аризаси, йўқолган гувоҳноманинг рақами, Инспекция томонидан берилган санаси кўрсатилган ҳолда гувоҳнома эгасининг шахсий ҳужжатлари, машинистнинг иш фаолияти тўғрисида маълумотнома) ариза берувчи томонидан Инспекцияга янги гувоҳнома бериш учун сўровномага илова қилинади.

Йўқолган гувоҳнома ўрнига янги гувоҳнома Инспекция томонидан тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқи бекор қилинган машинистлар гувоҳномалари маълумотлар базаси бўйича текширилгандан кейин ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатда берилади.

49. Аввалги гувоҳнома янгисига алмаштирилгандан кейин Инспекция томонидан тегишли далолатнома билан расмийлаштирилган ҳолда йўқ қилинади.

Янги гувоҳнома гувоҳномаларни рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга олиш ва бериш китобига унинг эгасига шахсан имзо қўйдирган ҳолда берилади.

6-боб. Гувоҳномани тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш

50. Қуйидаги ҳолатлар гувоҳноманинг амал қилишини Инспекция томонидан тўхтатиб туришга асос ҳисобланади:

тиббий комиссия хулосаси асосида машинистнинг соғлиғи бўйича тиббий қарши кўрсатмалар мавжуд бўлса;

QMMB: 09/26/502/0952-son
18.09.2026-y.

машинист томонидан ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги талаблари бузилган тақдирда (ҳодисанинг таснифига қараб поездлар ҳалокати, авария, ишдаги алоҳида ҳодисалар, ишдаги ҳодисаларда);

машинистнинг фаолияти билан боғлиқ жиноий қилмиш тўғрисидаги ишни юритиш вақтида;

Инспекция томонидан белгиланган тартибда ўтказиладиган текширишлардан бўйин товлаганда;

машинистнинг иш вақтида гувоҳномаси ёнида бўлмаганида.

51. Гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш муддати 90 суткадан ошмаслиги лозим.

52. Гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш учун қуйидагилар асос бўлади:

гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугаганда;

тортиш ҳаракатдаги таркибни 2 йилдан ортиқ узлуксиз бошқармаса;

тиббий хулосага кўра машинист сифатида ишлашга яроқсиз деб топилганда;

гувоҳнома эгаси вафот этганда.

53. Гувоҳномани бекор қилиш учун қуйидагилар асос бўлади:

ушбу Регламентнинг 50-бандида кўрсатилган гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш учун асос бўлган ҳолатлар бартараф этилмаган бўлса;

ариза берувчининг гувоҳномани бекор қилиш тўғрисидаги аризасига мувофиқ;

тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш натижасида машнистнинг айби билан фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилган ёки бундай зарар етказилиши реал хавфи юзага келганда;

машинистнинг фаолияти билан боғлиқ жиноят иши доирасида суднинг ҳукми қонуний кучга кирганда;

машинистнинг алкоголли ичимликдан, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсиридан мастлик ҳолатида ишга келганида ёки ишда бўлганида.

54. Гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш тўғрисидаги қарорда (кўрсатмада) қуйидагилар кўрсатилади:

қарор қабул қилинган сана;

қарорни қабул қилган Инспекция мансабдор шахсининг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими;

машинистнинг фамилияси, исми, отасининг исми, иш жойи (юридик шахснинг номи), унинг гувоҳнома рақами;

гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилишнинг асоси, шунингдек, тўхтатиб туриш муддати;

қарор устидан шикоят қилиш тартиби;

қарорни тузган Инспекция мансабдор шахсининг электрон рақамли имзоси ёки электрон график имзоси ҳамда QR-код (матрик штрихли код).

QMMB: 09/26/502/0952-son
18.09.2026-y.

Гувоҳноманинг амал қилиши қарор қабул қилинган кундан бошлаб тўхтатилади (тугатилади ёки бекор қилинади).

55. Машинист Инспекциянинг мансабдор шахси томонидан расмийлаштирилган гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш тўғрисидаги қарорга (кўрсатмага) электрон график имзосини қўяди. Бунда Инспекциянинг мансабдор шахси машинистга нисбатан белгиланган тартибда интизомий жазо чораларини кўриш учун қарорни (кўрсатмани) у фаолият юритаётган ташкилот раҳбарига юборади ва гувоҳномани олиб қўяди.

56. Гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш муддати давомида ушбу Регламентнинг 50-бандида назарда тутилган гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш учун асос бўлган ҳолатлар бартараф этилгандан сўнг гувоҳнома қайтариб берилади.

57. Гувоҳнома бериш ёки уни беришни рад этиш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки бекор қилиш тўғрисидаги маълумотлар Инспекция томонидан юритиладиган гувоҳномаларнинг электрон реестрига тегишли равишда қарор қабул қилинган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида киритилади.

7-боб. Гувоҳнома эгасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

58. Гувоҳнома эгаси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

гувоҳномада кўрсатилган турдаги тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш;

тортиш ҳаракатдаги таркибда ҳаракат хавфсизлигига таҳдид солувчи носозлик аниқланганда, уни ҳаракатга чиқаришни рад этиш ёки ҳаракатини тўхтатиш ҳамда бу ҳақида ваколатли мансабдор шахсни хабардор қилиш;

малака ошириш, қайта тайёрлаш ва касбий билимларини ошириш курсларида ўқиш;

гувоҳномани бериш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки бекор қилиш тўғрисидаги қарор устидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш.

Гувоҳнома эгаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

59. Гувоҳнома эгасига қуйидаги мажбуриятлар юкланади:

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув дастури асосида уч йилда камида бир марта малакасини ошириб бориш;

ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш;

касбий билим ва кўникмалари, амалий тайёргарлик ҳамда иш фаолиятини малакали амалга ошириш;

QMMB: 09/26/502/0952-son
18.09.2026-y.

бир йилда камида бир маротаба, юқори тезликдаги тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқига эга машинистлар эса олти ойда камида бир маротаба тиббий кўрикдан ўтиш;

соғлиғи ёмонлашганда, гувоҳномадан фойдаланишни тўхтатиш;

рейс (сафар) давомида гувоҳномада кўрсатилган турдаги тортиш ҳаракатдаги таркибда ўз лавозим мажбуриятларини бажариш.

60. Гувоҳнома эгасига қуйидаги ҳолларда ўз функционал вазифаларини бажаришига йўл қўйилмайди:

гувоҳнома бўлмаганда;

гувоҳномада тузатишлар мавжуд бўлганда;

гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугаганда;

гувоҳнома машинистнинг ёнида бўлмаганда (тақдим қилмаганда);

гувоҳнома қалбаки бўлганда;

гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатиб турилганда.

61. Машинистлар ўз хизмат вазифаларини бажариш давомида гувоҳномалари ёнида бўлиши ва уни Инспекциянинг масъул ходими талабига кўра тақдим қилиши лозим.

8-боб. Тест синови натижалари бўйича апелляция шикоятларини кўриб чиқиш

62. Номзодларнинг (гувоҳнома эгаларининг) шикоятларини кўриб чиқиш учун Инспекция раҳбарининг буйруғи билан камида беш нафар мутахассисдан иборат таркибда Апелляция комиссияси ташкил этилади. Бунда:

Апелляция комиссияси таркибига бошқа давлат органлари ва ташкилотларидан ҳам мутахассислар келишув асосида жалб этилиши мумкин;

тест синовини ўтказишга масъул бўлган комиссия аъзоларининг Апелляция комиссияси таркибига киритилишига йўл қўйилмайди.

63. Тест синови натижаларидан норози бўлган номзодлар (гувоҳнома эгаларининг) унинг натижалари эълон қилинган кундан бошлаб ўн беш иш куни мобайнида Апелляция комиссиясига электрон шаклда апелляция шикояти бериши мумкин.

Бунда Апелляция комиссияси апелляция шикояти билан мурожаат қилган номзодни (гувоҳнома эгасини) шикоят кўриб чиқилишидан икки иш куни олдин уни кўриб чиқиш вақти ва жойи ҳақида огоҳлантиради.

64. Апелляция комиссияси апелляция шикоятини, у келиб тушган кундан бошлаб беш иш куни ичида кўриб чиқади. Бунда апелляция шикояти билан мурожаат қилган номзод (гувоҳнома эгаси) мазкур шикоятни кўриб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

65. Апелляция комиссияси унда аъзоларнинг камида учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади. Апелляция комиссиясининг қарори оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва мажлисда иштирок этган барча аъзолар томонидан тасдиқланадиган баённома билан расмийлаштирилади.

QMMB: 09/26/502/0952-son
18.09.2026-y.

Берилган овозлар сони тенг бўлиб қолган тақдирда, Апелляция комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

66. Апелляция комиссияси тест синови жараёнида номзоднинг (гувоҳнома эгасининг) берган жавоблари ва видеотасвирларини кўриш орқали текширувдан ўтказади. Апелляция комиссияси томонидан апелляция шикоятини кўриб чиқиш давомида номзодга (гувоҳнома эгасига) уни қайта баҳолашга қаратилган саволлар берилишига йўл қўйилмайди.

67. Шикоятни кўриб чиқиш натижалари бўйича Апелляция комиссияси томонидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

тест синови натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляциянинг қаноатлантирилишини рад этиш;

тест синовлари натижаларини ўзгартириш ва апелляцияни қаноатлантириш.

68. Апелляция комиссияси апелляция шикояти билан мурожаат этган номзодга (гувоҳнома эгасига) ўз қарорини уни қабул қилган куннинг ўзида маълум қилиши керак.

69. Апелляция комиссияси қарори устидан номзод юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиши мумкин.

9-боб. Гувоҳномаларнинг электрон реестрини юритиш

70. Инспекция томонидан берилган гувоҳномаларнинг электрон реестри юритилади ва Инспекциянинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

71. Гувоҳномаларнинг электрон реестрида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

ариза берувчининг номи, жойлашган жойи (почта манзили) ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, телефон рақами;

гувоҳнома берилган сана, амал қилиш муддати ва унинг рақами;

номига гувоҳнома берилган ариза берувчи ходимининг фамилияси, исми ва отасининг исми;

бошқаришга гувоҳнома берилган тортиш ҳаракатдаги таркиб тўғрисидаги маълумотлар (тортиш тури, серияси ва бошқалар);

гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатиб турилгани, бекор қилингани, тиклангани, шунингдек, тугатилганининг асоси ва санаси;

гувоҳноманинг дубликатини беришнинг асоси ва санаси.

10-боб. Гувоҳномани тайёрлаш, ҳужжатларни сақлаш (ҳисобга олиш)

72. Гувоҳнома бланкаси ушбу Регламентга 4-иловада келтирилган намунага мувофиқ пластик карточка шаклида, Инспекциянинг буюртманомаси асосида, уни тайёрлаш ҳуқуқига эга бўлган ташкилот томонидан ишлаб чиқарилади.

QMMB: 09/26/502/0952-son
18.09.2026-y.

73. Гувоҳномалар рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш китобида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

74. Тўлдирилмаган гувоҳномалар қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар сифатида сақланади.

75. Тўлдириш (ёки чоп этиш) жараёнида бузилган гувоҳномалар далолатнома расмийлаштирилгандан кейин Инспекция томонидан белгиланган тартибда йўқ қилинади.

76. Тест синовини ўтказиш ва гувоҳнома бериш билан боғлиқ барча иш юритиш ҳужжатлари (тест синови варақалари, баённомалар, далолатномалар) Инспекция томонидан тасдиқланган намуналар асосида юритилади.

77. Янги гувоҳнома (дубликат) берилгандан кейин топилган гувоҳномалар, вафот этган шахснинг гувоҳномаси ва эски намунадаги гувоҳномалар Инспекция томонидан белгиланган тартибда йўқ қилинади.

78. Тест синови варақалари ва имтиҳон комиссияси баённомалари ўн йил, гувоҳномаларни рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга олиш ва бериш китоблари эса олтмиш йил давомида Инспекцияда сақланади.

11-боб. Якунловчи қоидалар

79. Давлат хизматини кўрсатиш жараёнида иштирок этувчи ваколатли органлар ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

80. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, унинг ҳудудий органлари ушбу Регламент талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини, шу жумладан, ЯИДХП орқали доимий назорат ва мониторинг қилиб боради.

81. Ариза берувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

82. Ушбу Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

QMMB: 09/26/502/0952-son
18.09.2026-y.

Тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини бериш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентига 1-илова

Тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини бериш бўйича давлат хизматини кўрсатиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи – юридик шахс	1. Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (ЯИДХП) рўйхатдан ўтади. 2. Электрон шаклдаги сўровномани тўлдиради, ҳужжатларни электрон шаклда илова қилади. 3. Давлат хизматидан фойдаланиш учун белгиланган миқдордаги йиғимни тўлайди.	Хоҳишига кўра
2-босқич	ЯИДХП	Сўровнома Транспорт назорати инспекциясига (Инспекция) юборилади.	Автоматик тарзда
3-босқич	Транспорт назорати инспекцияси (имтиҳон комиссияси)	1. Ҳужжатларни ЯИДХП орқали қабул қилади. 2. Ариза ва ҳужжатларни (маълумотларни) кўриб чиқади.	10 иш кунида
4-босқич	Транспорт назорати инспекцияси (имтиҳон комиссияси), Транспорт соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти	Транспорт назорати инспекцияси Транспорт соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида тест синовини ўтказиш, унинг натижалари бўйича ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштириш, гувоҳнома бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисидаги тегишли баённомани расмийлаштиради.	Тасдиқланган жадвалга мувофиқ
5-босқич	Транспорт назорати инспекцияси	Гувоҳномани тақдим этади.	1 иш кунида

QMMB: 09/26/502/0952-son
18.09.2026-y.

Тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини бериш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентига 2-илова

Тест синови ўтказмасдан янги гувоҳнома (дубликат) бериш бўйича давлат хизматини кўрсатиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи – юридик шахс	1. Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (ЯИДХП) рўйхатдан ўтади. 2. Электрон шаклдаги сўровномани тўлдиради, ҳужжатларни электрон шаклда илова қилади. 3. Давлат хизматидан фойдаланиш учун белгиланган миқдордаги йиғимни тўлайди.	Хоҳишига кўра
2-босқич	ЯИДХП	Сўровнома Транспорт назорати инспекциясига (Инспекция) юборилади.	Автоматик тарзда
3-босқич	Транспорт назорати инспекцияси	1. Тушган сўровнома ва илова қилинган ҳужжатларнинг тўғри ва тўлиқ тўлдирилганини кўриб чиқади. 2. Гувоҳнома бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисида тегишли қарор қабул қилади. 3. Мурожаатни кўриб чиқиш натижалари бўйича ариза берувчининг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига хабар юборади.	5 иш куни ичида
4-босқич	Транспорт назорати инспекцияси	Гувоҳномани тақдим этади.	1 иш кунида

QMMB: 09/26/502/0952-son
18.09.2026-y.

Тортиш ҳаракатдаги таркибни
бошқариш ҳуқуқини бериш бўйича
давлат хизматини кўрсатишнинг
маъмурий регламентига
3-илова

Тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини бериш бўйича СЎРОВНОМА

I. Ариза берувчи ва номзод тўғрисидаги маълумотлар	
1. Юридик шахснинг номи*	
2. Юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли*	
3. Юридик шахснинг манзили (жойлашган жойи)*	
4. Юридик шахснинг почта манзили	
5. Гувоҳнома олишга номзод бўлган ходимнинг фамилияси, исми ва отасининг исми*	
6. Номзоднинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР)	
7. Номзоднинг туғилган санаси*	
8. Тортиш ҳаракатдаги таркибнинг тури	
9. Номзодда илгари олинган гувоҳноманинг мавжудлиги, унинг ким томонидан ва қачон берилгани	
10. Номзоднинг телефон рақами	
11. Номзоднинг электрон почта манзили (мавжуд бўлса)	
12. Номзоднинг иш стажи*	
II. Сўровномага илова қилинадиган ҳужжатлар	
1. Таълим ташкилотида машинист касбини эгаллаганлик ҳақидаги давлат томонидан тасдиқланган намунадаги таълим тўғрисидаги ҳужжат ёки тегишлилиги бўйича малака паспорти (сертификати)	
2. Номзоднинг тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш бўйича амалиёт ўтагани тўғрисида далолатнома	
3. Номзодда ҳаракат ва манёвр ишлари билан бевосита боғлиқ ишларни бажаришга тиббий қарши кўрсатмалар мавжуд эмаслиги тўғрисидаги тиббий хулоса	
4. Гувоҳнома йўқолганлиги ҳолатини тасдиқловчи ҳужжатлар**	

**) Ушбу маълумотлар "Рақамли ҳукумат" тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали мустақил равишда олинади.*

***) Дубликат гувоҳнома олиш учун 4-позициядаги ҳужжатлар илова қилиниши талаб этилади.*

Изоҳ. *Сўровномага илова қилинадиган ҳужжатлар PDF, PNG ёки JPEG форматида юкланади.*

Тест синови ўтказмасдан янги гувоҳнома (дубликат) беришда тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш бўйича амалиёт ўтагани тўғрисида далолатнома талаб этилмайди.

QMMB: 09/26/502/0952-son
18.09.2026-y.

Тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш
ҳуқуқини бериш бўйича давлат хизматини
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
4-илова

НАМУНА

Тортиш ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳуқуқини берувчи
ГУВОҲНОМА

(олд томони)

O‘ZBEKISTON
УЗБЕКИСТАН
UZBEKISTAN

MASHINIST GUVOHNOMASI

УДОСТОВЕРЕНИЕ МАШИНИСТА TRAIN DRIVER LICENCE

Mashinist rasmi

1. FAMILIYASI
2. ISMI, OTASINING ISMI
3. TUG‘ILGAN JOYI VA SANASI

4a. BERILGAN SANASI
4b. AMAL QILISH MUDDATI
4d. KIM TOMONIDAN BERILGAN
4e. JSHSHIR
5. GUVOHNOMA RAQAMI
8. TORTISH HARAKATDAGI TARKIB TURI

6.
7. SHAXSIY IMZO

SERIYA RAQAMI

UZ

QMMB: 09/26/502/0952-son
18.09.2026-y.

(орқа томони)

1.	Familiyasi / Фамилия / family name
2.	Ismi, otasining ismi / Имя, отчество / Given name
3.	Tug‘ilgan sanasi / Дата рождения / Date of birth
4a.	Berilgan sanasi / Дата выдачи / Date of issue
4b.	Amal qilish muddati / Действительно до/Date of Expiry
4d.	Kim tomonidan berilgan / Кем выдано / Issuing authority
4e.	JSHSHIR / ПИН ФЛ / Personal ID number
5.	Guvohnoma raqami / Номер Свидетельства / licence Number
6.	Mashinist rasmi / Фото машиниста / Driver’s photo
7.	Shaxsiy imzo / Личная подпись / Personal signature
8.	Tortish harakatdagi tarkib turi / Вид тягового железнодорожного подвижного состава / Type of traction railway rolling stock
9.	Amal qilish muddati / Срок действия / Expiration date

5. GUVOHNOMA RAQAMI

8. TORTISH HARAKATDAGI TARKIB TURI		9. AMAL QILISH MUDDATI
Lokomotivlar:		
A	Teplovoz	
B	Elektrovoz	
Motorvagonli harakatdagi tarkib (MVHT):		
C	Yuqori tezlikdagi elektropoyezd	
D	Elektropoyezd	
E	Metropoliten elektropoyezdi	
F	Dizelli poyezd	
Yo‘l mashina va mexanizmlari (o‘ziyurar)		
G	Avtodrezina, motovoz, avtomotrissa	
H	Yo‘l mashina va mexanizmlarining (o‘ziyurar) boshqa turlari	
Alohida belgilar uchun Для особых отметок For special marks		

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

37 (1265)-son
940-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 18 » sentabr № 503 Toshkent sh.

Ўзбекистон халқаро исломшунослик академиясининг “Диний маърифий соҳа менежменти” магистратура мутахассислигига қабул қилиш тартибини белгилаш тўғрисида

Диний-маърифий соҳада илғор билим ва кўникмаларга эга юқори малакали ва истиқболли кадрларни тайёрлаш, уларни диний-маърифий фаолиятга самарали жалб этиш, шунингдек, илмий ва инновацион фаолиятни тизимли ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг (кейинги ўринларда – Вазирлик) Ўзбекистон халқаро исломшунослик академиясида (кейинги ўринларда – Академия) диний-маърифий соҳада бошқарув кадрларини тайёрлаш мақсадида “Диний-маърифий соҳа менежменти” магистратура мутахассислиги бўйича қабулни диний-маърифий соҳада **камида икки йиллик** иш тажрибасига эга бўлган талабгорлар орасидан суҳбат асосида амалга ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон халқаро исломшунослик академиясида “Диний-маърифий соҳа менежменти” магистратура мутахассислиги бўйича ўқиш кундузги таълим шаклида амалга оширилсин ҳамда ўқиш давомийлиги **бир йил** этиб белгилансин.

3. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон халқаро исломшунослик академиясининг “Диний-маърифий соҳа менежменти” магистратура мутахассислигига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом **иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

магистратурага қабулни белгиланган тартибда тасдиқланган қабул параметрлари асосида Дин ишлари бўйича қўмита томонидан тақдим этилган номзодлар ўртасида **суҳбат** асосида амалга ошириш;

бунда, магистратурага номзодлар – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг тавсиясига асосан **диний-маърифий соҳада** камида **икки йиллик иш стажига эга бўлган ходимлар** ҳисобланади.

4. Ўзбекистон халқаро исломшунослик академиясининг “Диний-маърифий соҳа менежменти” магистратура мутахассислигига 2026/2027 ўқув йили учун республика олий таълим ташкилотларига ажратилган давлат буюртмаси параметрлари доирасида вакант қолган ўринлар ҳисобидан **10** та давлат гранти ўрни ажратилсин.

5. Дин ишлари бўйича қўмита:

Ўзбекистон халқаро исломшунослик академиясининг “Диний-маърифий соҳа менежменти” магистратура мутахассислигига 2026/2027 ўқув йили учун қабул истисно тариқасида **2026 йил 1 октябрга қадар**, 2027/2028 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон халқаро исломшунослик академиясининг “Диний-маърифий соҳа менежменти” магистратура мутахассислигига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган муддатларда амалга оширилишини таъминласин;

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда “Диний-маърифий соҳа менежменти” магистратура мутахассислиги бўйича давлат буюртмаси асосида ўқишга қабул қилиш параметрларини ажратиш юзасидан таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **икки ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси раиси С.Д. Тошбоев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 18 ” сентябрдаги 503 -сон қарорига
илова

Ўзбекистон халқаро исломшунослик академиясининг “Диний-маърифий соҳа менежменти” магистратура мутахассислигига қабул қилиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси (кейинги ўринларда – Академия)нинг “Диний-маърифий соҳа менежменти” магистратура мутахассислигига (кейинги ўринларда – магистратура) қабул қилиш тартибини белгилайди.

2. Диний-маърифий соҳада юқори малакали бошқарув кадрлари ва мутахассисларни тайёрлаш диний-маърифий соҳада камида икки йиллик иш стажига эга бўлган талабгорлар орасида амалга оширилади.

3. Магистратурага қабул белгиланган тартибда тасдиқланган ўқишга қабул қилиш параметрларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси (кейинги ўринларда – Қўмита) томонидан тақдим этилган номзодлар ўртасида суҳбат натижаларига мувофиқ танлов ўтказиш орқали амалга оширилади.

4. Магистратурага қабул қонунийлик, холислик, шаффофлик, коллегиаллик ва тенг ҳуқуқлилик тамойиллари асосида ташкил этилади.

5. Магистратурага Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг тавсиясига асосан олий маълумотли ва диний-маърифий соҳада камида икки йиллик иш тажрибасига эга бўлган ходимлари орасидан суҳбат натижаларига кўра энг юқори балл олган номзодлар қабул қилинади.

6. Магистратурага қабул ушбу Низомга иловадаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

7. Магистратурага қабул қилинган шахсларнинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

2-боб. Номзодларни саралаб олиш тартиби

8. Магистратурага қабулни ташкил этиш ва ўтказиш учун **ҳар йили 1 февралга қадар** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосарлари раислигида Ўзбекистон мусулмонлари идораси билан келишилган ҳолда номзодларни дастлабки саралаб олиш бўйича идоравий комиссия (кейинги ўринларда – Идоравий комиссия) тузилади.

9. Номзодларни танлашда қуйидаги мезонларга эътибор қаратилади:

ҳудуднинг бошқарув кадрларига бўлган жорий ва истиқболдаги талаб ва эҳтиёжларига мос бўлиши;

республикада амалга оширилаётган ислоҳотлар ва сиёсий-ҳуқуқий жараёнлардан хабардорлиги, қонунчилик ҳужжатлари бўйича зарур билимларга эга бўлиши;

ўз вазифасига масъулият билан ёндашиши, ташаббускорлиги, изланувчанлиги, маданий-маърифий ва маънавий савияси даражасини ошириб бориши, ўз устида мунтазам ишлайдиган, муомала маданияти ва аҳоли билан мулоқот қилиш кўникмасининг шаклланган;

ахборот-коммуникация технологияларидан фойдалана олиши ҳамда хорижий тиллардан бирини (инглиз тили, араб тили ва шу кабилар) билиши.

Мазкур бандда назарда тутилган мезонларни баҳолаш учун Идоравий комиссия томонидан соҳа бўйича мутахассислар, мустақил экспертлар жалб қилиниши ҳамда суҳбат, тест ва бошқа турдаги баҳолаш усуллари қўлланилиши мумкин. Бунда ҳар бир қўлланиладиган усул ва натижалар Идоравий комиссиянинг қарори билан қабул қилинади.

10. Танловда иштирок этиш истагини билдирган номзод Идоравий комиссияга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат нусхаси (ёки дипломдан кўчирма нусха – олий таълим ташкилотларини давлат гранти бўйича ўқиб тугатганлар учун) ҳамда унга илова нусхаси;

номзоднинг охирги икки йил мобайнидаги фаолияти давомида амалга оширган ижобий ишлари ҳақидаги маълумот (1-2 варақда, тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда);

маълумотнома-объективка (маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда);

номзоднинг қўшимча эришган ютуқлари, хусусан илмий даражаси, илмий унвони (агар мавжуд бўлса);

хорижий тилни билиш бўйича белгиланган даражадаги сертификат нусхаси.

11. Идоравий комиссия номзодларнинг ҳужжатларини белгиланган талабларга мувофиқлигини ўрганиб чиқади ва номзодларни саралаб олиш якуни бўйича қарор қабул қилади.

Тавсия этилган номзодлар ҳақидаги маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш Идоравий комиссия зиммасига юклатилади.

3-боб. Магистратурага қабул қилиш учун номзодларни тавсия этиш

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси **ҳар йили 1 майга қадар** номзодлар рўйхати, уларнинг ҳар бирига алоҳида тавсиянома ҳамда ҳужжатлари тўпламини Қўмитага тақдим этади.

13. Тавсия этилган номзодлар мазкур Низомда белгиланган талабларга мослигига қараб Қўмита томонидан саралаб олинади.

14. Номзодларни саралаб олишни ташкил этиш Қўмита томонидан тасдиқланадиган Ишчи комиссия томонидан амалга оширилади.

Қўмита **ҳар йили 1 июнга қадар** саралаш натижалари асосида номзодларни ҳамда уларнинг ҳужжатларини Академияга тақдим этади.

4-боб. Магистратурага ҳужжатларни қабул қилиш ва номзодларни суҳбатдан ўтказиш тартиби

15. Магистратурага қабулни ташкиллаштириш ва ҳужжатларни қабул қилиш учун **ҳар йили 20 майга қадар** Академия ректорининг буйруғи билан унинг раислигида қабул комиссияси (кейинги ўринларда – Қабул комиссияси) тузилади. Қабул комиссияси фаолиятини ташкил этиш тартиби Академия кенгаши томонидан белгиланади.

Қабул комиссияси магистратурага қабул бошлангани тўғрисида Академиянинг расмий веб-сайти, шунингдек, электрон платформалардаги расмий каналларига эълон беради.

16. Номзодлар билан суҳбат ўтказиш учун **ҳар йили 1 июнга қадар** Академия ректорининг буйруғига асосан Қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Академия вакиллари ва мустақил экспертлардан (камида 5 кишидан) иборат таркибда Махсус комиссия тузилади.

Махсус комиссия томонидан **ҳар йили июнь-июль ойларида** номзодлар билан суҳбат ўтказилади.

17. Суҳбат давомида номзодларнинг диний-маърифий йўналишдаги билимлари ва ҳуқуқий саводхонлиги, шунингдек, бошқарув ва лидерлик хусусиятлари, жамоа билан ишлаш, стратегик ва таҳлилий фикрлаш қобилиятлари, мослашувчанлиги, ташаббускорлиги ва инновацион ёндашуви ва нотиқлик маҳорати бўйича кўникмалари баҳоланади.

18. Суҳбат ўтказиш дастури ва баҳолаш мезони Академия кенгаши томонидан тасдиқланади. Бунда суҳбат натижалари 100 баллик тизимда баҳоланади.

19. Қабул комиссияси томонидан суҳбат дастури қабул жараёнлари бошланишидан камида бир ой олдин, Махсус комиссия суҳбатини ўтказиш санаси тўғрисидаги хабарнома эса у бошланишидан камида етти кун олдин Академиянинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

20. Суҳбат жараёни видеотасвирга ёзиб олинади ва камида бир йил давомида Академияда сақланади.

21. Суҳбат Махсус комиссия томонидан якка тартибда, ҳар бир номзод билан алоҳида ўтказилади. Бунда номзоднинг билим ва компетенциялари қуйидагича баҳоланади:

диний-маърифий йўналишдаги билимлари ва ҳуқуқий саводхонлиги – 20 балл;

бошқарув ва лидерлик хусусиятлари ҳамда жамоа билан ишлаш кўникмалари – 20 балл;

стратегик ва таҳлилий фикрлаш қобилияти – 20 балл;

мослашувчанлиги, ташаббускорлиги ва инновацион ёндашуви – 20 балл;

нотиқлик маҳорати ва мулоқот кўникмалари – 20 балл.

22. Суҳбат бўйича номзодларнинг якуний натижалари Махсус комиссиянинг ҳар бир аъзоси томонидан қўйилган балларни қўшган ҳолдаги ўртачасидан келиб чиқиб аниқланади.

Суҳбат якунига кўра Махсус комиссия номзодларнинг балларини кўрсатган ҳолда, тегишли баённомани тузади ва белгиланган тартибда Қабул комиссиясига тақдим этади.

23. Номзодларнинг суҳбатдан такроран ўтишига йўл қўйилмайди.

5-боб. Номзодларнинг шикоятларини кўриб чиқиш тартиби

24. Академия ректорининг буйруғи билан Махсус комиссия ишида иштирок этмаган шахслардан иборат таркибда апелляция комиссияси тузилади.

25. Суҳбат натижалари бўйича номзодларнинг шикоятлари, улар эълон қилинган санадан бошлаб икки иш куни ичида Қабул комиссиясига ёзма ёки электрон шаклда тақдим этилади.

26. Апелляция комиссияси шикоятни шикоят берилган кундан бошлаб уч иш куни ичида кўриб чиқади.

Апелляция комиссияси шикоятни кўриб чиқиш натижаларига кўра шикоятни қаноатлантириш ёки шикоятни қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги қарорлардан бирини қабул қилади.

Апелляция комиссияси томонидан қарор қабул қилинган куни номзод ёзма равишда хабардор қилинади.

27. Номзод мурожаатни кўриб чиқишда шахсан иштирок этиши мумкин.

6-боб. Номзодларни қабул қилиш тартиби

28. Қабул комиссияси томонидан суҳбат натижаларига кўра тўплаган бали ҳамда бакалавриат дипломи ўртача бали қўшилган ҳолда, рейтинг кетма-кетлигида қабул натижаси қайдномаси шакллантиради.

29. Ўзбекистон халқаро исломшунослик академиясининг “Диний-маърифий соҳа менежменти” магистратура мутахассислигига қабул натижаси қайдномаси Қабул комиссияси томонидан тасдиқлаш учун Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига киритилади.

30. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг қарори асосида бир ҳафта муддатда абитуриентларни талабалар сафига қабул қилиш ҳақидаги Академия ректорининг буйруғи расмийлаштирилади.

7-боб. Якунловчи қоида

31. Мазкур Низомнинг талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон халқаро исломшунослик академиясининг “Диний-маърифий соҳа менежменти” магистратура мутахассислигига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга илова

Ўзбекистон халқаро исломшунослик академиясининг “Диний-маърифий соҳа менежменти” магистратура мутахассислигига давлат буюртмаси бўйича давлат гранти асосида қабул қилиш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддат
1-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Ўзбекистон мусулмонлари идораси	Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси (кейинги ўринларда – Академия)да давлат буюртмаси бўйича магистратурага номзодларни саралаб олиш бўйича Идоравий комиссия (кейинги ўринларда – Идоравий комиссия) тузади.	Ҳар йили 1 февралга қадар
2-босқич	Идоравий комиссия	1. Магистратурага қабул қилиш учун ҳудудларнинг диний-маърифий соҳада бошқарув кадрларига бўлган жорий ва истиқболдаги талаб ва эҳтиёжларини ўрганиб чиқади ва номзодлар рўйхатини шакллантиради. 2. Номзодларнинг рўйхати, уларнинг ҳар бирига алоҳида тавсиянома ҳамда ҳужжатлари тўпламини электрон шаклда Дин ишлари бўйича қўмитага (кейинги ўринларда – Қўмита) тақдим этади.	Ҳар йили 1 майга қадар
3-босқич	Қўмита	1. Давлат буюртмаси бўйича номзодларни саралаб олишни ташкил этиш ва ўтказиш учун Ишчи комиссия тузади. 2. Саралаш натижалари асосида квота бўйича ҳар бир ўринга камида уч нафардан номзодлар рўйхати ҳамда уларнинг ҳужжатларини Академияга юборади.	Ҳар йили 1 июнга қадар

4-босқич	Академия	1. Магистратурага қабулни ташкиллаштириш ва ҳужжатларни қабул қилиш учун Қабул комиссияси тузади. 2. Номзодлар билан суҳбат ўтказиш учун Махсус комиссия тузади.	Ҳар йили 20 майга қадар Ҳар йили 1 июнга қадар
5-босқич	Қабул комиссияси	1. Суҳбат дастурини эълон қилади. 2. Суҳбат ўтказиш санасини эълон қилади.	Қабул жараёнлари бошланишидан камида бир ой олдин Суҳбат бошланишидан камида етти кун олдин
6-босқич	Махсус комиссия	1. Номзодлар билан суҳбат ўтказади. 2. Суҳбат якунига кўра номзодларнинг балларини кўрсатган ҳолда тегишли баённомани тузади ва белгиланган тартибда Қабул комиссиясига тақдим этади.	Ҳар йили июнь-июль ойларида
7-босқич	Қабул комиссияси	Суҳбат натижаларига кўра номзодларнинг тўплаган бали ҳамда бакалавриат дипломи ўртача бали қўшилган ҳолда, рейтинг кетма-кетлигида қабул натижаси қайдномасини шакллантиради.	Ҳар йили июль ойида
8-босқич	Академия	Рейтинг кетма-кетлигида шакллантирилган рўйхатни Қўмитага тақдим этади.	Ҳар йили июль ойида

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1



БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 2072-3
2026 - yil 14 - Sentabr

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI ELEKTR ENERGIYASI, NEFT MAHSULOLARI VA GAZDAN FOYDALANISHNI NAZORAT QILISH INSPEKSIYASI O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI QISHLOQ XO‘JALIGI VAZIRLIGI O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SUV XO‘JALIGI VAZIRLIGI O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI TRANSPORT VAZIRLIGINING QARORI

“Ruxsatnomalar, tarqatish vedomostlari va limit kitobchalari bo‘yicha avtotransport vositalariga yonilg‘i quyish uchun neft mahsulotlari, suyultirilgan va siqilgan tabiiy gazni berish qoidalarini tasdiqlash haqida”gi qarorga o‘zgartirishlar kiritish haqida

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2026-yil 23-yanvardagi 23-son “Majburiy raqamli markirovkalash tizimi samaradorligini oshirishga oid qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Elektr energiyasi, neft mahsulotlari va gazdan foydalanishni nazorat qilish inspeksiyasi, Qishloq xo‘jaligi vazirligi, Suv xo‘jaligi vazirligi va Transport vazirligi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi O‘zbekiston neft mahsulotlari va gazdan foydalanishni nazorat qilish davlat inspeksiyasi, Qishloq va suv xo‘jaligi vazirligi, O‘zbekiston avtomobil va daryo transporti agentligining 2009-yil 25-dekabrdagi 01/07-1220, 7/2, 1/141-son “Ruxsatnomalar, tarqatish vedomostlari va limit kitobchalari bo‘yicha avtotransport vositalariga yonilg‘i quyish uchun neft mahsulotlari, suyultirilgan va siqilgan tabiiy gazni berish qoidalarini tasdiqlash haqida”gi qaroriga (ro‘yxat raqami 2072, 2010-yil 23-yanvar) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2010 y., 3-4-son, 30-modda) ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror O‘zbekiston Respublikasi Energetika vazirligi, Iqtisodiyot va moliya vazirligi, Raqobatni rivojlantirish va iste’molchilar huquqlarini himoya qilish qo‘mitasi va Markaziy bank bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Boshliq
2026-yil 27-avgust
21-son

ISOQJONOV AXADXON IKROMJONOVICH

Vazir 2026-yil 21-avgust 54-son		ABDURAXMONOV IBROXIM YULCHIYEVICH
Vazir 2026-yil 21-avgust 10-son		MAXKAMOV ILXOM RUSTAMOVICH
Vazir 2026-yil 18-avgust 01/17-4-son		XAMRAYEV SHAVKAT RAXIMOVICH

Kelishildi:

Vazir 2026-yil 16-iyul		MIRZAMAHMUDOV JO‘RABEK TURSUNPULATOVICH
Vazir 2026-yil 1-may		KUCHKAROV DJAMSHID ANVAROVICH
O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki Raisi 2026-yil 9-aprel		ISHMETOV TIMUR AMINDJANOVICH
Rais 2026-yil 8-aprel		TURAXUJAYEV HALILILLO SOBIRJONOVICH

QMMB: 10/26/2072-3/0936-son
15.09.2026-y.

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Elektr energiyasi, neft mahsulotlari va gazdan foydalanishni nazorat qilish inspeksiyasining 2026-yil 27-avgustdagi 21-son, Qishloq xo‘jaligi vazirligining 2026 yil 21-avgustdagi 54-son, Suv xo‘jaligi vazirligining 2026-yil 18-avgustdagi 01/17-4-son, Transport vazirligining 2026-yil 21-avgustdagi 10-son qaroriga ILOVA

“Ruxsatnomalar, tarqatish vedomostlari va limit kitobchalari bo‘yicha avtotransport vositalariga yonilg‘i quyish uchun neft mahsulotlari, suyultirilgan va siqilgan tabiiy gazni berish qoidalarini tasdiqlash haqida”gi qarorga kiritilayotgan o‘zgartirishlar

1. Qarorning nomi va 1-bandidagi “vedomostlari va limit kitobchalari” degan so‘zlar “qaydnomalari” degan so‘z bilan almashtirilsin;

2. Qoidalarda:

nomi va muqaddimadagi “vedomostlari va limit kitobchalari” degan so‘zlar “qaydnomalari” degan so‘z bilan almashtirilsin;

1-bandda:

uchinchi xatboshi chiqarib tashlansin;

beshinchi xatboshidagi “vedomostlarini” degan so‘z “qaydnomalarini” degan so‘z bilan almashtirilsin;

yettinchi xatboshidagi “vedomosti” degan so‘z “qaydnomasi” degan so‘z bilan almashtirilsin;

II-bo‘limning nomidagi “Ruxsatnoma blankalari, tarqatish vedomostlari va limit kitobchalarini” degan so‘zlar “Ruxsatnoma va tarqatish qaydnomalarini” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

2-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“2. Ruxsatnoma varaqalari va tarqatish qaydnomalari mahsulot yetkazib beruvchilar tomonidan tipografiya usulida tartib raqamlari ko‘rsatilgan holda tayyorlanadi. Ruxsatnoma varaqalari va tarqatish qaydnomalari mazkur Qoidalarning 1 va 2-ilovalariga muvofiq shakl bo‘yicha tayyorlanadi.”;

3-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“3. Mahsulot yetkazib beruvchining hududiy tashkiloti omborlariga kelib tushgan ruxsatnoma varaqalari va tarqatish qaydnomalari ular kelib tushgan paytdan boshlab bir ish kuni davomida tashkilot rahbari chiqargan buyruq bilan tayinlangan doimiy ishchi komissiya tomonidan qabul qilinadi. Komissiya paketni ochishdan oldin o‘ramning butligini, yo‘llovchi hujjatlarini va yuk xatining mavjudligini tekshiradi. Ruxsatnoma varaqalari va tarqatish qaydnomalari qabul qilinganligi to‘g‘risida ikki nusxada dalolatnoma tuziladi, shundan dalolatnomaning birinchi nusxasi yuk xati bilan birga buxgalteriyaga topshiriladi va qat’iy hisobda turuvchi varaqalar sifatida kirim qilish uchun asos hisoblanadi. Dalolatnomaning ikkinchi nusxasi varaqalarni saqlash uchun qabul qilgan javobgar shaxsda saqlanadi.”;

4-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“4. Neft mahsulotlarini berish mahsulot yetkazib beruvchi va iste’molchi o‘rtasida tuzilgan shartnomaga asosan amalga oshiriladi. Mazkur shartnomada ajratilgan neft mahsulotlarining turi va miqdori ko‘rsatiladi. Shartnomaga asosan mahsulot yetkazib beruvchi iste’molchiga neft mahsulotlari uchun amaldagi narxlaridan kelib chiqqan holda oldindan pul o‘tkazish uchun hisob raqamini taqdim qiladi.”;

5-bandning birinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“5. Iste’molchi amalga oshirilgan to‘lovlar bo‘yicha mahsulot yetkazib beruvchiga to‘lov hujjatlarining elektron shakldagi nusxalari va neft mahsulotini olish uchun ishonchnomani taqdim qiladi. Ishonchnomada mahsulot yetkazib beruvchining buxgalteriyasi tomonidan iste’molchidan kelib tushgan pul mablag‘lari mavjudligi to‘g‘risidagi ma’lumotlar qayd qilinadi va shu asosida neft mahsulotlarini berish uchun uch nusxada ruxsatnomalar rasmiylashtiriladi, shundan ruxsatnomaning:”;

6-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“6. Neft mahsulotlarini berish ruxsatnomasi qog‘oz yoki elektron shaklda rasmiylashtiriladi, mahsulot yetkazib beruvchining rahbari yoki u vakolat bergan shaxs tomonidan tasdiqlanadi hamda mazkur Qoidalarning 5-ilovasiga muvofiq ruxsatnomalar berish reyestrida qayd etiladi.

Qog‘oz shakldagi ruxsatnomaning birinchi nusxasi mahsulot yetkazib beruvchida, ikkinchi nusxasi iste’molchida qoladi, uchinchi nusxasi esa mahsulot yetkazib beruvchining yonilg‘i quyish shoxobchasiga taqdim etiladi.

Elektron shakldagi ruxsatnoma mahsulot yetkazib beruvchi, iste’molchi hamda yonilg‘i quyish shoxobchasiga axborot tizimi orqali yuboriladi.”;

7 va 27-bandlar o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin;

9-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“9. Iste’molchi to‘lovlarni amalga oshirganidan keyin mahsulot yetkazib beruvchiga to‘lov hujjatlarining elektron shakldagi nusxalari hamda gaz olish uchun ishonchnomani taqdim qiladi. Mahsulot yetkazib beruvchi uning bankdagi hisob varag‘iga pul mablag‘lari kelib tushganligini tekshirib, buxgalteriya tomonidan pul mablag‘lari mavjudligi to‘g‘risida ma’lumotlar qayd qilinadi va shu asosida gaz berish uchun uch nusxada ruxsatnoma rasmiylashtiriladi.”;

10-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“10. Gaz berish ruxsatnomasi qog‘oz yoki elektron shaklda rasmiylashtiriladi, mahsulot yetkazib beruvchining rahbari yoki u vakolat bergan shaxs tomonidan tasdiqlanadi hamda mazkur Qoidalarning 5-ilovasiga muvofiq ruxsatnomalar berish reyestrida qayd etiladi.

Qog‘oz shakldagi ruxsatnomaning birinchi nusxasi mahsulot yetkazib beruvchida, ikkinchi nusxasi iste’molchida qoladi, uchinchi nusxasi esa mahsulot yetkazib beruvchining yonilg‘i quyish shoxobchasiga taqdim etiladi.

Elektron shakldagi ruxsatnoma mahsulot yetkazib beruvchi, iste’molchi hamda yonilg‘i quyish shoxobchasiga axborot tizimi orqali yuboriladi.”;

V va VI bo‘limlarning nomidagi “vedomostlari” degan so‘z “qaydnomalari” degan so‘z bilan almashtirilsin;

12 va 19-bandlardagi “Haydovchining” degan so‘z “Iste’molchi tomonidan belgilangan tartibda rasmiylashtirilgan” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

13 va 20-bandlardagi “navbatchining raqami ko‘rsatilgan muhr bosiladi” degan so‘zlar “navbatchi operatorining raqami ko‘rsatilgan belgi qo‘yiladi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

14-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“14. Neft mahsulotlarini berishda yonilg‘i quyish shoxobchasida tarqatish qaydnomasi har bir iste’molchi bo‘yicha alohida ikki nusxada tuziladi, ulardan biri mahsulot yetkazib beruvchining buxgalteriyasiga topshiriladi, ikkinchisi esa yonilg‘i quyish shoxobchasida qoladi. Tarqatish qaydnomasi yonilg‘i quyish shoxobchasida har bir navbatchilik bo‘yicha yuritiladi. Navbatchilik tugashi bilan operator navbatchilik davomida jami berilgan neft mahsulotlarining miqdorini hisoblaydi va tarqatish qaydnomasini imzo bilan tasdiqlaydi.

Yonilg‘i quyish shoxobchasining boshlig‘i (katta operatori) hisob-kitoblarning to‘g‘riligini tekshirganidan keyin iste’molchining neft mahsulotlari qoldig‘i mavjud bo‘lganda, ularni keyingi navbatchilik kuniga o‘tkazadi. Iste’molchi ajratilgan neft mahsuloti miqdori tugashi yoki hisobot oyining tugashi bilan mahsulot yetkazib beruvchidan tarqatish qaydnomasi nusxasini solishtirish uchun oladi.”.

15 va 22-bandlardagi “nazorat kassa mashinasining” degan so‘zlar “nazorat-kassa texnikasining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

21-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“21. Gazning berilishida yonilg‘i quyish shoxobchasida tarqatish qaydnomasi har bir iste’molchi bo‘yicha alohida ikki nusxada tuziladi, ulardan biri mahsulot yetkazib beruvchining buxgalteriyasiga topshiriladi, ikkinchisi yonilg‘i quyish shoxobchasida qoladi. Tarqatish qaydnomasi yonilg‘i quyish shoxobchasida har bir navbatchilik bo‘yicha yuritiladi. Navbatchilik tugashi bilan operator navbatchilik davomida jami berilgan gazning miqdorini hisoblaydi va tarqatish qaydnomasini imzo bilan tasdiqlaydi.

Yonilg‘i quyish shoxobchasining boshlig‘i (katta operatori) hisob-kitoblarning to‘g‘riligini tekshirganidan keyin iste’molchining gaz qoldig‘i mavjud bo‘lganda, ularni keyingi navbatchilik kuniga o‘tkazadi. Iste’molchi ajratilgan gaz miqdori tugashi yoki hisobot oyining tugashi bilan mahsulot yetkazib beruvchidan tarqatish qaydnomasi nusxasini solishtirish uchun oladi.”;

23-banddagi “vedomostlari” va “vedomostlarini” degan so‘zlar tegishli ravishda “qaydnomalari” va “qaydnomalarini” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

24-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“24. Berilgan gaz miqdorining hisobi tarqatish qaydnomalari asosida navbatchilik tugagach, yonilg‘i quyish shoxobchasi boshlig‘i (katta operatori) tomonidan yuritiladi.”;

29-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“29. Shaharlararo qatnovni amalga oshiruvchi iste’molchilarning xizmat safariga yuborilgan avtotransport vositalariga (marshrut avtobuslari bundan mustasno) neft mahsulotlari va gaz xarid qilish uchun to‘lovlar yoqilg‘i quyish korporativ bank kartalari orqali amalga oshiriladi.

Bunda to‘lovlarni amalga oshirish uchun quyidagi hujjatlar asos bo‘ladi:

buxgalteriya tomonidan avtotransport vositasining bir xizmat safari davomida neft mahsulotlari yoki gazga bo‘lgan ehtiyoji ularning sarf me’yorlarini hisobga olgan holda hisoblangan hisob-kitob;

mahsulot yetkazib beruvchi bilan iste’molchi o‘rtasida tuzilgan shartnoma nusxasi;

xizmat safariga yuborish to‘g‘risidagi buyruq nusxasi;

yo‘l varaqasi.

Xizmat safariga yuborilgan avtotransport vositalari uchun zarur yoqilg‘i xarajatlarini hisoblash tartibi mazkur Qoidalarning 10-ilovasida belgilanadi.”;

30-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“30. Iste’molchi hisobdorlik asosida xizmat safarini amalga oshiruvchi avtotransport vositasi haydovchilariga yo‘l varaqasi hamda neft mahsuloti va gaz olish uchun korporativ bank kartalar beriladi.”;

31-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“31. Xizmat safaridagi avtotransport vositalari uchun neft mahsuloti va gaz korporativ kartalar orqali faqat tarqatish qaydnomasi bo‘yicha neft mahsuloti yoki gazni sotadigan yonilg‘i quyish shoxobchalarida haydovchi tomonidan xizmat safari guvohnomasi, yo‘l varaqasi taqdim etilgan taqdirda beriladi.”;

32-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“32. Yonilg‘i quyish shoxobchasida yo‘l varaqasining “berildi” satrida berilgan neft mahsuloti yoki gazning miqdori va summasi ko‘rsatiladi, yonilg‘i quyish shoxobchasi operatorining imzosi va operatorning raqami ko‘rsatilgan belgi qo‘yiladi, haydovchiga esa iste’molchining buxgalteriyasiga hisobot berish uchun nazorat-kassa texnikasining cheki beriladi.”;

33-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“33. Neft mahsuloti va gazni xarid qilish uchun berilgan korporativ bank kartalaridagi pul mablag‘larining maqsadli ishlatilishi bo‘yicha javobgarlik iste’molchining rahbari va bosh buxgalteri zimmasiga yuklatiladi.”;

37-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“37. Iste’molchi tomonidan tarqatish qaydnomalari asosida olingan neft mahsulotlari yoki gazning miqdori solishtiriladi hamda har oyda mahsulot yetkazib beruvchi va iste’molchi o‘rtasidagi o‘zaro yakuniy hisob-kitob qilishga asos bo‘lib hisoblanuvchi dalolatnoma tuziladi.”;

38 va 39-bandlardagi “vedomostlari, ruxsatnomalar, navbatchilik hisoboti va limit kitobchalari” degan so‘zlar “qaydnomalari, ruxsatnomalar va navbatchilik hisoboti” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

IX bo‘limning nomidagi “vedomostlari va limit kitobchalari” degan so‘zlar “qaydnomalari” degan so‘z bilan almashtirilsin;

40-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“40. Ruxsatnoma varaqalari va tarqatish qaydnomalari hamda boshqa qat’iy hisobda turuvchi blankalarning hisobi, ularning inventarizasiyasi, shuningdek, yo‘qolishi va yetishmovchiligi hisobi Buxgalteriya hisobida hujjatlar va hujjatlar aylanishi to‘g‘risidagi nizomga (ro‘yxat raqami 3538, 2024 yil 30 iyul) muvofiq amalga oshiriladi.”;

41-bandning birinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“41. Mahsulot yetkazib beruvchining omborxonalari va kassalarida ruxsatnoma va tarqatish qaydnomalarining harakati moddiy javobgar shaxslar tomonidan Ruxsatnoma va tarqatish qaydnomalari harakatini ro‘yxatga olish kitoblarida miqdori ko‘rsatilgan holda mazkur Qoidalarning 13 va 14-ilovalarida belgilangan shaklga muvofiq yuritiladi.”;

1, 2 va 5-ilovalar mazkur o‘zgartirishlarning 1–3-ilovalariga muvofiq tahrirda bayon etilsin;

3, 4, 6, 7 va 15-ilovalar o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin;

8-ilovada:

ilova belgisidagi “vedomostlari va limit kitobchalari” degan so‘zlar “qaydnomalari” degan so‘z bilan almashtirilsin;

nomidagi “vedomostlarini berilishini ro‘yxatga olish” degan so‘zlar “qaydnomalarini berilishini ro‘yxatga olish elektron yoki yozma kitobi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

matnidagi “vedomosti” va “Vedomost” degan so‘zlar tegishli ravishda “qaydnomasi” va “Qaydnomasi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

9-ilovada:

ilova belgisidagi “vedomostlari va limit kitobchalari” degan so‘zlar “qaydnomalari” degan so‘z bilan almashtirilsin;

matnidagi “vedomostlari” degan so‘z “qaydnomalari” degan so‘z bilan almashtirilsin;

10 va 13-ilovalarning ilova belgisidagi “vedomostlari va limit kitobchalari” degan so‘zlar “qaydnomalari” degan so‘z bilan almashtirilsin;

11-ilovada:

ilova belgisidagi “vedomostlari va limit kitobchalari” degan so‘zlar “qaydnomalari” degan so‘z bilan almashtirilsin;

matnidagi “Vedomost”” degan so‘z “Qaydnomasi” degan so‘z bilan almashtirilsin;

12-ilovada:

ilova belgisidagi “vedomostlari va limit kitobchalari” degan so‘zlar “qaydnomalari” degan so‘z bilan almashtirilsin;

matnidagi “vedomosti” va “vedomostni” degan so‘zlar tegishli ravishda “qaydnomasi” va “qaydnomasini” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

14-ilovada:

ilova belgisidagi “vedomostlari va limit kitobchalari” degan so‘zlar “qaydnomalari” degan so‘z bilan almashtirilsin;

nomidagi “vedomostlari yuritilishini qayd etish” degan so‘zlar “qaydnomalari yuritilishini qayd etish elektron yoki yozma” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

QMMB: 10/26/2072-3/0936-son
15.09.2026-y.

“Ruxsatnomalar, tarqatish vedomostlari va limit kitobchalari bo‘yicha avtotransport vositalariga yonilg‘i quyish uchun neft mahsulotlari, suyultirilgan va siqilgan tabiiy gazni berish qoidalarini tasdiqlash haqida”gi qarorga kiritilayotgan o‘zgartirishlarga
1-ILOVA

“Avtotransport vositalariga yonilg‘i qo‘yish uchun neft mahsulotlari, suyultirilgan va siqilgan tabiiy gazni ruxsatnomalar tarqatish qaydnomalari bo‘yicha berish qoidalariga
1-ILOVA

“Mahsulot yetkazib beruvchi”_____
_____

Biriktirilgan shoxobcha
№_____

Ruxsatnoma №
Neft mahsulotlari, suyultirilgan va siqilgan tabiiy gazni tarqatishga

Sana“____” _____ 20__ yil

Iste’molchi (korxona, tashkilot, muassasa)
_____

_____ № Ishonchnoma“___” ____ 20__ yilda_____
(kimni nomiga berilgan)

Mahsulotning turi	**Mahsulot rusumi**	**O‘lchov birligi**	**Berilgan miqdori**		**Narxi, so‘m**	
			son bilan	**so‘z bilan**	**1 o‘lchov birligi**	**Jami**
Avtobenzin	AI-91	Litr (kg)				
	AI-92					
	AI-95					
	AI-98					
	AI-100					
Dizel yoqilg‘isi	TDL, TDZ, TDU	Litr (kg)				
	Eko					
	Yevro					
Moy	M8V1, M63/12G1, ...	Litr (kg)				
	SAE, ...					
	I-20, ...					
	10W30, ...					
	...					
Dizel moyi	SAE 10W-30, ...	Litr (kg)				

	...					
Jami:						
suyultirilgan uglevodorod gazi	TP, TPB, TB	Litr (kg)				
	AP, APB					
siqilgan tabiiy gaz	STG	m^3				

Umumiy summa _____
(so‘z bilan)

moliya-iqtisod bo‘limi _____
(imzo)

omborxona _____
(imzo)

Yetkazib beruvchi korxona yoki muassasa rahbari _____
(imzo)

”.

“Ruxsatnomalar, tarqatish vedomostlari va limit kitobchalari bo‘yicha avtotransport vositalariga yonilg‘i quyish uchun neft mahsulotlari, suyultirilgan va siqilgan tabiiy gazni berish qoidalarini tasdiqlash haqida”gi qarorga kiritilayotgan o‘zgartirishlarga
2-ILOVA

“Avtotransport vositalariga yonilg‘i qo‘yish uchun neft mahsulotlari, suyultirilgan va siqilgan tabiiy gazni ruxsatnomalar tarqatish qaydnomalari bo‘yicha berish qoidalariga
2-ILOVA

“Iste’molchi” “Mahsulot yetkazib beruvchi”

_____ _____
(nomi) (yetkazib beruvchi nomi)

_____ _____

mavjud pul mablag‘i _____

_____ (biriktirilgan shaxobcha nomi)

_____ _____

№____ TARQATISH QAYDNOMASI

_____

(neft mahsulotlari, suyultirilgan yoki siqilgan gaz)

20__ y. “____” _____ dan 20__ y. “____” _____ gacha

20__ y. “____” _____ __ dagi № _____ ishonchnomaga asosan _____
(F.I.Sh.)

orqali

1 litr _____ so‘m.
.kub.m._____ so‘m 1
_____ .kg 1so‘m.

№ t/r	Yonilg‘i rusumi	Yonilg‘i berish sanasi	Avto-trans-port davlat raqami, rusumi, turi	Yo‘l varaqa tartib raqami va berilgan sanasi	O‘lchov bir-ligi	Beril-gan miq-dori	To‘lov summasi		Haydovchi familiyasi, ismi, sharifi
							so‘m	so‘z bilan	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	**10**
Jami berilgan									

AYOQSH (AGTKSH, AGQSH) rahbari _____ _____
(F.I.Sh.) (imzo)

AYOQSH (AGTKSH, AGQSH) bosh hisobchisi _____ _____
(F.I.Sh.) (imzo)

”.

QMMB: 10/26/2072-3/0936-son
15.09.2026-y.

“Ruxsatnomalar, tarqatish vedomostlari va limit kitobchalari bo‘yicha avtotransport vositalariga yonilg‘i quyish uchun neft mahsulotlari, suyultirilgan va siqilgan tabiiy gazni berish qoidalarini tasdiqlash haqida”gi qarorga kiritilayotgan o‘zgartirishlarga
3-ILOVA

“Avtotransport vositalariga yonilg‘i qo‘yish uchun neft mahsulotlari, suyultirilgan va siqilgan tabiiy gazni ruxsatnomalar tarqatish qaydnomalari bo‘yicha berish qoidalariga
5-ILOVA

Neft mahsulotlari va gazni tarqatishga ruxsatnoma berish
REYESTRI

“__”_____20__ y.

Neft mahsuloti yoki gazni berish ruxsatnoma raqami	**Ishonchnoma raqami va berilgan sanasi**	**“Iste’-molchi” nomi**	**Berilgan neft mahsuloti yoki gazning miqdori**			**Imzo**
			o‘lchov miqdori	**miqdori**	**summasi**	

”.

QMMB: 10/26/3210-6/0931-son
14.09.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3210-6
2026 - yil 14 - Sentabr

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY GVARDIYASI QO‘MONDONINING BUYRUG‘I

O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi bo‘linmalariga kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga nomzodlarni saralash tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 12-sentabrdagi PQ–4447-son “O‘zbekiston Respublikasi fuqarolarining harbiy xizmatni o‘tash tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi qo‘mondonining 2019-yil 8-dekabrdagi 248-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3210, 2020-yil 13-yanvar) (Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 13.01.2020-y., 10/20/3210/0049-son) bilan tasdiqlangan O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi bo‘linmalariga kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga nomzodlarni saralash tartibi to‘g‘risidagi nizomga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Qo‘mondon
2026-yil 20-avgust
183-son

TASHMATOV BAXODIR
XAMIDOVICH

QMMB: 10/26/3210-6/0931-son
14.09.2026-y.

O‘zbekiston Respublikasi
Milliy gvardiyasi qo‘mondonining
2026-yil 20-avgustdagi 183-son buyrug‘iga
ILOVA

O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi bo‘linmalariga kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga nomzodlarni saralash tartibi to‘g‘risidagi nizomga kiritilayotgan o‘zgartirishlar

1. Muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Nizom O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi (bundan buyon matnda Milliy gvardiya deb yuritiladi) bo‘linmalariga kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga nomzodlarni saralash tartibini belgilaydi.”.

2. 6-bandda:

ikkinchi xatboshidagi “178” raqami “180” raqami bilan almashtirilsin;

uchinchi xatboshidagi “170” raqami “175” raqami bilan almashtirilsin.

3. 8-ilovada:

6-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“6. Nomzodga oldindan tayyorlangan psixologik test savollari bo‘yicha 2 ta vazifa beriladi. Bunda birinchi vazifa nomzodning intellektual rivojlanganlik darajasini o‘rganishga qaratilgan bo‘lib, har bir to‘g‘ri javob uchun 1 ball beriladigan 52 ta topshiriqdan iborat.

Ikkinchi vazifa nomzodning psixoemotsional barqarorlik darajasini o‘rganishga qaratilgan bo‘lib, javoblarning samimiyligini aniqlash uchun 13 ta savol hamda har bir noto‘g‘ri javob uchun 1 ball beriladigan 152 ta savoldan iborat so‘rovnomani o‘z ichiga oladi.

Nomzodga vazifalarni bajarish uchun jami 1 soat vaqt beriladi. Bunda birinchi vazifani bajarish uchun 20 daqiqa, ikkinchi vazifani bajarish uchun 40 daqiqa vaqt ajratiladi. Nomzodga, shuningdek, har bir vazifa bo‘yicha yo‘riqnomani o‘qib chiqish uchun qo‘shimcha ravishda 2 daqiqadan vaqt beriladi.”.

ilova mazkur o‘zgartirishlarning ilovasiga muvofiq tahrirda bayon etilsin.

O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi bo‘linmalariga kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga nomzodlarni saralash tartibi to‘g‘risidagi nizomga kiritilayotgan o‘zgartirishlarga
ILOVA

“Psixologik test sinovlarini o‘tkazish metodikasiga
ILOVA

Psixologik test natijalarini hisoblash

JADVALI

1-vazifa	2-vazifa		Natija
	1-ko‘rsatkich bo‘yicha	2-ko‘rsatkich bo‘yicha	
8 ball va undan yuqori	0-11 ballgacha	0-62 ballgacha	Nomzod kontrakt bo‘yicha harbiy xizmat talablariga muvofiq
0-8 ballgacha	11 ball va undan yuqori	62 ball va undan yuqori	Nomzod kontrakt bo‘yicha harbiy xizmat talablariga nomuvofiq

**Nomzod har ikkala vazifa bo‘yicha belgilangan baholash mezonlariga muvofiq natija qayd etganda psixologik test sinovidan muvaffaqiyatli o‘tgan hisoblanadi. Nomzod vazifalardan kamida bittasi bo‘yicha belgilangan baholash mezonlariga nomuvofiq natija qayd etganda psixologik test sinovidan o‘tmagan hisoblanadi.*”.

37 (1265)-son
943-модда

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3814-1
2026 - yil 14 - Sentabr

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRINING BUYRUG‘I

Portlovchi materiallarni ishlab chiqarish, sotib olish, saqlash, tashish, ulardan foydalanish va ularni hisobga olish to‘g‘risidagi yo‘riqnomaning 1-bandiga o‘zgartirish kiritish haqida

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2026-yil 7-iyuldagi 367-son “Ro‘yxatga olinmagan qurolni va uning o‘q-dorilarini, o‘qotar qurolning asosiy qismlarini, portlovchi materiallarni va portlatish qurilmalarini ichki ishlar organlariga o‘z ixtiyori bilan topshirish hamda qurolni va uning o‘q-dorilarini topshirganlik uchun taqdirlash tartibini takomillashtirish to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi ichki ishlar vazirining 2026-yil 11-martdagi 21-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3814, 2026-yil 15-aprel) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 16.04.2026-y., 10/26/3814/0359-son) bilan tasdiqlangan Portlovchi materiallarni ishlab chiqarish, sotib olish, saqlash, tashish, ulardan foydalanish va ularni hisobga olish to‘g‘risidagi yo‘riqnomaning 1-bandi ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“portlovchi materiallar – o‘z xususiyatlariga ko‘ra portlashi, portlovchi ta’sirga ega bo‘lgan va yong‘inga olib kelishi mumkin bo‘lgan portlovchi moddalar, portlatish vositalari, shuningdek, tarkibida pirotexnika ta’sirini yaratish uchun mo‘ljallangan portlovchi moddalar va portlatish vositalari bo‘lgan qurilmalar;”.

2. Ushbu buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir
2026-yil 4-sentabr
552-son

TASHPULATOV AZIZ
ANVAROVICH

QMMB: 10/26/3939/0932-son
14.09.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3939
2026 - yil 14 - Sentabr

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MUDOFAA VAZIRLIGI

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT XAVFSIZLIK XIZMATI

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FAVQULODDA VAZIYATLAR VAZIRLIGI

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY GVARDIYASI

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRLIGINING

QARORI

O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari safiga muddatli harbiy xizmatga chaqirilayotgan va kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga qabul qilinayotgan fuqarolarni giyohvandlik vositalari bo‘yicha majburiy tibbiy laboratoriya tekshiruvidan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 3-noyabrdagi PF–207-son “Aholi salomatligi va millat genofondini giyohvandlik va narkojinoyatlardan samarali himoya qilish bo‘yicha kompleks chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi, Davlat xavfsizlik xizmati, Ichki ishlar vazirligi, Favqulodda vaziyatlar vazirligi, Milliy gvardiyasi va Sog‘liqni saqlash vazirligi qaror qiladi:

1. O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari safiga muddatli harbiy xizmatga chaqirilayotgan va kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga qabul qilinayotgan fuqarolarni giyohvandlik vositalari bo‘yicha majburiy tibbiy laboratoriya tekshiruvidan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur qaror O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi bilan kelishilgan.

3. Ushbu qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

QMMB: 10/26/3939/0932-son
14.09.2026-y.

Mudofaa vaziri 2026-yil 28-avgust 32-son		XALMUXAMEDOV SHUXRAT GAYRATDJANOVICH
Vazir 2026-yil 31-iyul 21-son		IKRAMOV AZIZBEK ISRAILOVICH
Qo'mondon 2026-yil 31-iyul 22-son		TASHMATOV BAXODIR XAMIDOVICH
O`zbekiston Respublikasi DXX Raisi 2026-yil 31-iyul 20-son		KURBANOV BAXODIR NIZAMOVICH
Vazir 2026-yil 31-iyul 6-son		ADILOV ELDAR ERKINOVICH
Vazir 2026-yil 31-iyul 50-son		TASHPULATOV AZIZ ANVAROVICH

Kelishildi:

Vazir
2026-yil 27-avgust

KUCHKAROV DJAMSHID
ANVAROVICH

QMMB: 10/26/3939/0932-son
14.09.2026-y.

O‘zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligining 2026-yil 28-avgustdagi 32-son, Davlat xavfsizlik xizmatining 2026-yil 31-iyuldagi 20-son, Ichki ishlar vazirligining 2026-yil 31-iyuldagi 50-son, Favqulodda vaziyatlar vazirligining 2026-yil 31-iyuldagi 21-son, Milliy gvardiyaning 2026-yil 31-iyuldagi 22-son hamda Sog‘liqni saqlash vazirligining 2026-yil 31-iyuldagi 6-son qaroriga ILOVA

O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari safiga muddatli harbiy xizmatga chaqirilayotgan va kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga qabul qilinayotgan fuqarolarni giyohvandlik vositalari bo‘yicha majburiy tibbiy laboratoriya tekshiruvidan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi NIZOM

Mazkur Nizom O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari safiga muddatli harbiy xizmatga chaqirilayotgan va kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga qabul qilinayotgan fuqarolarni giyohvandlik vositalari bo‘yicha majburiy tibbiy laboratoriya tekshiruvidan (bundan buyon matnda tibbiy tekshiruv deb yuritiladi) o‘tkazish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Ushbu Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

muddatli harbiy xizmatga chaqirilayotgan fuqaro – O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari safida oddiy askarlar tarkibi lavozimlarida majburiy xizmatni o‘tash uchun chaqirilayotgan chaqiruv yoshidagi fuqaro, shuningdek zaxiradan muddatli harbiy xizmatga chaqirilayotgan ofitser;

kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga qabul qilinayotgan fuqaro – harbiy xizmatni kasb sifatida tanlash va harbiy xizmat majburiyatlarini kontrakt asosida bajarish niyatidagi fuqaro;

giyohvandlik vositalari – giyohvandlik vositalari ro‘yxatiga kiritilgan va O‘zbekiston Respublikasida nazoratga olinadigan, kelib chiqishi sintetik yoki tabiiy moddalar, tarkibida giyohvandlik moddasi bo‘lgan preparatlar va o‘simliklar.

2. Tibbiy tekshiruv muddatli harbiy xizmatga chaqirilayotgan va kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga qabul qilinayotgan fuqarolar o‘rtasida giyohvandlik vositalari iste’molini barvaqt aniqlash maqsadida o‘tkaziladi.

2-bob. Tibbiy tekshiruvga yo‘llash va qabul qilish

QMMB: 10/26/3939/0932-son
14.09.2026-y.

3. Muddatli harbiy xizmatga chaqirilayotgan fuqarolar tuman (shahar) mudofaa ishlari bo‘yicha bo‘limlari tomonidan tegishliligi bo‘yicha Qoraqalpog‘iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahar yig‘ish punktlaridagi harbiy-tibbiy komissiyalarga tibbiy ko‘rikdan o‘tkazilishi uchun yuborilishidan oldin Respublika sud-tibbiy ekspertiza ilmiy-amaliy markazi va uning hududiy filiallarida (bundan buyon matnda sud-tibbiy ekspertiza muassasasi) tibbiy tekshiruvdan o‘tkaziladi.

Kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga qabul qilinayotgan fuqarolar harbiy-tibbiy muassasalarda tibbiy ko‘rikdan o‘tkazilishidan oldin sud-tibbiy ekspertiza muassasasida tibbiy tekshiruvdan o‘tkaziladi.

4. Muddatli harbiy xizmatga chaqirilayotgan va kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga qabul qilinayotgan fuqarolarning tibbiy tekshiruvi mazkur Nizomning 3-bobiga muvofiq o‘tkaziladi.

Bunda muddatli harbiy xizmatga chaqirilayotgan fuqarolar tibbiy tekshiruvdan bepul asosda, kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga qabul qilinayotgan fuqarolar esa sud-tibbiy ekspertiza muassasasi bilan tuzilgan shartnomaga asosan o‘tkaziladi.

5. Tibbiy tekshiruvdan o‘tkazilishi lozim bo‘lgan muddatli harbiy xizmatga chaqirilayotgan va kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga qabul qilinayotgan fuqarolarning ro‘yxati tuman (shahar) mudofaa ishlari bo‘yicha bo‘limlar va harbiy-tibbiy muassasalar tomonidan shakllantiriladi.

Bunda ro‘yxat asosida sud-tibbiy ekspertiza muassasasida tibbiy tekshiruvdan o‘tkaziladigan har bir muddatli harbiy xizmatga chaqirilayotgan va kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga qabul qilinayotgan fuqaro uchun tuman (shahar) mudofaa ishlari bo‘yicha bo‘lim yoki harbiy-tibbiy muassasa tomonidan ushbu Nizomning ilovasiga muvofiq shakldagi yo‘llanma rasmiylashtiriladi.

6. Yo‘llanma uch nusxada an’anaviy yoki elektron shaklda rasmiylashtiriladi. Bunda:

birinchi nusxasi – yo‘llanmani rasmiylashtirgan tuman (shahar) mudofaa ishlari bo‘yicha bo‘lim yoki harbiy-tibbiy muassasada saqlanadi;

ikkinchi nusxasi – muddatli harbiy xizmatga chaqirilayotgan va kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga qabul qilinayotgan fuqaroga beriladi;

uchinchi nusxasi – tibbiy tekshiruvni o‘tkazuvchi sud-tibbiy ekspertiza muassasasiga tibbiy tekshiruv boshlanguniga qadar yozma yoki elektron shaklda yuboriladi.

7. Tibbiy tekshiruvdan o‘tish uchun yo‘llanma olgan muddatli harbiy xizmatga chaqirilayotgan va kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga qabul qilinayotgan fuqarolar yo‘llanmada ko‘rsatilgan sana va vaqtda sud-tibbiy ekspertiza muassasasiga kelib, tibbiy tekshiruvdan o‘tishlari lozim.

Agar muddatli harbiy xizmatga chaqirilayotgan va kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga qabul qilinayotgan fuqarolar belgilangan sana va vaqtda sud-tibbiy ekspertiza

QMMB: 10/26/3939/0932-son
14.09.2026-y.

muassasasiga kelmasa, ularning qayta murojaatiga asosan mazkur Nizomning 5-bandida belgilangan tartibda boshqa yo‘llanma rasmiylashtiriladi.

8. Muddatli harbiy xizmatga chaqirilayotgan va kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga qabul qilinayotgan fuqarolar yo‘llanmani yo‘qotgan taqdirda yo‘llanmani rasmiylashtirgan tuman (shahar) mudofaa ishlari bo‘yicha bo‘limga yoki harbiy-tibbiy muassasaga murojaat qiladilar.

Murojaat asosida yo‘llanmani rasmiylashtirgan tuman (shahar) mudofaa ishlari bo‘yicha bo‘lim yoki harbiy-tibbiy muassasa tomonidan avval berilgan yo‘llanma ma’lumotlari asosida “Dublikat” belgisi qo‘yilgan yo‘llanma rasmiylashtiriladi hamda muddatli harbiy xizmatga chaqirilayotgan va kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga qabul qilinayotgan fuqarolarga beriladi.

9. Muddatli harbiy xizmatga chaqirilayotgan va kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga qabul qilinayotgan fuqarolar sud-tibbiy ekspertiza muassasasiga tibbiy tekshiruvdan o‘tish uchun kelganda yo‘llanma bilan birga shaxsini tasdiqlovchi hujjatining (fuqarolik pasporti, ID-karta yoki haydovchilik guvohnomasi) asl nusxasi yoxud uning O‘zbekiston Respublikasi Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali va (yoki) “Ijtimoiy karta” mobil ilovasi orqali beriladigan elektron shaklini taqdim etadilar.

10. Sud-tibbiy ekspertiza muassasasining mas’ul xodimi tomonidan muddatli harbiy xizmatga chaqirilayotgan va kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga qabul qilinayotgan fuqarolar taqdim etgan shaxsini tasdiqlovchi hujjatdagi ma’lumotlarning yo‘llanmadagi ma’lumotlarga muvofiqligi tekshiriladi.

Shaxsini tasdiqlovchi hujjatdagi ma’lumotlar yo‘llanmadagi ma’lumotlarga muvofiq bo‘lgan taqdirda muddatli harbiy xizmatga chaqirilayotgan va kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga qabul qilinayotgan fuqarolar tibbiy tekshiruvdan o‘tkazishga qabul qilinadi.

Shaxsini tasdiqlovchi hujjatdagi ma’lumotlar yo‘llanmadagi ma’lumotlarga muvofiq bo‘lmagan taqdirda yoki muddatli harbiy xizmatga chaqirilayotgan va kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga qabul qilinayotgan fuqarolarning shaxsini aniqlash imkoniyati mavjud bo‘lmaganda, ular tibbiy tekshiruvdan o‘tkazishga qabul qilinmaydi va bu haqda yo‘llanmani rasmiylashtirgan tuman (shahar) mudofaa ishlari bo‘yicha bo‘lim yoki harbiy-tibbiy muassasa shu kunning o‘zida xabardor qilinadi.

3-bob. Tibbiy tekshiruvni o‘tkazish va uning natijalarini rasmiylashtirish

11. Muddatli harbiy xizmatga chaqirilayotgan va kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga qabul qilinayotgan fuqarolarning tibbiy tekshiruvi quyidagi usullarda amalga oshiriladi:

birinchi bosqichda – peshob namunalarida giyohvandlik vositalarini aniqlash maqsadida ekspress-test laboratoriya tekshiruvi;

QMMB: 10/26/3939/0932-son
14.09.2026-y.

ikkinchi bosqichda – ekspress-test laboratoriya tekshiruvida giyohvandlik vositalari aniqlangan taqdirda, ularning turini aniqlash va natijani tasdiqlash maqsadida peshob va (yoki) qon namunalarida mass-spektrometrik identifikatsiya tekshiruvi.

Tibbiy tekshiruv o‘tkazilishidan oldin sud-tibbiy ekspertiza muassasasining mas’ul xodimi tomonidan muddatli harbiy xizmatga chaqirilayotgan va kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga qabul qilinayotgan fuqaroga tibbiy tekshiruvning maqsadi, o‘tkazish tartibi hamda tekshiruv natijalarini rasmiylashtirish tartibi tushuntiriladi.

12. Birinchi bosqichdagi ekspress-test laboratoriya tekshiruvi muddatli harbiy xizmatga chaqirilayotgan va kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga qabul qilinayotgan fuqarolar sud-tibbiy ekspertiza muassasasiga murojaat qilgan kuni ularning peshob namunasini olish va mazkur namunani ekspress-test yordamida tekshirish orqali amalga oshiriladi.

Ekspress-test laboratoriya tekshiruvi natijasi quyidagicha baholanadi:

musbat – peshob namunasida ekspress-test orqali aniqlanishi nazarda tutilgan giyohvandlik vositalari mavjudligini ko‘rsatadigan natija;

manfiy – peshob namunasida ekspress-test orqali aniqlanishi nazarda tutilgan giyohvandlik vositalari aniqlanmaganligini ko‘rsatadigan natija.

Ekspress-testning laboratoriya tekshiruvining natijasi musbat bo‘lganda u giyohvandlik vositalari iste’mol qilganlik faktini tasdiqlovchi yakuniy natija hisoblanmaydi va bunday hollarda peshob va (yoki) qon namunalari asosida mazkur Nizomning 14-bandiga muvofiq ikkinchi bosqichdagi mass-spektrometrik identifikatsiya tekshiruvidan o‘tkaziladi.

13. Ekspress-test laboratoriya tekshiruvi natijasi manfiy bo‘lgan taqdirda, sud-tibbiy ekspertiza muassasasi tomonidan tekshiruv o‘tkazilgan kunning o‘zida muddatli harbiy xizmatga chaqirilayotgan va kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga qabul qilinayotgan fuqarolarda giyohvandlik vositalari aniqlanmaganligi haqida ma’lumotnoma rasmiylashtiriladi.

Ma’lumotnoma sud-tibbiy ekspertiza muassasasining mas’ul mansabdor shaxsi tomonidan imzolanadi hamda yo‘llanmani rasmiylashtirgan tuman (shahar) mudofaa ishlari bo‘yicha bo‘lim yoki harbiy-tibbiy muassasaga yozma yoki elektron shaklda shu kunning o‘zida yuboriladi, shuningdek ma’lumotnomaning nusxasi muddatli harbiy xizmatga chaqirilayotgan va kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga qabul qilinayotgan fuqarolarning o‘ziga beriladi.

Tuman (shahar) mudofaa ishlari bo‘yicha bo‘lim yoki harbiy-tibbiy muassasa tomonidan olingan ma’lumotnomaning nusxasi muddatli harbiy xizmatga chaqirilayotgan va kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga qabul qilinayotgan fuqarolarning shaxsiy yig‘ma jildiga joylashtiriladi.

QMMB: 10/26/3939/0932-son
14.09.2026-y.

14. Ekspress-test laboratoriya tekshiruvi natijasi musbat bo‘lgan taqdirda, muddatli harbiy xizmatga chaqirilayotgan va kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga qabul qilinayotgan fuqarolarning peshob namunasida giyohvandlik vositalarini tasdiqlash maqsadida shu kunning o‘zida ulardan peshob va (yoki) qon namunalari olinadi.

Bunda muddatli harbiy xizmatga chaqirilayotgan va kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga qabul qilinayotgan fuqarolar peshob va (yoki) qon namunalarini topshirishdan bosh tortish huquqiga ega.

Olingan peshob va (yoki) qon namunalari muddatli harbiy xizmatga chaqirilayotgan va kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga qabul qilinayotgan fuqarolarning familiya, ismi va otasining ismi hamda namunalar olingan sana va vaqti, yo‘llanmaning raqami ko‘rsatilgan holda qadoqlanadi va laboratoriya tekshiruvi uchun saqlanadi hamda namunalar olingan kundan boshlab uch ish kuni ichida mass-spektrometrik identifikatsiya tekshiruvidan o‘tkaziladi.

Mass-spektrometrik identifikatsiya tekshiruvi ekspress-test laboratoriya tekshiruvi natijasining tasdiqlanishi yoki tasdiqlanmasligini aniqlash maqsadida o‘tkaziladi.

15. Mass-spektrometrik identifikatsiya tekshiruvi natijasi quyidagicha baholanadi:

musbat – peshob va (yoki) qon namunalarida mass-spektrometrik identifikatsiya tekshiruvi orqali aniqlanishi nazarda tutilgan giyohvandlik vositalari mavjudligini ko‘rsatadigan natija;

manfiy – peshob va (yoki) qon namunalarida mass-spektrometrik identifikatsiya tekshiruvi orqali aniqlanishi nazarda tutilgan giyohvandlik vositalari aniqlanmaganligini ko‘rsatadigan natija.

16. Mass-spektrometrik identifikatsiya tekshiruvi natijasi manfiy bo‘lgan taqdirda, sud-tibbiy ekspertiza muassasasi tomonidan tekshiruv natijasi aniqlangan kunning o‘zida muddatli harbiy xizmatga chaqirilayotgan va kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga qabul qilinayotgan fuqarolarda giyohvandlik vositalari aniqlanmaganligi haqida ma’lumotnoma rasmiylashtiriladi.

Ma’lumotnoma sud-tibbiy ekspertiza muassasasining mas’ul mansabdor shaxsi tomonidan imzolanadi hamda yo‘llanmani rasmiylashtirgan tuman (shahar) mudofaa ishlari bo‘yicha bo‘lim yoki harbiy-tibbiy muassasaga yozma yoki elektron shaklda shu kunning o‘zida yuboriladi, shuningdek ma’lumotnomaning nusxasi muddatli harbiy xizmatga chaqirilayotgan va kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga qabul qilinayotgan fuqarolarning o‘ziga beriladi.

Tuman (shahar) mudofaa ishlari bo‘yicha bo‘lim yoki harbiy-tibbiy muassasa tomonidan olingan ma’lumotnomaning nusxasi muddatli harbiy xizmatga chaqirilayotgan va kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga qabul qilinayotgan fuqarolarning shaxsiy yig‘ma jildiga joylashtiriladi.

QMMB: 10/26/3939/0932-son
14.09.2026-y.

17. Mass-spektrometrik identifikatsiya tekshiruvi natijasi musbat bo‘lgan taqdirda sud-tibbiy ekspertiza muassasasi tomonidan muddatli harbiy xizmatga chaqirilayotgan va kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga qabul qilinayotgan fuqarolarning peshob va (yoki) qon namunalarida tibbiy tekshiruv orqali giyohvandlik vositalari aniqlanganligi haqida ma’lumotnoma tibbiy tekshiruv natijasi rasmiylashtirilgan kunning o‘zida tuziladi.

Ekspress-test laboratoriya tekshiruvi natijasi musbat bo‘lgan, biroq muddatli harbiy xizmatga chaqirilayotgan va kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga qabul qilinayotgan fuqarolar mass-spektrometrik identifikatsiya tekshiruvini o‘tkazish uchun peshob va (yoki) qon namunalarini topshirishdan bosh tortgan taqdirda, sud-tibbiy ekspertiza muassasasi tomonidan tibbiy tekshiruvni yakunlanmaganligi haqida ma’lumotnoma rasmiylashtiriladi.

Ma’lumotnomalar sud-tibbiy ekspertiza muassasasining mas’ul mansabdor shaxsi tomonidan imzolanadi va yo‘llanmani rasmiylashtirgan tuman (shahar) mudofaa ishlari bo‘yicha bo‘lim yoki harbiy-tibbiy muassasaga yozma yoki elektron shaklda tekshiruv natijasi rasmiylashtirilgan kunning o‘zida yuboriladi, shuningdek ma’lumotnomaning nusxasi muddatli harbiy xizmatga chaqirilayotgan va kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga qabul qilinayotgan fuqarolarning o‘ziga beriladi.

Tuman (shahar) mudofaa ishlari bo‘yicha bo‘lim yoki harbiy-tibbiy muassasa tomonidan olingan ma’lumotnomaning nusxasi muddatli harbiy xizmatga chaqirilayotgan va kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga qabul qilinayotgan fuqarolarning shaxsiy yig‘ma jildiga joylashtiriladi.

18. Muddatli harbiy xizmatga chaqirilayotgan fuqarolar sud-tibbiy ekspertiza muassasasida tibbiy tekshiruvdan o‘tmagan yoki mass-spektrometrik identifikatsiya tekshiruvini o‘tkazish uchun peshob va (yoki) qon namunalarini topshirishdan bosh tortgan yoxud tibbiy tekshiruv natijasiga ko‘ra ularning peshob va (yoki) qon namunalarida giyohvandlik vositalari aniqlangan taqdirda, tuman (shahar) mudofaa ishlari bo‘yicha bo‘limlari tomonidan tegishliligi bo‘yicha Qoraqalpog‘iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahar yig‘ish punktlaridagi harbiy-tibbiy komissiyalarga tibbiy ko‘rikdan o‘tkazilishi uchun yuborilmaydi.

Kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga qabul qilinayotgan fuqarolar sud-tibbiy ekspertiza muassasasida tibbiy tekshiruvdan o‘tmagan yoki mass-spektrometrik identifikatsiya tekshiruvini o‘tkazish uchun peshob va (yoki) qon namunalarini topshirishdan bosh tortgan yoxud tibbiy tekshiruv natijasiga ko‘ra ularning peshob va (yoki) qon namunalarida giyohvandlik vositalari aniqlangan taqdirda, harbiy-tibbiy muassasalarda tibbiy ko‘rikdan o‘tkazilmaydi.

19. Muddatli harbiy xizmatga chaqirilayotgan va kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga qabul qilinayotgan fuqarolar tibbiy tekshiruv natijalaridan norozi bo‘lgan taqdirda, mazkur natijalar ustidan O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligiga, Respublika sud-

QMMB: 10/26/3939/0932-son
14.09.2026-y.

tibbiy ekspertiza ilmiy-amaliy markaziga yoki sudga murojaat qilishga haqli.

4-bob. Tibbiy tekshiruv natijalarining maxfiyligini ta’minlash

20. Tibbiy tekshiruvni o‘tkazish jarayonida olingan muddatli harbiy xizmatga chaqirilayotgan va kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga qabul qilinayotgan fuqarolarning shaxsiga oid ma’lumotlari, peshob va (yoki) qon namunalari, tibbiy tekshiruv natijalari va ular asosidagi ma’lumotnomaning maxfiyligi sud-tibbiy ekspertiza muassasasi hamda tuman (shahar) mudofaa ishlari bo‘yicha bo‘lim va harbiy-tibbiy muassasa tomonidan ta’minlanadi.

21. Tibbiy tekshiruv davomida olingan peshob va (yoki) qon namunalarining begona shaxslar tomonidan olinishi yoki almashtirilishining oldini oladigan sharoitlarda saqlanishi sud-tibbiy ekspertiza muassasasi tomonidan ta’minlanishi lozim.

5-bob. Muddatli harbiy xizmatga chaqirilayotgan fuqaroning tibbiy tekshiruvini moliyalashtirish

22. Muddatli harbiy xizmatga chaqirilayotgan fuqarolarning tibbiy tekshiruvi quyidagi manbalar hisobidan moliyalashtiriladi:

2027-yildan boshlab O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligiga ushbu maqsadlar uchun har yili ajratiladigan O‘zbekiston Respublikasi Davlat budjeti mablag‘lari;

homiylik xayriya mablag‘lari;

qonunchilik hujjatlarida taqiqlanmagan boshqa manbalar.

6-bob. Yakuniy qoida

23. Ushbu Nizom talablarining buzilishida aybdor bo‘lgan shaxslar qonunchilik hujjatlariga muvofiq javob beradilar.

QMMB: 10/26/3939/0932-son
14.09.2026-y.

O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari safiga muddatli harbiy xizmatga chaqirilayotgan va kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga qabul qilinayotgan fuqarolarni giyohvandlik vositalari bo‘yicha majburiy tibbiy laboratoriya tekshiruvidan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomga
ILOVA

Namuna

_____
(tuman (shahar) mudofaa ishlari bo‘yicha bo‘limi yoki harbiy-tibbiy muassasaning nomi)

tomonidan berilgan giyohvand vositalari bo‘yicha majburiy tibbiy laboratoriya tekshiruvidan o‘tkazish bo‘yicha

YO‘LLANMA

Yo‘llanma raqami: _____

Yo‘llanma rasmiylashtirilgan sana: 20__-yil __-_____

I. Fuqaro to‘g‘risidagi ma’lumotlar

1. Familiyasi: _____
2. Ismi: _____
3. Otasining ismi: _____
4. Tug‘ilgan sanasi:_____
5. Jinsi: _____
6. Fuqaroning yashash manzili: _____
_____
7. Telefon raqami: _____
8. Shaxsini tasdiqlovchi hujjati to‘g‘risidagi ma’lumotlar:

hujjat turi: _____

seriyasi va raqami: _____

berilgan sana: _____

II. Harbiy xizmat to‘g‘risidagi ma’lumotlar

9. Harbiy xizmat turi:

☐ muddatli harbiy xizmatga chaqirish

☐ kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga qabul qilish

III. Tibbiy tekshiruvga yuborish to‘g‘risidagi ma’lumotlar

10. Tibbiy tekshiruvga yuborish asosi: _____
_____
11. Tibbiy tekshiruv o‘tkazuvchi sud-tibbiy ekspertiza muassasasining to‘liq nomi:
_____
12. Tibbiy tekshiruv o‘tkaziladigan sana: _____

IV. Yo‘llanmani rasmiylashtirgan tuman (shahar) mudofaa ishlari bo‘yicha bo‘limi / harbiy-tibbiy muassasa to‘g‘risidagi ma’lumotlar

13. Elektron pochta manzili (mavjud bo‘lsa): _____
14. Telefon raqami: _____

_____ **rahbari** _____ _____

(tuman (shahar) mudofaa ishlari bo’yicha bo’limi yoki harbiy-tibbiy muassasaning nomi) *(imzo)* *(F.I.O.)*

Sana: 20__-yil __-_____

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3940
2026 - yil 16 - Sentabr

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING
BUYRUG‘I

Farmatsevtika faoliyatida qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 14-noyabrdagi PF–184-son “Tadbirkorlar huquqlari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi va 2026-yil 17-apreldagi PF–63-son “Tadbirkorlik faoliyatiga noqonuniy aralashuvlarni cheklash va nazorat tadbirlarining shaffofligini oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi farmonlari hamda Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son “Nazorat qiluvchi organlar tomonidan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida davlat nazoratini tashkil etish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq buyuraman:

1. Farmatsevtika faoliyatida qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil hamda O‘zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran uch oydan keyin kuchga kiradi.

Vazir
2026-yil 26-avgust
24-son

ADILOV ELDAR
ERKINOVICH

Kelishildi:

Rais
2026-yil 20-avgust

VAXABOV DAVRON
ABDUJALALOVICH

Tadbirkorlarning huquqlarini himoya qilish boʻyicha vakil
2026-yil 17-avgust

BURIYEV ABDUMANNOP
ABDURAXMATOVICH

O‘zbekiston Respublikasi sog‘liqni saqlash vazirining
2026-yil 26-avgustdagi 24-son buyrug‘iga
ILOVA

Farmatsevtika faoliyatida qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi NIZOM

Mazkur Nizom farmatsevtika faoliyatida qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

tadbirkorlik subyekti – belgilangan tartibda davlat ro‘yxatidan o‘tgan hamda tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirayotgan yuridik shaxslar;

“Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi – O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi huzuridagi “Farmatsevtika mahsulotlari xavfsizligi markazi” davlat muassasasi (bundan buyon matnda Markaz deb yuritiladi) tomonidan tegishli nazorat sohasi bo‘yicha aniq mezonlarga asoslanib, tadbirkorlik subyekti tomonidan o‘z faoliyatida qonunchilik buzilish xavfi darajasini aniqlash elektron tizimi;

tekshiruv – tadbirkorlik subyekti tomonidan faoliyatni tartibga soluvchi qonunchilikka qay darajada rioya etilayotganligini tekshirish uchun kerakli materiallar, hujjatlar yoki ularning faoliyatiga doir ma’lumotlarni olish hamda muayyan harakatlarni amalga oshirish orqali o‘tkaziladigan nazorat qilish tadbiri.

2. Markaz tomonidan “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlarning “xavfni tahlil etish” tizimlariga qo‘yiladigan minimal talablarga muvofiq ishlab chiqilishi lozim.

Minimal talablarga zid bo‘lgan “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi tadbirkorlik subyektida tekshiruv o‘tkazish tashabbusi bilan chiqishga asos bo‘lmaydi.

3. Ishlab chiqilgan “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi asosida aniqlangan huquqbuzarlik xavfi qay darajada boʻlishidan qatʼi nazar, tadbirkorlik subyektiga nisbatan taʼsir choralarini qoʻllashga asos boʻla olmaydi.

2-bob. Xavf darajasini tahlil qilishga doir umumiy talablar

4. Tadbirkorlik subyektining qonunni buzish xavfi darajasini tahlil qilish jarayoni tadbirkorlik subyekti faoliyatini toʻxtatib turish, unga toʻsqinlik qilish yoki faoliyatini amalga oshirishga toʻgʻridan-toʻgʻri aralashishni nazarda tutuvchi xatti-harakatlarni oʻz ichiga olmasligi zarur.

5. Xavf darajasining tahlili quyidagi maʼlumotlarni oʻrganish asosida amalga oshirilishi mumkin:

maʼmuriy maʼlumotlar (litsenziya, ruxsat etuvchi va davlat organlarida mavjud boshqa hujjatlar);

davriy statistika maʼlumotlari, jumladan, avval huquqbuzarlik holatlari aniqlangan tadbirkorlik subyektini umumlashtiruvchi belgilar, xabarlar va boshqa korrelyatsion tahlil natijalari;

yuridik va jismoniy shaxslardan kelib tushgan murojaatlar;

ommaviy axborot vositalaridan yoki boshqa tashqi manbalardan (ijtimoiy tarmoqlar, veb-saytlar) olingan maʼlumotlar;

nazorat xaridi natijalari asosida aniqlangan kamchiliklarning tahlili;

qonunchilikda taqiqlanmagan boshqa manbalardan va tadbirkorlik subyektining odatiy faoliyatiga bevosita yoki bilvosita taʼsir koʻrsatmagan holda, davlat organlari va boshqa tashkilotlardan olinishi mumkin boʻlgan boshqa maʼlumotlar.

6. Xavf darajasi tahlili jarayonida tadbirkorlik subyektidan hujjatlar va axborotlar talab qilinishiga yoʻl qoʻyilmaydi.

7. Nazorat vakolatiga kirmaydigan tadbirkorlik subyektlari faoliyatini tahlil qilish va baholash taqiqlanadi.

3-bob. Xavf darajasi tasnifi va ularning mezonlariga doir talablar

8. “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida xavf darajasini baholash oʻrganiladigan maʼlumotlar asosida shakllantirilgan mazkur Nizomning 1 va 2-

ilovalarida koʻrsatilgan koʻrsatkichlarga tadbirkorlik subyekti faoliyatining muvofiqligini “ball” tizimi asosida baholash orqali amalga oshiriladi.

9. Markaz tadbirkorlik subyektlarining xavf darajasini baholash uchun quyidagi koʻrsatkichlarni “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimiga kiritadi:

mazkur Nizomning 1-ilovasiga muvofiq Dori vositalarini ishlab chiqarish, tayyorlash va ulgurji realizatsiya qilish faoliyatida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash koʻrsatkichlari;

mazkur Nizomning 2-ilovasiga muvofiq Dori vositalari va tibbiy jihozlarni chakana realizatsiya qilish faoliyatida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash koʻrsatkichlari.

Bunda tadbirkorlik subyektlarining xavf darajasi mazkur bandning ikkinchi va uchinchi xatboshilarida nazarda tutilgan koʻrsatkichlar boʻyicha “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida avtomatik ravishda alohida aniqlanadi.

10. Amalga oshirilgan baholash natijalariga koʻra aniqlangan xavf darajasining umumiy ballari asosida tadbirkorlik subyektlari huquqbuzarlik sodir etish xavfi boʻyicha quyidagi uch xil toifada tasniflanadi:

xavf darajasi yuqori – baholash natijalari boʻyicha 81 balldan 100 ballgacha boʻlgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari;

xavf darajasi oʻrta – baholash natijalari boʻyicha 61 balldan 81 ballgacha boʻlgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari;

xavf darajasi past – baholash natijalari boʻyicha 61 ballgacha boʻlgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari.

11. Baholash natijalariga muvofiq huquqbuzarlik xavfi yuqori va oʻrta tasnifidagi tadbirkorlik subyektlarida profilaktika tadbirlari va tekshiruvlarni oʻtkazish amaldagi qonunchilik hujjatlari, jumladan Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 14-noyabrdagi PF–184-son “Tadbirkorlar huquqlari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi Farmoni, 2022-yil 13-sentabrdagi PQ–374-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlar tomonidan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida tekshiruvlar va profilaktika tadbirlarini oʻtkazish tartibi toʻgʻrisidagi nizom va Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlarning “xavfni tahlil etish” tizimlariga qoʻyiladigan minimal talablar asosida amalga oshiriladi.

Bunda tadbirkorlik subyektlarida profilaktika tadbirlari va tekshiruvlar faqatgina farmatsevtika faoliyatidagi qonunchilik talablariga rioya etilishini

oʻrganish maqsadida oʻtkaziladi.

12. Xavf darajasi past boʻlgan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida tekshiruvlar oʻtkazilmaydi.

4-bob. Yakuniy qoidalar

13. Xavfni tahlil etish natijalaridan norozi boʻlgan tadbirkorlik subyektlari qonunchilikda belgilangan tartibda yuqori turuvchi organga yoki sudga shikoyat qilishga haqli.

14. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor boʻlgan shaxslar belgilangan tartibda javobgar boʻladilar.

Farmatsevtika faoliyatida qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga
1-ILOVA

Dori vositalarini ishlab chiqarish, tayyorlash va ulgurji realizatsiya qilish faoliyatida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KOʻRSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash koʻrsatkichlari	Ball	Tahlil yakuniga koʻra qoʻyilgan ballar
1.	Dori vositalarini ishlab chiqarish, tayyorlash va ulgurji realizatsiya qilish faoliyatida qonunchilik hujjatlariga, jumladan, Zarur ishlab chiqarish amaliyoti, Zarur distribyutorlik amaliyoti, Zarur saqlash amaliyoti milliy standartlariga, texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlar talablariga majburiy rioya qilinmaganligi	**15**	
2.	Dori vositalarini ishlab chiqarish, tayyorlash va ulgurji realizatsiya qilish faoliyatini litsenziyada koʻrsatilgan doirada yoki amalga oshirish manzilida (manzillarda) amalga oshirilmaganligi	**5**	

3.	Farmatsevtika mahsulotlari harakatini nazorat qilish va hisobga olishning axborot tizimiga ulanilmaganligi yoki maʼlumotlarning ular muomalaga kiritilgan vaqtdan boshlab kiritilmaganligi yoxud litsenziyalovchi organga har oyning beshinchi kunidan kechiktirmay oʻtgan oy uchun ishlab chiqarilgan dori vositalari nomi, shakli, xalqaro patentlanmagan nomi, TIF TN kodi, joriy yil uchun ishlab chiqarish istiqbolli koʻrsatkichlari yoki oylik ishlab chiqarilgan miqdori va narxlari toʻgʻrisidagi maʼlumotlarning taqdim qilinmaganligi	**3**	
4.	Dori vositalari va tibbiy buyumlarni ulgurji realizatsiya qilish bilan shugʻullanilgan taqdirda shtatida farmatsevtik maʼlumotga ega boʻlgan, shuningdek, lavozim majburiyatlariga muvofiq malakasini oshirganligi toʻgʻrisida sertifikatga va ish tajribasiga ega boʻlgan dori vositalarini ulgurji realizatsiya qiluvchi tashkilot omborxonasi mudirining mavjud emasligi yoki xodimlar bilan yangi mehnat shartnomalarini tuzish, shartnomalarga oʻzgartishlar kiritish va ularni bekor qilish hollarining, shuningdek, amaldagi mehnat shartnomalari toʻgʻrisidagi axborotning “Yagona milliy mehnat tizimi” idoralararo dasturiy-apparat kompleksida majburiy roʻyxatdan oʻtkazilmaganligi	**8**	
5.	Dori vositalarini ishlab chiqarish faoliyati bilan shugʻullanilgan taqdirda shtatida tegishli ixtisoslikka ega boʻlgan, lavozim majburiyatlariga muvofiq malakasini oshirganligi toʻgʻrisida sertifikatga va ish tajribasiga ega boʻlgan, dori vositalarini ishlab chiqarish va sifat nazoratiga masʼul boʻlgan kamida ikki nafar mutaxassisning mavjud emasligi yoki xodimlar bilan yangi mehnat shartnomalarini tuzish, shartnomalarga oʻzgartishlar kiritish va ularni bekor qilish hollarining, shuningdek, amaldagi mehnat shartnomalari toʻgʻrisidagi axborotning “Yagona milliy mehnat tizimi” idoralararo dasturiy-apparat kompleksida majburiy roʻyxatdan oʻtkazilmaganligi	**3**	

6.	Dori vositalarini tayyorlash faoliyati bilan shugʻullanilgan taqdirda yuridik shaxs shtatida oliy farmatsevtik maʼlumotga ega boʻlgan, shuningdek, lavozim majburiyatlariga muvofiq malakasini oshirganligi toʻgʻrisida sertifikatga va ish tajribasiga ega boʻlgan mutaxassisning mavjud emasligi yoki xodimlar bilan yangi mehnat shartnomalarini tuzish, shartnomalarga oʻzgartirishlar kiritish va ularni bekor qilish hollarining, shuningdek, amaldagi mehnat shartnomalari toʻgʻrisidagi axborotning “Yagona milliy mehnat tizimi” idoralararo dasturiy-apparat kompleksida majburiy roʻyxatdan oʻtkazilmaganligi	**6**	
7.	Litsenziyalanayotgan faoliyat turini amalga oshirish uchun moʻljallangan, oʻziga mulk huquqi bilan yoki soliq organlarida hisobga qoʻyilgan boshqa ashyoviy huquq (ijara yoki tekin foydalanish) asosida tegishli boʻlgan va tegishli sanitariya qoidalari, normalari va gigiyenik normativlarga, shuningdek, texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlarga muvofiq xonalarning mavjud emasligi	**35**	
8.	Litsenziyalanadigan aniq faoliyat turini amalga oshirish uchun shart-sharoitlar yaratilmaganligi, shu jumladan, tegishli moddiy-texnika bazadan, asbob-uskunalardan, boshqa texnik vositalardan, shuningdek, ulardan foydalanishga qoʻyilgan talablarga muvofiq foydalanilmaganligi	**25**	
	Jami ballar yigʻindisi	**100**	

Farmatsevtika faoliyatida qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga
2-ILOVA

Dori vositalari va tibbiy jihozlarni chakana realizatsiya qilish faoliyatida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KOʻRSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash koʻrsatkichlari	Ball	Tahlil yakuniga koʻra qoʻyilgan ballar
1.	Dori vositalarini va tibbiy jihozlarni tayyorlash, berish, realizatsiya qilish qoidalariga va ularning sifatini taʼminlovchi saqlash sharoitlariga rioya etilmaganligi	**30**	
2.	Shtatda kamida bir xodim – oliy farmatsevtik yoki oliy farmatsevtika taʼlim muassasasida maxsus tayyorlov kursini tugatgan oliy tibbiy maʼlumotga ega boʻlgan, qonunchilik hujjatlarining aniqlangan buzilishi, shu jumladan, dori vositalari va tibbiy buyumlarning narxini belgilash tartibi qoʻpol buzilganligi oqibatida litsenziyasining amal qilishi bekor boʻlgan dorixonalarning xodimlari reyestriga kiritilmagan dorixona mudirining mavjud emasligi	**20**	
3.	Dori vositalari va farmatsevtika faoliyati toʻgʻrisidagi qonunchilik hujjatlariga, jumladan, Zarur farmatsevtika (dorixona) amaliyoti milliy standartlariga, shuningdek, dori vositalari va tibbiy buyumlar muomalasini texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlar talablariga majburiy rioya etilmaganligi	**20**	
4.	Dori vositalari va tibbiy jihozlarni chakana realizatsiya qilish faoliyati litsenziyada koʻrsatilmagan manzilda amalga oshirilganligi	**10**	
5.	Dori vositalari va tibbiy buyumlarni chakana realizatsiya qilishda ularning narxini davlat	**10**	

	tomonidan tartibga solishning belgilangan tartibiga rioya qilinmaganligi		
6.	Belgilangan tartibda dorixona va (yoki) dorixona filiali mudiri malakasi oshirilmaganligi	**10**	
	Jami ballar yig‘indisi	**100**	

37 (1265)-сон
946-модда

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3481-4
2026 - yil 17 - Sentabr

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRINING BUYRUG‘I

Ichki ishlar organlarida xizmatga nomzodlarni tanlab olish tadbirlarini tashkil etish va o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 29-noyabrdagi PQ–3413-son “Ichki ishlar organlari kadrlari bilan ishlash va ularning xizmatini tashkil etish tartibini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman**:

1. O‘zbekiston Respublikasi ichki ishlar vazirining 2023-yil 2-noyabrdagi 601-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3481, 2023-yil 6-dekabr) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 07.12.2023-y., 10/23/3481/0923-son) bilan tasdiqlangan Ichki ishlar organlarida xizmatga nomzodlarni tanlab olish tadbirlarini tashkil etish va o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga ilovaga muvofiq o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir
2026-yil 7-sentabr
569-son

TASHPULATOV AZIZ
ANVAROVICH

O‘zbekiston Respublikasi ichki ishlar vazirining
2026-yil 7-sentabrdagi 569-son buyrug‘iga
ILOVA

Ichki ishlar organlarida xizmatga nomzodlarni tanlab olish tadbirlarini tashkil etish va o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga kiritilayotgan o‘zgartirish va qo‘shimchalar

1. 3-bandda:

“g” kichik banddagi “o‘ttiz yoshdan” degan so‘zlar “o‘ttiz besh yoshdan” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

“d” kichik bandning beshinchisi xatboshisi “yuridik ta’minlash” degan so‘zlardan keyin “hamda jamoat xavfsizligi aviatsiyasi” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin.

2. 5-bandning to‘rtinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Bunda, jamoat xavfsizligi aviatsiyasi va axborot texnologiyalari bo‘linmalariga xizmatga kirish istagini bildirgan jamoat xavfsizligi aviatsiyasi va axborot texnologiyalari sohasidagi mutaxassis nomzodlar o‘rganish bosqichidan antropometrik parametrlar tatbiq etilmagan holda sog‘lig‘ining umumiy xizmatga yaroqlilik darajasiga oid talablar asosida o‘tadi.”.

3. 3-ilovada:

nomidagi “o‘ttiz yoshdan” degan so‘zlar “o‘ttiz besh yoshdan” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

7-band quyidagi tahrirdagi oltinchi va yettinchi xatboshilar bilan to‘ldirilsin:

“maktab direktori va o‘rinbosari;

sho‘ba mudiri va o‘rinbosari;”

oltinchi – o‘n birinchi xatboshilar tegishli ravishda sakkizinchi – o‘n uchinchi xatboshilar deb hisoblansin.

37 (1265)-сон
947-модда

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3941
2026 - yil 17 - Sentabr

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ISTIQBOLLI LOYIHALAR MILLIY AGENTLIGI DIREKTORINING
BUYRUG‘I

Qimmatli qog‘ozlar emitentlarining reytingini yuritish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 18-dekabrdagi PF–254-son “Kapital bozorida investitsiya muhitini yaxshilashga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq buyuraman:

1. Qimmatli qog‘ozlar emitentlarining reytingini yuritish tartibi to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil hamda O‘zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran uch oydan keyin kuchga kiradi.

Direktor
2026-yil 25-avgust
26-son

LI DMITRIY
ROMANOVICH

Kelishildi:

Tadbirkorlarning huquqlarini himoya qilish boʻyicha vakil 2026-yil 21-avgust		BURIYEV ABDUMANNOP ABDURAXMATOVICH
Rais 21-avgust 2026-yil		VAXABOV DAVRON ABDUJALALOVICH

O‘zbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi
direktorining 2026-yil 25-avgustdagi 26-son buyrug‘iga
ILOVA

Qimmatli qog‘ozlar emitentlarining reytingini yuritish tartibi to‘g‘risidagi NIZOM

Mazkur Nizom qimmatli qog‘ozlar emitentlarining qimmatli qog‘ozlar bozori, aksiyadorlik jamiyatlari va aksiyadorlarning huquqlarini himoya qilish sohasidagi ularning shaffofligi va qonunchilik hujjatlariga rioya etilishini baholashni nazarda tutuvchi reytingini yuritish hamda ushbu reyting asosida tegishli ta’sir choralarini qo‘llash tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

qimmatli qog‘ozlar bozorini tartibga solish bo‘yicha vakolatli davlat organi (bundan buyon matnda vakolatli davlat organi deb yuritiladi) – O‘zbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi;

qimmatli qog‘ozlar emitenti (bundan buyon matnda emitent deb yuritiladi) – emissiyaviy qimmatli qog‘ozlar chiqaruvchi va ular yuzasidan qimmatli qog‘ozlarning egalari oldida majburiyatlari bo‘lgan yuridik shaxs;

axborot tizimi – Korporativ axborot yagona portalining emitentlar reytingini aks ettiruvchi moduli;

emitentlar reytingi – emitentlarning qimmatli qog‘ozlar bozori, aksiyadorlik jamiyatlari va aksiyadorlarning huquqlarini himoya qilish sohasidagi ularning shaffofligi va qonunchilik hujjatlariga rioya etilishini baholash natijalari bo‘yicha shakllantirilgan reyting bahosi;

shaxsiy kabinet – Korporativ axborot yagona portalining vakolatli davlat organi va emitent o‘rtasida xabar yuborish, ma’lumotlarni ko‘rish va yuklab olish uchun mo‘ljallangan sahifasi.

2. Emitentlar reytingi vakolatli davlat organi tomonidan yuritiladi hamda axborot tizimida ochiq tarzda aks ettiriladi.

3. Emitentlar reytingi vakolatli davlat organi tomonidan axborot tizimida hisobot choragidan keyingi ikkinchi oyning dastlabki 10 kunligida e’lon qilinadi hamda emitentlarga bu haqida shaxsiy kabinet orqali xabar yuboriladi.

2-bob. Emitentlar reytingini yuritish va uning mezonlari

4. Emitentlar reytingini yuritish hisobotlar va muhim faktlarni e’lon qilish orqali Korporativ axborotning yagona portalida ma’lumotlarning o‘z vaqtida, ishonchli va to‘liq oshkor etilishi, shuningdek, qimmatli qog‘ozlar bozori, aksiyadorlik jamiyatlari va aksiyadorlar huquqlarini himoya qilish sohasidagi qonunchilikka rioya etilishini baholash orqali amalga oshiriladi.

5. Emitentlar reytingi axborot tizimi orqali mazkur Nizomning 1-ilovasiga muvofiq quyidagi 7 ta mezon bo‘yicha emitentlar tomonidan yo‘l qo‘yilgan kamchiliklar uchun berilgan ballar yig‘indisiga ko‘ra aniqlanadi:

1-mezon – choraklik va yillik hisobotlarni Korporativ axborotning yagona portalida belgilangan muddatlarda e’lon qilmaslik;

2-mezon – muhim faktlarni Korporativ axborotning yagona portalida e’lon qilmaslik;

3-mezon – qimmatli qog‘ozlar bo‘yicha daromadlarni to‘lash majburiyatlarini bajarmaslik;

4-mezon – noto‘g‘ri yoki chalg‘ituvchi ma’lumot taqdim etish;

5-mezon – korporativ qonunchilik talablarini buzish (masalan, yuqori boshqaruv organining yig‘ilishini chaqirish va o‘tkazishning belgilangan tartibini buzish);

6-mezon – vakolatli davlat organi tomonidan ko‘rib chiqilib, emitent tomonidan qimmatli qog‘ozlar bozori sohasidagi qonunchilik talablari buzilgan deb topilgan murojaatlarning mavjudligi;

7-mezon – vakolatli davlat organining ko‘rsatma yoki qarorlarini bajarmaslik.

6. Yil yakunlari bo‘yicha hisobotlarni topshirish natijalari keyingi yilning 2-choragi uchun emitentlar reytingini hisoblashda inobatga olinadi hamda har bir hisobot uchun alohida ball belgilanadi.

Bunda, har ikki hisobotni (choraklik va yillik) e’lon qilmaganlik uchun alohida ball hisoblanganda umumiy reyting ballari yig‘indisi 100 balldan oshmasligi lozim.

7. Emitentlar reytingi ma’lumotlari hisobot choragining oxirgi sanasidagi holat bo‘yicha hisobot choragining yakuniy natijalariga asosan shakllantiriladi.

Bunda, 1 va 2-mezonlar ma’lumotlari hisobot va muhim faktlarni e’lon qilish muddatlarining oxirgi sanasidagi holat bo‘yicha shakllantiriladi.

3-bob. Emitentlar reytingi shkalasi

8. Har chorak natijalari bo‘yicha amalga oshiriladigan hisob-kitoblarga ko‘ra, emitentga mazkur Nizomning 2-ilovasiga muvofiq quyidagi toifalardan biri beriladi:

“A” toifa;

“B” toifa;

“C” toifa;

“D” toifa.

9. Emitentlar reytingi natijalarini tasdiqlash hisobot choragidan keyingi ikkinchi oyning dastlabki 10 kunligida:

“A” va “B” toifalar uchun axborot tizimi orqali avtomatik ravishda;

“C” va “D” toifalar uchun vakolatli davlat organi tomonidan tegishli ma’lumotlarning to‘g‘riligini tekshirish orqali amalga oshiriladi.

10. Emitentlar reytingini yuritishda barcha xatti-harakatlar tarixi, jumladan, ma’lumotlar xronologiyasi, vakolatli davlat organi mas’ul xodimining identifikatsiya raqami (ID), emitentga xabarnoma yuborilgan sana axborot tizimida qayd etiladi va saqlanadi.

4-bob. Ta’sir choralari

11. Ta’sir choralarini qo‘llash emitentlar reytingi natijalariga ko‘ra Korporativ axborotning yagona portalida avtomatik ravishda yoki vakolatli davlat organining qaroriga ko‘ra amalga oshirilishi mumkin.

12. Ta’sir choralarini qo‘llash to‘g‘risidagi qaror reyting natijalari e’lon qilingan sanadan boshlab bir oy ichida qabul qilinadi.

Bunda, mazkur qarorda ta’sir choralarining amal qilish muddati uch oy etib belgilanadi.

13. Ta’sir choralarini qo‘llash to‘g‘risidagi qaror vakolatli davlat organi rahbari (rahbar o‘rinbosari) tomonidan imzolanadi.

14. Emitent taʼsir choralarini qoʻllash toʻgʻrisidagi qaror qabul qilingan kundan eʼtiboran uch ish kuni ichida shaxsiy kabinet orqali xabardor qilinadi.

15. Emitentlar reytingini baholash shkalasidagi toifalarga mutanosib ravishda aniqlangan kamchiliklarning xususiyati, muntazamligi va investorlar uchun potensial zarar darajasini hisobga olgan holda vakolatli davlat organi tomonidan emitentlarga nisbatan quyidagi taʼsir choralari qoʻllanilishi mumkin:

1) “B” toifadagi emitentlar uchun shaxsiy kabinet orqali ogohlantirish xati yuborish asosida profilaktik tadbirlarni amalga oshirish;

2) “C” toifadagi emitentlar uchun:

Korporativ axborotning yagona portalida korporativ harakatlarni (hisobot va muhim faktlarni topshirish, eʼlon qilish) amalga oshirishni kamchiliklar bartaraf etilgunga qadar cheklash (1 va (yoki) 2-mezonlar boʻyicha huquqbuzarliklar sodir etgan emitentlar uchun), bunda faqatgina kamchilik sifatida eʼtirof etilayotgan va eʼlon qilinmagan axborotni oshkor qilish imkoniyati saqlanib qolinadi;

qimmatli qogʻozlar chiqarilishini roʻyxatdan oʻtkazishni rad etish;

3) “D” toifadagi emitentlar uchun mazkur bandning 2-kichik bandidagi taʼsir choralariga qoʻshimcha ravishda:

korporativ obligatsiyalarni oʻttiz kun ichida muddatidan oldin soʻndirishni va ular boʻyicha foizlar (kuponlar) toʻlashni talab qilish;

emitentning qimmatli qogʻozlari muomalasini qonunchilikda belgilangan tartibda toʻxtatib turish, bunda repo bitimlarining ikkinchi bosqichini amalga oshirishga ruxsat etiladi.

5-bob. Emitent huquqlarining kafolatlari

16. Emitent reyting natijalari eʼlon qilingan kundan boshlab 5 ish kuni ichida shaxsiy kabinet orqali vakolatli davlat organiga shikoyat qilishga haqli.

Bunda, bildirilgan eʼtirozlar vakolatli davlat organi tomonidan 10 ish kuni ichida koʻrib chiqiladi. Eʼtirozlar asosli deb topilgan taqdirda reyting ballari qayta koʻrib chiqiladi, aks holda reyting ballari oʻzgarishsiz qoldiriladi.

17. Emitent vakolatli davlat organi tomonidan eʼlon qilingan reyting natijalari va taʼsir choralarini qoʻllash toʻgʻrisidagi qarorlari ustidan qonunchilikda belgilangan tartibda sudga shikoyat qilish huquqiga ega.

6-bob. Yakuniy qoida

18. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor bo‘lgan shaxslar qonunchilikka muvofiq javobgar bo‘ladilar.

Qimmatli qog‘ozlar emitentlarining
reytingini yuritish tartibi to‘g‘risidagi
nizomga
1-ILOVA

Qimmatli qog‘ozlar emitentlari reytingini aniqlash MEZONLARI

T/r	Mezon	Hisoblash tartibi	Maksimal ball
1.	Choraklik va yillik hisobotlarni Korporativ axborotning yagona portalida belgilangan muddatlarda e’lon qilmaslik	Reyting ballarini aniqlash kunida Korporativ axborotning yagona portalida joylashtirilmagan hisobot mavjud bo‘lganda	15 ball
2.	Muhim faktlarni Korporativ axborotning yagona portalida e’lon qilmaslik	Hisobot choragida Korporativ axborotning yagona portalida e’lon qilinmagan har bir muhim fakt uchun 5 balldan, lekin 15 balldan oshmagan miqdorda	15 ball
3.	Qimmatli qog‘ozlar bo‘yicha daromadlarni to‘lash majburiyatlarini bajarmaslik	Hisobot choragida qimmatli qog‘ozlar bo‘yicha dividend va (yoki) kuponlarni to‘lash majburiyatlarini bajarmaslik bo‘yicha aniqlangan har bir holat uchun 5 balldan, lekin 10 balldan oshmagan miqdorda (vakolatli davlat organi tomonidan axborot tizimida tegishli ma’lumotlarni kiritib borish orqali)	10 ball
4.	Noto‘g‘ri yoki chalg‘ituvchi ma’lumot taqdim etish	Hisobot choragida emitent tomonidan taqdim etilgan hisobot yoki muhim faktda, shuningdek har bir boshqa axborotda noto‘g‘ri yoki chalg‘ituvchi ma’lumot taqdim etilgan har bir holat uchun 5 balldan, lekin 10 balldan oshmagan miqdorda (vakolatli davlat organi tomonidan axborot tizimida tegishli ma’lumotlarni kiritib borish orqali)	10 ball

T/r	Mezon	Hisoblash tartibi	Maksimal ball
5.	Korporativ qonunchilik talablarini buzish	Boshqaruv organlarining yig‘ilishini chaqirish va o‘tkazish, shuningdek, yig‘ilish yakuni bo‘yicha hujjatlarni rasmiylashtirish va boshqa korporativ qonunchilik talablarini buzish bo‘yicha aniqlangan har bir holat uchun 5 balldan, lekin 10 balldan oshmagan miqdorda (vakolatli davlat organi tomonidan axborot tizimida tegishli ma’lumotlarni kiritib borish orqali)	10 ball
6.	Vakolatli davlat organi tomonidan ko‘rib chiqilib, emitent tomonidan qimmatli qog‘ozlar bozori sohasidagi qonunchilik talablari buzilgan deb topilgan murojaatlarning mavjudligi	Emitent tomonidan qimmatli qog‘ozlar bozori sohasidagi qonunchilik talablari buzilgan deb topilgan murojaatlar soni: 1–3 ta murojaat – 5 ball 4 ta va undan ortiq murojaat – 10 ball (vakolatli davlat organi tomonidan axborot tizimida tegishli ma’lumotlarni kiritib borish orqali)	10 ball
7.	Vakolatli davlat organining ko‘rsatma yoki qarorlarini bajarmaslik *	Vakolatli davlat organining qoidabuzarliklarni bartaraf etish to‘g‘risidagi ko‘rsatmalari hamda qarorlarini bajarmaslik yoki bajarishdan bo‘yin tovlash (vakolatli davlat organi tomonidan axborot tizimida tegishli ma’lumotlarni kiritib borish orqali)	30 ball

* Izoh: ko‘rsatmalar qolgan 6 ta mezonlardan birida yoki bir nechtasida nazarda tutilgan kamchiliklarni bartaraf etish yuzasidan berilgan bo‘lsa, reyting ballari faqat 7-mezon uchun belgilangan miqdorda hisoblanadi.

Qimmatli qog‘ozlar emitentlarining
reytingini yuritish tartibi to‘g‘risidagi
nizomga
2-ILOVA

Qimmatli qog‘ozlar emitentlari reytingini baholash ShKALASI

T/r	Toifasi	Ball
1.	A	0–10 ball
2.	B	15–25 ball
3.	C	30–60 ball
4.	D	65–100 ball

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3942
2026 - yil 17 - Sentabr

OʻZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING BUYRUG'I

Vazirlik va idoralar tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga oʻzgartirish va qoʻshimchalar kiritish toʻgʻrisida

Oʻzbekiston Respublikasining “Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi toʻgʻrisida”gi Konstitutsiyaviy Qonuni hamda Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 19-maydagi PF–5997-son “Davlat huquqiy siyosatini amalga oshirishda adliya organlari va muassasalari faoliyatini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi Farmoniga muvofiq buyuraman:

1. Vazirlik va idoralar tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga ilovaga muvofiq oʻzgartirish va qoʻshimchalar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir
17-Sentabr 2026-yil
31-mh son

TASHKULOV AKBAR
DJURABAYEVICH

O‘zbekiston Respublikasi
adliya vazirining 2026-yil 17-sentabrdagi
31-mh-son buyrug‘iga
ILOVA

Vazirlik va idoralar tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga kiritilayotgan o‘zgartirish va qo‘shimchalar

1. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosatining 2016-yil 28-apreldagi 224/8-son qarori (ro‘yxat raqami 2793, 2016-yil 3-iyun) bilan tasdiqlangan Ilmiy unvonlar berish tartibi to‘g‘risidagi nizomning 18-bandi “d” kichik bandidan “(O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi, O‘zbekiston Respublikasining qonunlari, O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi palatalarining qarorlari, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining farmonlari, qarorlari va farmoyishlari, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarorlari yoki vazirliklar va idoralarning buyruqlari hamda qarorlarida)” degan so‘zlar chiqarib tashlansin.

2. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2021-yil 18-iyundagi 13-mh-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3311, 2021-yil 19-iyun) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 19.06.2021-y., 10/21/3311/0577-son) bilan tasdiqlangan Normativ-huquqiy hujjatlarning hisobini yuritish qoidalarining 7-bandi quyidagi “v^1” kichik band bilan to‘ldirilsin:

“v^1) O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi Rahbarining farmoyishlari;”.

3. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2024-yil 29-iyuldagi 17-mh-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3545, 2024-yil 6-avgust) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 07.08.2024-y., 10/24/3545/0590-son) bilan tasdiqlangan Shaharsozlik normalari va qoidalari, fitosanitariya talablari, sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari, ekologik normalar va qoidalar, veterinariya, veterinariya-sanitariya qoidalari va normalarini tayyorlash, huquqiy ekspertizadan o‘tkazish va hisobga olish qoidalarining 20-bandi ikkinchi xatboshisi “O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining farmonlari va qarorlari” degan so‘zlardan keyin “,O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi Rahbarining farmoyishlari” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin.

4. O‘zbekiston Respublikasi ichki ishlar vazirining 2025-yil 17-sentabrdagi 523-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3682, 2025-yil 30-sentabr) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 30.09.2025-y., 10/25/3682/0885-son) bilan tasdiqlangan Xorijiy davlatlardan readmissiya qilingan O‘zbekiston Respublikasi fuqarolariga istisno holatlarda xorijga chiqish biometrik pasportini rasmiylashtirib berish to‘g‘risidagi yo‘riqnomada:

1) 6-bandning oltinchi xatboshisi “O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi rahbarining” degan so‘zlardan keyin “farmoyishlari hamda” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin;

2) 7-bandning oltinchi xatboshisi “O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi rahbarining” degan so‘zlardan keyin “farmoyishlari hamda” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin.

5. O‘zbekiston Respublikasi Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi direktorining 2026-yil 28-martdagi 84-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3829, 2026-yil 6-may) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 07.05.2026 y., 10/26/3829/0468-son) bilan tasdiqlangan Korrupsiyaga qarshi ichki nazorat bo‘linmalari faoliyati to‘g‘risidagi namunaviy nizomning 1-bandi “O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining farmonlari va qarorlari” degan so‘zlardan keyin “,O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi Rahbarining farmoyishlari” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3943
2026 - yil 17 - Sentabr

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING BUYRUG'I

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida

O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi to‘g‘risida”gi Konstitutsiyaviy Qonuni hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 19-maydagi PF–5997-son “Davlat huquqiy siyosatini amalga oshirishda adliya organlari va muassasalari faoliyatini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga ilovaga muvofiq o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir
17-Sentabr 2026-yil
32-mh son

TASHKULOV AKBAR
DJURABAYEVICH

O‘zbekiston Respublikasi
adliya vazirining 2026-yil 17-sentabrdagi
32-mh-son buyrug‘iga
ILOVA

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga kiritilayotgan o‘zgartirish va qo‘shimchalar

1. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2012-yil 2-martdagi 53-mh-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2333, 2012-yil 2-mart) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2012-y., 8-9-son, 98-modda) bilan tasdiqlangan O‘zbekiston Respublikasi qonunchilik tarmoqlarining umumhuquqiy klassifikatori 21.02.00.00 “O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining farmon va qarorlari” kodi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“21.02.00.00 O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti va Prezident Administratsiyasi Rahbarining hujjatlari;

21.02.00.00 koddan keyin quyidagi kodlar bilan to‘ldirilsin:

“21.02.01.00 O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining farmon va qarorlari

21.02.02.00 O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi Rahbarining farmoyishlari”.

2. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2025-yil 9-oktabrdagi 23-mh-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3686, 2025-yil 9-oktabr) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 09.10.2025-y., 10/25/3686/0927-son) bilan tasdiqlangan Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarni tayyorlash, qabul qilish, huquqiy ekspertiza va davlat ro‘yxatidan o‘tkazish qoidalarida:

1) 4-bandda:

birinchi xatboshi “O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining farmonlari va qarorlari” degan so‘zlardan keyin “,O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi Rahbarining farmoyishlariga” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin;

ikkinchi va uchinchi xatboshilar “O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining farmonlari va qarorlari,” degan so‘zlardan keyin “O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi Rahbarining farmoyishlariga,” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin;

2) 5-bandning uchinchi xatboshisi “O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining farmonlari va qarorlari,” degan so‘zlardan keyin “O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi Rahbarining farmoyishlari,” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin;

3) 25-bandning ikkinchi xatboshisi “O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining farmonlari va qarorlari” degan so‘zlardan keyin “,O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi Rahbarining farmoyishlari” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin;

4) 101-bandning uchinchi xatboshisi “O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining farmonlari va qarorlari” degan so‘zlardan keyin “,O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi Rahbarining farmoyishlari” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin.